



Март, 2016 | Жумадус соний, 1437

# Омина

Күёш фақат кундуз, ой түн нур сочар,  
Зиёингиз порлар сизнинг эрта-кеч.  
Фасллар алмашар, ишллар маҳв ўлар,  
Диллардан аримас баҳорингиз ҳеч.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

Бу сафар «Омина» муслималар электрон мажалласи шайх Мұҳаммад Содиқ Мұҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ ҳазратларининг муҳлислариға ўзига хос бир гулдаста тақдим этади. Ушбу гулдастадаги гулларнинг баъзиси Ҳазратимизнинг ўз бўстонларидан бўлса, бошқалари ўзга гулзорлардан. Ҳазратга аталган бу ажойиб гулдастанинг ифоридан баҳраманд бўлар экансиз, у зотдаги янгича гўзалликлардан хушнуд бўлиб, хуш бўйларидан сармаст бўлсангиз ажаб эмас. Баҳра олганлардан Ҳазратни дуода ёд этишларини сўраб қоламиз.

Камоли эҳтиром ила мажалла ходималари

Бош муҳаррир:  
Одинахон Мұҳаммад Содиқ

Таҳрир ҳайъати аъзолари:  
Хусайнхон Яҳё Абдулмажид  
Барно Сайдраҳмон, Салима Рустамий  
Дилафруз Юсупова, Назокат Қосимова, Гўзал Дадамуҳаммедова

Техник муҳаррирлар: Муяссар Қаюмова, Даврон Мадиёров  
Саҳифаловчи: Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ Дизайнер: Беҳзод Вафоев

# Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф



Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 1952 йилнинг 15 апрель куни (21.07.1371 ҳ.) Ўзбекистоннинг Андижон вилояти, Асака тумани, Ниёзботир қишлоғида дунёга келди.

Ҳазратнинг оталари устоз Мұхаммад Юсуф домла Бойбұта ўғлы (раҳматли) Андижон вилоятининг күзгә күринган аҳли илмларидан, тақво ва ибодатда мустаҳкам, дину эл хизматида камарбаста инсон бўлиб, оналари Тилакберди қизи Собирахон она (Аллоҳ раҳматига олсин) ҳам жуда содда, парҳезкор, ибодатгүй, фидокор, самимий аёл эдилар.

Мұхаммад Юсуф домла фарзанди Мұхаммад Содиқнинг илм олишига бор эътиборларини қаратганди. Мактабда аъло баҳоларга ўқишига, уйда мустақил мутолаа қилишига алоҳида аҳамият берар эди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 1969 йили Булоқбоши қишлоғидаги ўрта мактабни тугатгач, 1970 йили Бухородаги Мир Араб Мадрасасига ўқишига кирди.

У 1971 йили мадрасадан Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти (Олий Маъҳад)га ўтказилди. 1975 йили институтни аъло баҳоларга битирди. У институт барномасидан ташқари маҳсус устозлардан алоҳида дарс ҳам оларди. Институтнинг энг илғор талабаси сифатида танилганди. У нафакат ҳордик кунларини, балки ўн дақиқалик танаффусни ҳам, аzon

билан такбир орасидаги қисқа вақтни ҳам китоб мутолааси билан ўтказар эди.

Шайх Мұхаммад Содиқ 1975-1976 йиллар «Совет шарқи мусулмонлари» журнали ходими бўлиб ишлади, 1976 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идорасининг йўлланмаси билан Ливиянинг Триполи шаҳридаги «Исломий даъват факультети» номли дорулфунунга ўқишига кирди. У Ливияда бутун дунёдан келган талабалар орасида ҳам энг тиришқоқ ва энг итебоддли талаба сифатида намоён бўлди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 1980 йилда ўқишини тамомлаб, Ливиядан Ўзбекистонга қайтиб келгач, «Совет шарқи мусулмонлари» журнали ходими (1975-1976), Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси Халқаро бўлим катта таржимони (1980-1982), Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти мудир муовини (1982-1986), мазкур институти мудири (1987-1989) вазифаларида ишлади.

У институтда тафсир, ҳадис, улуми Қуръон, ақида фанларидан дарс берди ҳамда институт барномасига талайгина ижобий янгиликлар киритди, бир қанча исломий фанлар ва «Қуръон илмлари», «улумул ҳадис», ақида фанларини ҳамда ҳадис ва тафсир фанларидан «Роваиъул байан», «Манҳалул ҳадис» каби бир қанча қўлланмаларни илк марта жорий қилди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 1989 йили 6 февралда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси муфтийси бўлди, 1989 йил декабр ойида СССР Олий Кенгашининг ҳалқ депутати этиб сайланди ва 1993 йил 1 август куни муфтийлик лавозимидан истеъфога чиқди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ўзининг муфтийлик даврида мусулмонлар учун улкан хизматларни амалга оширди. У Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси ҳамда СССР Олий Кенгашининг ҳалқ депутати сифатида собиқ шўро ҳукуматидан мусулмонларнинг кўплаб ҳақ ҳуқуқларини талаб қилиб чиқди ва мақсадга эриши. Мусулмонлар учун минглаб масжид мадрасалар очилишида улкан ташабbus кўрсатди. Шўро ҳудудидаги мусулмонлар учун асрый орзу бўлган муборак Ҳаж сафарининг очилишига сабаб бўлди. Катта сондаги мусулмонларнинг ҳаж ибодатини эмин эркин адо этиб келишларига руҳсат олди. У кишининг муфтийлик даврида биринчи марта 1990 йилда Юртдан борган ҳожилар Саудия Арабистони ҳукумати тарафидан «Подшоҳнинг меҳмонлари» сифатида қабул қилиндиilar, алоҳида эътибор, меҳмоннавозликка мушарраф бўлдилар ва бу ҳолат 1993 йилгача давом этди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф илмий соҳада ҳам самарали ва баракали ижод қилди. Унинг илк мақолалари 1975 йили «Совет шарқи мусулмонлари» нашриётида ишлаган кезлари нашр қилина бошлиған бўлиб, кейинчалик 1991-1993 йиллари «Тафсири Ҳилол» номли Қуръони Карим тафсирининг 28-30 жузлари ҳамда «Поклик иймондандир» китоби, 1992 йили «Иймон» ва «Шоядки тақводор бўлсак», 1997 йили «Ислом мусаффолиги йўлида» асарлари чоп қилинди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 1993-2001 йиллар орасида ўз юрти ташқарисида яшаб, ижод қилди. Дастраси бир ярим йил Маккан Мукаррамада, 1994 йил ноябридан 2001 йилгача Ливияда истиқомат қилди. Бу саналар Шайх Мұхаммад Содиқ учун улкан ижодий ютуқларга бой бўлди. Қуръони Карим тафсирига бағишиланган йирик 6 жилдан иборат «Тафсири Ҳилол», ҳадиси шариф шарҳига бағишиланган 39 жилдан ташкил топган «Ҳадис ва Ҳаёт» асарларини айни ўша йилларда яратди. У «Тафсири Ҳилол» китобининг қолган 27 жузини Қуръони Карим илк нозил бўлган Маккан Мукаррамада, Ҳарам олдида таълиф этди. «Ҳадис ва ҳаёт» асарини эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг равзаларида, у зотнинг изнлари билан бошлади ва қолган қисмини Ливияда ёзиб тугатди. Ундан ташқари, кўплаб давлатларда бўлган халқаро конференцияларда, илмий анжуманларда фаол иштирок этди, Ислом оламининг кўплаб олимлари билан ижодий мулоқотлар, учрашувлар ўтказди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 2001 йили Ўзбекистонга қайтиб келди. Ўзбекистонликлар Шайхни жуда катта қувонч билан кутиб олишди. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ўз юртида 2001-2015 йиллар орасида кўплаб китоблар, овозли ҳамда тасвири ёзувларда илмий сұхбатлар, мавъизалар, туркум дарслар, маъррака йиғинлардаги маърузалари, халқаро интернет саҳифасидаги 25000 дан ортиқ турли мавзулардаги савол жавоблари билан халқнинг диний саводи ошишига, кишиларнинг соф Исломни англашига улкан ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида халқаро интернет тармоғида ўзбек тилидаги соф исломий саҳифага илк бор асос солинди. Ушбу *islom.uz* сайти ўзбек тилидаги энг фаол ва аъзоси энг кўп саҳифа ҳисобланади. *Islom.uz* портали асосида турли йўналишлардаги йигирмадан ортиқ мустақил саҳифа яратилиб, уларнинг ҳар бири ўз мавзусида энг бой ва энг фаол сайтларга айланди. У тўққизта ҳадис тўплами таржимасидан иборат «Олтин силсила» ҳамда катта «Ислом қомуси» лойиҳалари асосчисидир.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуфнинг асарлари, сұхбатлари кўплаб илм аҳлига илҳом бахш этди. У ўз асарларининг бошида бериб борадиган «Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақида ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва Суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи

солиҳ – улуг мұжтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик рухини таратиш, диний саводсизликни тутатиш, ихтилоф ва фирмачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш» шиорига ҳар доим амал қилди. У соф Исломни ўрганиш ва ўргатиш йўлида янги бир мактабга асос солди. Юзлаб шогирдларни тарбиялади. Унга фойиона шогирд бўлганларнинг эса сон саноғи йўқ. Бир қанча асарлари рус тилига таржима қилинди. Унинг ташаббуси билан русийзабон халқларга ҳам улкан исломий илмлар етиб бормоқда. Шунингдек, унинг асарлари уйғур, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби қардош тилларга ҳам таржима қилинган ва қилинмоқда.

Шайх ҳазратлари илмий салоҳият ва тинимсиз меҳнатлари натижаси ўлароқ бутун дунё исломшунослари эътиборига тушди. У киши Маккан Мукаррама шахридаги Ислом олами Робитаси таъсис мажлиси, Бутун дунё тасаввуф уюшмаси, Бутун дунё исломий халқлар бошқарувининг бош котибияти, Бутун дунё даъват уюшмаси, Бутун дунё уламолар кенгаши уюшмаси, Исломобод шахридаги Бутун дунё Ислом уюшмаси, Маккан Мукаррамадаги Бутун дунё мутафаккир уламолари йиғинининг ижроий қўмитаси, Бутун дунё масжидлар уюшмаси, Иорданиядаги Оли Байт «Исломий тафаккур» қироллик академияси кабиларнинг аъзоси бўлди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф 05.05.1436/10.03.2015 куни Тошкентда юрак хуружидан вафот этди. Эртаси куни пешинда Кўкча даҳасидаги Шайх Зайнуддин масжида жанозаси ўқилди. Жанозага мамлакатнинг турли минтақаларидан 200 мингдан ортиқ киши етиб келди. У киши масжид ёнидаги Шайх Зайнуддин қабристонига дафн этилди.

Шайх Мұхаммад Содиқ бой ва гўзал маънавият эгаси эди. У киши юраги тоза, кўнгли кенг, хушхулк, адолатпарвар, ҳақгўй, бағоят самиймий, ниҳоятда холис, қалби салим, руҳан улуғвор, пок ниятли инсон эди. Ҳазрат оиласпарвар, болажон, ватанпарвар, халқпарвар, олийжаноб эди. У Доим буюк ишларнинг пайдида бўларди, ўзининг хайрли ишларини, ҳар қанча салмоқли бўлмасин, буюк санамас, барчасини ёлғиз Аллоҳдан кўрарди. Шайх Мұхаммад Содиқнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир иши илм асосида бўлар, унинг илмга мұхаббати чексиз эди. У Қуръону Суннатга имкон қадар тўла амал қилган ҳолда мазҳабга ҳам доим риоя қилар эди.

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф нафақат сермаҳсул ижод қилиб, кишиларни тўғри йўлга бошлишга хизмат қилди, балки мана шу илмда бир қанча шогирдлар ҳам қолдирди. У Ислом дини соҳасидаги илмий ижод - китоблар нашри, халқаро тармоқларда диний таълим тарбия ишларини олиб бориш каби бир мунча хайрли фаолиятларни ҳам изга солиб кетди.

Аллоҳ Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуфни Ўзининг ҳузуридаги энг олий мақомларга етказсин!

# «Мусибатларингизда мени эсланглар...»

*Шайх ҳазратларининг падари бузрукворлари Мұхаммад Юсуф  
ҳожидаданинг жанозаларида қилган хутбалари (2004 йил 4 апрель)*

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!**

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.**

**«Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун».**

*«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Үнга қайтувчимиз» (Бақара сураси, 156-оят).*

**«Куллу нағсин зааиқотул-мавт, сумма илайнаа түржашуун».**

*«Ҳар бир жон ўлимни тотувчиидир» (Оли Имрон сураси, 185-оят).*

Азиз мўмин-мусулмон биродарлар, қиблагоҳимизни охириги йўлга кузатиш учун келган юртдошлар!

Ҳозир сизлар жанозаларини ўқимоқ учун тўпланиб турган зот буюк бир зот эди. У киши бундан саксон бир йил олдин дунёга келдилар. Мўмин-мусулмон оиласда ҳалол меҳнат билан ўсдилар. Бу-хородаги Мир Араб мадрасасида, сўнгра Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида ўша вақтдаги кўзга кўринган уламолардан шаръий илмларни ўргандилар. Ҳали талабалик чоғларидаёқ катталарнинг назарига тушдилар, янги очилиб, исплоҳ қилинаётган Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд даргоҳида бир йил давомида хизмат қилдилар. Бу ерда у кишида кўпгина файзу футух, тариқату сулук, зикру ибодат файзи ҳосил бўлди. Сўнгра таътиллардан бирида, фақат таътил пайтида туриш шарти билан, ушбу масжидга вақтинчалик ишга қўйилдилар. Лекин қисқа муддат ичida бу ерда турган мўмин-мусулмонларнинг ота-боболари Диний идорага арз билан бориб, у кишининг шу ерда қолишиларини қаттиқ талаб қилдилар. Шундан сўнг улар шу ерда қолиб, қирқ беш йил давомида мана шу

масжидда имомлик қилдилар, ҳалқнинг хизматкори бўлдилар. Қиблагоҳимиз 1967 санада оз сонли кишилар ичida биринчи марта ҳаж ибодатини адо этдилар. Шундан кейин Аллоҳ имкон бериб, ҳаж йўллари очилгандан сўнг бир неча марта ҳаж ва умрага бориб, ибодатларни қилиш баҳтига мушарраф бўлдилар. Мана шундай сафарлардан бирида Каъбаи Муаззаманинг ичига кириб, сиз азизларнинг ҳақларингизга дуо қилиш шарафига ҳам мусассар бўлдилар.

«Олимнинг ўлими – оламнинг ўлими» дейишади. Бугун бир олим вафот этдилар, ичимизда катта бир мусибат бўлди. У киши ўзларининг илмларини ватан, ҳалқ, мўмин-мусулмонлар учун сарфлашга умрларининг охиригача ҳаракат қилдилар. Олган илмларини шогирдларига, фарзандларига бериб, умр бўйи таълимтарбия билан хизмат қилдилар. Кишиларнинг таълим-тарбияли бўлиб ўсиб-унишларига ҳаракат қилдилар. Шунингдек, биз фарзандларни ҳарфма-ҳарф, сўзмасўз, жумлама-жумла ўқитиб, орқамиздан юриб ўргатиб, шу даражага етказдилар.

Бугун улуғ бир инсондан ажраб қолдик. У киши олим бўлишлари билан бирга

обид ҳам әдилар. Нафл ибодатларни жуда күп қиласынан зот әдилар. Кечалари юзлаб ракъат таҳажжуд намозларини ўқиши одат қилған әдилар. Ўзлари олган сабоқлардаги зикрларни ўрнида адо этар әдилар. Аллоҳ таоло ибодатларини қабул қилиб, ўзларининг мезонларида тош босадиган амаллардан қилған бўлсин!

Қиблагоҳимиз халқнинг хизматида әдилар. Дин хизматини ўз шахслари ва оиласларидан устун қўярдилар. Ҳатто оиласларига кеча айтган охирги сўzlари ҳам: «Болам, халқ кутиб қолмасин, тезроқ борайин», деган гаплари бўлди. Халққа охирги айтган сўzlари: «Фақат пок инсон жаннатга киради», деганлари бўлди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг пок бандалари қаторида жаннатдан жой олишларини насиб қилсин!

Азизлар! Биз бугун нафақат бир имомдан, бир олимдан, балки юртимизнинг бир дуогўйидан ҳам ажраб қолдик. Бу киши умр бўйи катталарнинг дуосини олиб яшадилар, ўзлари ҳам ҳаммага дуогўй әдилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло дуоларини қабул қилған бўлсин! Бундан кейин ҳам у зотнинг қилиб юрган дуоларининг мақбул бўлишини доим насиб этсин!

Азизларим! Сиз билан биз жанозаларини ўқиш учун тўпланиб турган зот ўта камтарин зот әдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалломнинг суннатларига амал қилиш учун бутун вужудлари билан ҳаракат қилардилар. Парвардигори оламнинг Каломини ўқиши, ўқитиши, татбиқ қилишни ўзларига шиор қилиб олган әдилар. Парвардигори олам бу қилған хизматларининг ҳаммасига берадиган ажрни, савобни кўпайтириб берган бўлсин!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг дини йўлида 45 йил имом бўлиб хизмат қилиб, ўз ҳамкасларига, аҳбобларига: «Мен 45 йил имомлик қилдим, Аллоҳга беҳад ҳамду санолар бўлсин. Энди ниятим масжид хизматининг охирида, масжидда вафот этиш», деган әдилар. Кечалари Аллоҳнинг улуғ кунида, мискинларнинг ҳажи бўлган кунда, жума куни ўзининг севимли халқига маъруза қила туриб жон бердилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у кишини ҳусни қабул айлаб, жойларини жаннатдан қилған бўлсин!

Азизларим! Сиз билан биз бугун жанозаларини ўқишига тайёрланиб турган зот жуда кўп яхшиликларни қилған әдилар. Мана шу масжидларингизнинг қурилишини охирига етказишга астойдил ҳаракат қилған әдилар. Бошқа масжидларнинг битими бўлганида ҳам

шунинг орқасидан юрган әдилар. Доим амаллари садақаи жория бўлиши учун ҳаракат қиласынан зот әдилар. У кишининг тавозеълари, хайр-эҳсонлари ва камтарликлари ҳаммангизга маълум. У киши ҳаммангизнинг хизматингизда бўлганлар, ҳаммангизни хурсанд қилиш учун ҳаракат қилганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу ҳаракатларнинг, қилған хизматларининг ҳам ажрини, савобини Ўзи кўпайтириб берган бўлсин!

\* \* \*

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Қирқ беш йил беш вақт намозга қатнаган йўлингиздан ҳозир сизни севган қавмингиз елкаларида кўтариб олиб келишди. Қирқ беш йиллик охирият йўлингиз охирига етди.**

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Қавмингизнинг кўзида сизга бўлган муҳаббатни кўряпман.**

**Азизим, дадажоним! Қиблагоҳим! Мўмин-мусулмонлар сизга дуо қилгани, жаноза ўқигани келишди. Қирқ беш йил уларнинг жанозаларини ўқиб, хизмат қилдингиз. Энди бу қавм сизга мағфират сўрамоқда. Уларнинг кўзларидаги ёш иймон ёшлариридир. Сиздан ажралиб қолганларига йиғлашмоқда.**

**Азизим, дадажоним! Қиблагоҳим! Қирқ беш йил ҳар намозга чиққанингизда қўшни қабристондагиларнинг ҳаққига дуо қилар эдингиз, энди бу он ўзингизни шу қабристонга қўймоқчимиз. Токи масжидга кирган ҳар бир киши, чиққан ҳар бир киши ҳаққингизга дуо қилсин, деган ниятимиз бор. Парвардигори олам, Ўзинг дадамизни мағфират айлагин!**

Бу кишининг илм йўлида қилған хизматлари кўп. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом: «Одам боласи вафот эса, унинг амаллари кесилади, фақат уч нарсадан кесилмайди: садақаи жориядан, манфаатли илмдан ва дуо қиласидан солиҳ фарзанддан».

**Азизим, дадажон! Сиз садақаи жорияни жуда кўп қилған эдингиз, садақаи жориянгиз, иншааллоҳ, бардавомдир. Модомики, қилған садақаи жориянгиздан мўмин-мусулмонлар манфаатдор бўлар экан, иншаалоҳ, савоблари сизга етиб боради.**

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Сиз олим эдингиз, илм тарқатган эдингиз.**

**Илмингиз манфаатли эди. Орқангиздан илми фарзандларингиз қолди, шогирдларингиз қолди. Илмилларга ёрдам ҳам бердингиз. Буларнинг ҳаммаси, иншааллоҳ, тарозингизни босадиган, хайрга олиб борадиган ишлар бўлади. Иншааллоҳ, бундан кейин ҳам то қиёматгача қолдирган манфаатли илмингиздан ўзингизга ажр-савоб бориб туради!**

**Азизим, дадажон! Қиблиагоҳим! Солих фарзандлар қолдирдингиз, иншааллоҳ, фарзандларингиз доимо сизнинг ҳақингизда дуода бўладилар, ҳар ўқиган нағозларида, ўқийдиган дуоларида сизни эслайдилар. Бошқа пайтларда ҳам дуони ҳеч канда қилмайдилар. Қолаверса, қавмингиз турибди, уларнинг ҳаммалари ҳаққингизга дуо қилишга тайёрлар. Иншааллоҳ, бу дуолар Парвардигори оламнинг мағфиратига сабаб бўлади!**

Азиз ва қадрли мўмин-мусулмон биродарлар! Мана шундай улуғ бир зотдан ажраб, мусибатда турган эканмиз, ушбу мусибатга сабр қилмоғимиз даркор.

Бундай мусибатларга учраган мусулмон «Роббана ажирна фии мусибатина вахлуф ланаа хойрон минҳа», деган дуони ўқийди: «Эй Роббимиз! Бизга мусибатимизда ажр бергин ва бадалига бу мусибатга учраган нарсамиздан яхшироғини бергин». Буни Пайғамбаримиз алайҳиссолату васаллом сиз билан бизга ўргатганлар. Ким шу дуони ўқиса, иншааллоҳ, ажру савоби кўп бўлади, учраган мусибатнинг ўрнига Аллоҳ таоло ундан яхши бир нарсани ато қиласди.

Азиз ва муҳтарам биродарлар, мўмин-мусулмонлар! Жанозанинг одобларидан бири жаноза пайтида сукут сақлаш, жим туриш, сокин бўлишdir. «Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом жанозага ҳозир бўлсалар, жимгина ерга боқиб турардилар. Бир нарсани пичираётганга ўхшардилар», дейишади саҳобалар. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаломнинг асхоблари, Ислом умматининг дурданалари бўлган саҳобаи киромлар розияллоҳу анҳум уч жойда сукут сақлардилар: уруш пайтида, Қуръон тиловати пайтида ва жаноза пайтида. Мана шу одобларнинг риоясини қилсак, иншааллоҳ, Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаломнинг суннатларига амал қилган бўламиз, жанозанинг суннатини бажарган бўламиз

ва оладиган ажримиз, савобимиз янада зиёда бўлади. Ана шу маъноларни яхши эслаб, жанозаларда шунга амал қилиб борсак, иншааллоҳ, хайр бўлади, барака бўлади. Айниқса, жанозада сабр қилиш, Аллоҳдан бу мусибатга ажр сўраш мўмин-мусулмонларнинг доимий қилиб келаётган ишларидан ҳисобланади.

Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом, юқорида зикр этилганидек, «Ким мусибатга учраса ва бунга сабр қилиб, «Роббана ажирна фии мусибатина вахлуф ланаа хойрон минҳа» («Роббимиз! Бизга мусибатимизда ажр бергин ва бадалига бу мусибатга учраган нарсамиздан яхшироғини бергин») деса, Аллоҳ таоло унга ҳам ажр беради, ҳам учраган мусибатида ундан яхши эваз беради», деганлар. Буни Умму Салама розияллоҳу анҳо эшитган эканлар. У кишининг эрлари Абу Салама розияллоҳу анҳу вафот этганларида Расули Акрамнинг мана шу ҳадислари эсларига тушиб, мазкур дуони ўқибдилар. Ўқиб туриб, хаёлларидан «Мен мусибатга учрадим. Абу Салама Расули Акрам алайҳиссолату вассаломнинг саҳобалари бўлса, Бадр урушида қатнашиб, буюк бир мартабага эришган шахс бўлса, ундан яхши яна ким бўлиши мумкин эди?» деган фикр ўтибди. Лекин, «бу бир хаёл-да» дебдилару, Расули Акрам алайҳиссолату вассаломнинг айтгандаридан қолмай, «У зот беҳудага айтмайдилар» деб, дуода бардавом бўлибдилар, мазкур дуони тинмай ўқийверибдилар: «Роббана, ажирна фии мусибатина вахлуф ланаа хойрон минҳа»...

Умму Саламанинг ўзлари айтадилар: «Абу Саламани дафн қилдик. Бир муддат ўтди, иддам чиқди. Кейин қарасам, Расули Акрам алайҳиссолату вассалом менга совчи бўлиб турибдилар. Уша дуонинг шарофатидан Парвардигори олам менга Абу Саламанинг ўрнига Расуулulloҳни берди. Мўминларга она бўлиш шарафига эга қилди».

Мусибат вақтида сабр қилиб, Аллоҳдан ажр сўраш бандани буюк мартабаларга эриштиради.

Улуғ зотлардан ҳазрати Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг ўғиллари Урва ибн Зубайрнинг оёқларига қорасон касали тушди. Қорасон юқорига қараб кўтарила бошлади. Уша вақтнинг кўзга кўринган табиблари келиб, Урва ибн Зубайрни кўриб, «Оёқни кесмаса бўлмайди, сондан кесиш керак. Шундагина

қорасон ажратиб олинади, тананинг қолган қисми соғ қолади», дейишди. Шунда Урва ибн Зубайр раҳматуллоҳи алайх: «Майли, кесинглар», деган эди, «Кесишдан олдин банж берамиз», дейишди. Урва ибн Зубайр: «Йўқ, банж ҳаром нарса, одамни ҳушидан кетказадиган нарса, мен буни қабул қилмайман», дедилар. Табиб: «Бусиз иложи йўқ, оёғингизни сонидан кесамиз», деди. Шунда Урва ибн Зубайр: «Ўзим сизларга ёрдам бераман. Сизлар асбоб-ускуналарингизни тўғрилаб, тайёр туринглар. Мен туриб, таҳорат қиласман, намоз бошлайман. Намозда бир мақомга етганимда, баданим титрай бошлайди. Шунда бемалол оёғимни кеса бошлайсизлар», дедилар. Урва ибн Зубайр таҳорат қилиб, намозни бошладилар. Намозда бир мақомга етиб, баданларини титроқ босганида табиблар ўша пайтнинг услубидаги табиблик пичоқлари билан оёқларини сонидан кесишли. Кесиб бўлиб, қонини тўхтатиш учун ёғ қиздириб, кесилган жойга босишли. Шунда Урва ибн Зубайр ҳушларидан кетдилар. Унгача ҳеч нарсани билмасдан намозни ўқийвердилар. Эртасига кўзларини очиб, ўзларига келганларида ўн етти ёшли ўғилларини от тепиб, вафот этганининг хабари келди. Одамлар Мадина ва унинг атрофларидан оқиб кела бошлаши. Урва ибн Зубайр улуғ зот эдилар. Ҳар ким келиб, ўзининг таъзиясини айтди. Кимлардир «Сизнинг ўрнингизда мен бўлсанм бўлмасми», деганга ўхшаш таъзияларни айтди. Аммо бир одам келиб, «Битта аъзойингни олиб, қолганини соғ қўйганига шукр қил. Битта болангни олиб, қолганини қолдирганига шукр қил», деди. Шунда Урва ибн Зубайр: «Аллоҳга қасамки, менга бу мусибатда сендан кўра яхшироқ таъзия айтган одам бўлмади», дедилар.

Ҳақиқатда, ўйлаб қарайдиган бўлсақ, Аллоҳ таоло бизга бир мусибат етказади. Лекин сабр қилсақ, мана шу мусибат ҳам бизга ажру савобга айланади ва биз учраган мусибатнинг ўрнига бошқа яхши нарса келади. Биз динимизнинг ушбу таълимотларини ўрганиб, уларга амал қилиб борсак, иншааллоҳ, бу дунёлигимизга ҳам, охиратимизга ҳам манфаатли ишларни қилган бўламиз. Парвардигори олам Ўз бандаларидан бир банданинг, сизларнинг хизматингизда юрган банданинг ҳурматларини қилиб, узоқ-яқиндан жанозаларига келганларингиз учун босган ҳар

бир қадамларингизга битмас-туганмас ажру савобларни ато этсин. Бу ерга узоқ ерлардан – Бухоро, Тошкент ва бошқа турли вилоятлардан, қўшни жумҳуриятлардан келган азизларнинг ҳаммаларига, водийдаги мўмин-мусулмонларга ва бу ерга ҳозир бўлганларнинг ҳамма-ҳаммаларига яхши ният билан, савоб умидида, имомларидан бир имомнинг, олимларидан бир олимнинг жанозасига ҳозир бўлганлари учун берадиган ажру савобини қийрот-қийрот қилиб қўпайтириб берсин!

Азизлар! Ҳақиқатда, айтиб ўтганимиздек, мусибатимиз жуда улуғ, катта мусибат, лекин сабр қилишимиз керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганиларида Фотима Захро онамиз қаттиқ мусибатдан бир байт айтганлар:

*Суббат ъалайха масоибу, лав аннаҳаа  
суббат ъалал-аййами, сирна лайаалийаа.*

(«Бошимга шундай мусибатлар тушдики, агар бу мусибатлар куннинг бошига тушса, у тунга айланар эди»).

Бизнинг ҳам бошимизда шундай мусибат тушди, лекин аввал айтганимиздек, сабр-бардошли бўлишимиз керак. Қачон бир улуғимиз вафот этса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни эслашимиз лозим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусибатларингизда мени эсланглар», деганлар. Чунки дунёда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқотишдек буюк мусибат бўлмайди. Мана шу сабр-бардошли ўзимизга лозим тутайлик. Мана, жаноза ўқиши вақти бўлиб, бизга ишора қилишяпти, шу ерда ҳозир бўлган барча мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлигига мен айтаманки, агар қиблагоҳимизнинг бирор кишида қарзлари бўлса, бирор киши омонат қўйган бўлса, ҳужжат-далиллар билан келишса, уни адо этишга биз ҳозирмиз. Ман ҳозирман, укам ҳозир. Шу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ бу гапни ҳам айтган бўлдик. Энди қиблагоҳимиз, иншааллоҳ, банданинг ҳаққидан озод бўлдилар. Агар бирор банданинг ҳаққи бўлса, бизнинг елкамизга юкланди. Аллоҳ таолонинг барчамизда ҳаққи кўп, кечадиган Ўзи. Ўшандай ҳақларини қиблагоҳимиздан кечишини сўраб, жаноза намозини ўқиймиз....

# Онахоним, волидаи меҳрибоним...

*Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг волидалари  
Собирахон онанинг хотираларига бағишилаб ёзган марсияларидан парчалар*

## Онахоним!!!

Сиз дорул фанони тарқ айлаб, дорул бақога риҳлат қилдингиз. Бадан – жисмга, моддий нарсаларга боғлиқ бўлган бу тор дунё ташвишларини ортда қолдириб, уфқлари чексиз бўлган, ҳеч қандай моддий нарсага боғлиқ бўлмаган руҳий оламга етишдингиз. Энди мен – Сизнинг жигарбандингиз Сиз азизамнинг жисмингизга, бу моддий дунёга тегишли бўлган жонибингизга хитоб қила олмайман. Энди мен – Сизнинг жигарбандингиз Сиз меҳрибоним ила фақатгина кўзим тўла ёш, қалбим тўла соғинч билан, хаёлимдагина гаплаша оламан.

## Волидаи меҳрибоним!!!

Фарзандлар ҳижрони дарди қандай бўлишини билиш учун муҳожир фарзандлар ҳижронини ташиб яшаган она бўлиш керак. Сиз онахонимнинг ўз фарзандларингиз ҳижрони дардини қандай кечирганингизни билиш учун эса ҳам Сизни, ҳам фарзандлар ҳижронини билиш керак. Чунки Сиз ҳамма оналардан бошқача ОНА эдингиз, Сиз фарзанд ҳижрони дардини ҳаммадан кўра ўзгача кеҷирар эдингиз.

Бизнинг ҳижратимиз воқе бўлганидан сўнг кўнгил сўрагани келганлар ҳам ўзингизнинг ҳолаҳволнингизни сўраб, дардингизни янгиламаслик мақсадида биздан сўз очмай, Аллоҳ таолодан ҳаммаси яхши бўлишини сўраб, дуо қилиб кетишибди. Маҳалла-кўйда, турли маросим ва йиғинларда ҳам Сизнинг кўнглингизга тегадиган бир оғиз сўз айтмасликка ҳаракат қилишибди. Бир куни Сизнинг ҳузурингизда бегона бир аёл билмасдан шу

масалада сўз очиб қўйган экан, овозингиз борича йиғлаб, ўрнингиздан туриб, чиқиб кетибсиз.

Қиблагоҳимизнинг дардлари ўзларига етиб турган бўлса ҳам, Сизга тасалли беришга ҳаракат қилибдилар. Сиз эса кечалари ҳеч кимга билдирамасдан, бизни чақириб йиғлар экансиз. Ушбу табиат ила яна чираб юриш учун фақат Аллоҳга бўлган улкан Иймон, Аллоҳнинг розилигидан чексиз умидворлик ва қазои-қадарга ишонч бўлиши керак, холос.

## Онахоним!!!

## Волидаи меҳрибоним!!!

Бизнинг муҳожирлиқдаги ҳаётимиз олдингисидан кўра яхши кечётгани ҳақидаги хабар Сизни тинчлантира олмади. Келиб, бизни кўриб кетгандарнинг айтган гаплари ҳам Сизга тасалли бера олмади. Сиз азизамнинг Аллоҳнинг муҳаббатидан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муҳаббатидан кейин фарзанд муҳаббатига тўлиб-тошган буюк қалбингиз бизни ўз кўзингиз билан кўрмагунингизча тинчмади. Бизнинг ҳижратимиздан кейин келган биринчи ҳаж мавсумида муқаддас ерларни яна бир бор зиёрат қилиш баҳтига мұяссар бўлдингиз. Бизни эса Ўзингизни зиёрат қилдириш баҳти ила мушарраф этдингиз. Одатдагидек, Сиз бизни кўргани келганингизда ёки биз Сизнинг зиёратингизга борганимизда бўладигандек, ҳар биримизга Ўзингизни таъбирингиз ила айтганда «арзимаган» совға келтирибсиз. Ушбу одатингизни бизга нисбатан меҳрингиз чексиз уммон қадар эканлигининг рамзи деб биламан.



### **Онаажоним!!!**

### **Волидаи меҳрибоним!!!**

Ҳаж ибодатидан бошқа вақтда доимо биз билан ўтирдингиз. Иккимиз ёлғиз қолиб, роса «ҳасратлашдик» ҳам. Болалигимдан қолган одат бўйича бошимни тиззангизга қўйдим, Сиз эса бошимни қучоқлаб, юмшоқ қўлларингиз билан силадингиз. Ўшанда умримда энг охирги марта шундай баҳтли онларни кечираётганимни билmas эдим. Бундан кейин умр бўйи Сизнинг меҳр тўла қучоғингизни қўмсаб ўтишимни хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Бундан кейин ғариб бошим ва елкаларим умрим бўйи Сизнинг майин қўлларингизга зор бўлиб ўтишини билmas эдим.

### **Онаажоним!!!**

### **Волидаи меҳрибоним!!!**

Сизга осон бўлишини кўзлаб, йўл қисқа бўлиши учун ҳожиларнинг самолётларидан биридан бўш жой топиб, ортиқча ижроатлар қилиб кузатдик. Самолётга чиқишингиздан олдин мени ортиқча уринтириб қўйганингизни айтиб, узрнома гап айтдингиз. Сўнг ҳаққимга дуо қилдингиз. Меҳр билан қучоқлаб, самолёт томон юриб кетдингиз. Олдинда бу ҳолатлардан сўнг яна тўрт йил вақт ўтиши бор эди. Мен эса Сиз меҳрибонимни охирги марта кўриб турганимни хис қилmas эдим. Ўшандаги хайрлашув олдидан қучоқлашингиз охирги қучоқлашингиз экани, кейин умрим бўйи Сизнинг қучоқлашингиздан маҳрум бўлиб қолаётганим хаёлимга ҳам кел-

мас эди. Ўшандаги мунаvvар юзингизга термулиб боқишим охирги боқиш эканини, энди умрим бўйи бу азиз юзларга қайта боқа олмаслигимни билmas эдим. Ўшанда Сизнинг маъюс ва маъсум кўзларингизга сўнгги бор боқаётганимни, бундан кейин умр бўйи бу кўзлар менга, мен эса уларга боқмаслигимни, Ўзингизга хос гавдангизни ва Ўзингизга хос юришингизни ҳоргин назарим билан сўнгги бор куздаб қолаётганимни билmas эдим.

### **Онаажоним!!!**

### **Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз бизни кўриб, қайтиб кетдингиз. Йўқ, Сиз бизга ўзингизни кўрсатиб кетдингиз. Ўша сафарингиз оналик жасоратингиз, оналик меҳрингиз, оналик ғайратингиз, оналик фидокорлигингиз, оналик фазилатингиз ва яна бир қанча хислатлингиз мажмуаси эканини энди англаб турибмиз.

### **Онаажоним!!!**

### **Волидаи меҳрибоним!!!**

Мен ўзимни дийдаси қаттиқ, кўзидан ёш чиқиши қийин шахслар қаторига қўшиб юрардим. Бу фикрим тўғри эмас экан. Хабарни эшитганимдан кейин кўп ийғлайдиган бўлиб қолдим. Ҳолимни кўрган баъзи кишилар: «Бир марта қаттиқ йиғлаб юборинг, барча дардингиз чиқиб кетади», дейишиди. Аммо мен ундей қилмадим. Йиғлаб юриб, Сизнинг номингиздан Байтуллоҳни қайта-қайта тавоғ қилдим, ўша ерда намоз ўқидим ва дуолар қилдим. Ҳижрий 1419 сананинг 9 муҳаррам куни эди. Шом намозидан кейин яна Байтуллоҳни Сизнинг номингиздан қайта-қайта тавоғ қилдим. Сўнг Ҳижри И smoилда икки ракъят намоз ўқидим. Бу ер ҳам Каъбаи Муаззаманинг ичидан ҳисобланади. Шу сабабдан кўпчилик бу ерда намоз ўқишга алоҳида эҳтимом беради. Мен ҳам имкон топсан, шундай қиласман. Бу сафар Сиз учун ўша шарафли жойда намоз ўқидим, дуолар қилдим. Одатда қўлимдан келганча Каъбаи Муаззамани ўша И smoил девори томонидан қучоқлаб, истиғфор айтиб, дуо қилиб юрардим. Бу сафар ҳам бўш жой топиб, Каъбаи Муаззаманинг деворини қучдим. Одатдагидек, димоғимга пўшишнинг хушбўй ҳиди урилди. Аммо қиласиган дуоим одатдагидек бўлмади. Балки «Эй Роббим! Эй Парвардигори олам! Эй Faфуру Раҳим бўлган Зот! Онаажонимни мағфират қилгин! Волидаи меҳрибонимни раҳмат айлагин!» деб дуо қила бошладим. Шу пайт ичимдан бир йиғи келди, уни васф қилишга сўз ожиз. Худди Сизнинг фирғонгиз дардини тўкиб соладиган маконни энди топгандек эдим.

Умримда ҳеч қачон бундай йиғламаганим ўзимга аён. Худди шу кўйда Каъбаи Муаззамани кўп бор қучиб туриш, мана ўн йилча бўлдики, ҳар йили бир ёки икки марта Байтуллоҳнинг ичига кириб ибодат қилиш, Аллоҳ таолога ёлвориш имконига ҳам эга бўлмоқдаман. Аммо ушбу кунга ўхшаш ҳолат ҳеч қачон бўлган эмас. Мен Аллоҳнинг Байтини қучоқлаган ҳолимда Сиз азизамга раҳмат сўраб ёлворар эдим. Шу билан бирга, юзимни босиб турганим Байтуллоҳнинг деворини худди Сизнинг тиззангиз ва Каъбанинг хушбўй пўшишини худди Сизнинг юмшоқ кўйлагингиздек ҳис қиласр эдим. Худди бир оннинг ўзида ҳам Байтуллоҳни, ҳам Онажонимни қучиб, юзимни суртиб, ҳам ёлвориб, ҳам эркаланаётгандек эдим. Аллоҳ таолодан Сизга мағфирату раҳмат сўраб, дилдан чиқариб йиғладим. Ўзимни четга олганимда энди йиғламасам керак, деб ўйладим. Лекин бу фикрим хато экани кейин аён бўлди. Сиз вужудимга жойлаган туйғулар шунчалар кучли эканки, ўзимни ўзим тушунолмай қолдим.

### Онажоним!!!

### Волидаи меҳрибоним!!!

Сиз азизамнинг дорул фанодан дорул бақога риҳлат қилганингиз хабари етганидан бир неча кун ўтиб, Байтуллоҳ живорида туриб, Сиз ҳақингизда бир нарса ёзишни ният қилган эдим. Очифини айтсам, яхши бир нарса ёза олмадим. Умуман, фарзанд учун она ҳақида марсия ёзиш осон иш эмас шекилли. Энди, бошимизга тушган пайтда бу масала юзасидан бирор нарса ўқимаганим, ҳатто-ки учратмаганим аён бўлмоқда. Эҳтимол... онаси вафот этгандан сўнг унга аatab бир нарса ёзиш осон бўлмагани учун ҳам ўтган салафи солиҳлардан бирор нарса топа олмаётгандирмиз. Лекин аҳд қилганим учун, кўнглимдагидек чиқмаса ҳам ёза-вериши ўзимга эп билиб, йиғлаб ўтириб ёзмоқдаман. Оддий ҳолатларда бир кунда ўн-ўн икки сахифа ёзиш мен учун ҳеч гап эмас эди. Ҳозир эса бир кунда бир сахифа ҳам ёза олмай қолдим. Сўз топсам, жумла тополмайман, жумла топсам, йиғимни боса олмайман. Чунки мен оддий нарса эмас, Сиз Волидаи меҳрибонимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сизсиз ўтган кунларимни ёзмоқчи эдим. Сизнинг мени соғинганларингизни ёзмоқчи эдим. Беморлигингизда Сизни бориб кўра олмаганларимни ёзмоқчи эдим. Вафотингиздан олдин Сизнинг бир оғиз сўзингизни эшита олмай қолганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Вафотингиздан олдин Сизга бир оғиз «Алвидо Онажоним», дея олмаганимни эслаб

ёзмоқчи эдим. Чунки мен Сиз вафот этганингизда ҳозир бўлмаганимни ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда жасадингиз ёнида туриб, кўзимдан ёш тўқа олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда таъзиянгизда иштирок эта олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда жанозангизни ўқиганлар, тобутингизни кўтарганлар ичида бўлмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда ўз қўлларим билан Сизни қабрингизга қўя олмаганимни, қабрингиз устида тўйиб-тўйиб йиғлаб, тупроғингизни силай олмаганимни ёзмоқчи эдим. Ҳеч бўлмаса Сиз қўйилган қабрни кўра олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим.

### Онажоним!!!

### Волидаи меҳрибоним!!!

Ўзим сезмаган ҳолда ниҳоятда қийин бир ишни қилишни ирова қилган эканман. Ушбу ўзимнинг кўнглим тўлмаган сатрларни ёзиш давомида кўп нарсани англаб етдим. Аввало, Сиз азизамга бўлган чексиз муҳаббатимни англаб етдим. Шунингдек, Сизнинг улуғворлигингизни англаб етдим. Ха, Сизнинг улуғворлигингиз камтарлигингизда эканини англаб етдим. Сизнинг улуғворлигингиз камсуқумлигингизда эканини англаб етдим. Сизнинг улуғворлигингиз соддалигингизда эканини англаб етдим. Ушбу ва ҳозир мен айта олмаётган бошқа омиллар ҳисобга олинса, ёзаётган нарсан ҳеч кўнгилдагидек савияда чиқмаслиги турган гап эди. Шунинг учун ўзимни маъзур ҳисоб қилдим. Ушбу нарсани ўзимиз учун асраб қўйишга қарор қилдим. Кейинчалик нима бўлиши Аллоҳга аён.

Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!

Аллоҳ таоло Сизни раҳмат айласин! Қабрингизни пурнур айласин! Ётган жойингизни жаннат айласин! Савол-жавобингизни осон қилсин! Қилган ибодатларингизни ва амали солиҳларингизни ўзингизга ҳамроҳ айласин! Бизнинг Сизни йўқлаб қилаётган дуоларимизни қабул айласин! Қиёмат куни юзингизни ёруғ айласин! Ўшал кунда Сизга жаннати Фирдавсдан жой ато айласин! Ўшал жойда Сизни анбиёлар, шуҳадолар, авлиёлар ва сиддикларга ҳамроҳ айласин! Омин!

Хижрий 1419 сана, 26 сафар. Якшанба, соат 9:26.

Милодий 1998 сана, 21 июнь.

## УСТОЗИМИЗ ҲАКЛАРИДА

*Сайтимизда давримизнинг атоқлы уламоларидан шайх Исмоил маҳдум мулла Сотти Охунд ҳақларида Аҳмад Муҳаммад ёзган китобдан парчалар эълон қилган эдик. Маълум бўлишича, китобни нашрга тайёрлаш чоғида муаллиф беназир устоз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳазратларига мурожсаат қилиб, китобга қўшиш учун устозлари ва қайноталари Исмоил маҳдум ҳақларидаги хотираларини ёзиб беришни илтимос қилган экан. Ҳазрат буни мамнуният билан қабул қилиб, ихчамгина хотира сатрларини битиб берган эканлар. Қуйида Ҳазратнинг ўша хотираларини эътиборингизга ҳавола қиласиз.*

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Улуғ олим, қори ва фозил зот Исмоил маҳдум мулла Сотти Охунд ўғиллари раҳматуллоҳи алайҳ ҳақларида кўп гапириш мумкин. Аммо каминанинг бу борада гапирмоқчи бўлган гапи у кишининг фақат биргина хислатларига оиддир. Назаримда у зот раҳматуллоҳи алайҳнинг гўзал одатларидан бири тунги бедорлик эди. Эрта ётиб, кечаси бедор бўлиб, ўзларини ибодатга урар эдилар. Шу билан бирга, бу ишни бирорга билдирамасликка ҳаракат қилардилар. Иложи бўлса, тунги бедорликнинг ўрнини тўлдириш учун кундузи бир оз ухлаб ҳам олар эдилар.

У киши кўп нарсаларни билишлари билан бирга, халқ табобатига ҳам қизиқар эдилар. Бу борада эски қўлёзмаларни ўқиб, ўзлари дори тайёрлашга ҳам уринардилар. Бир марта ўзларидаги Абу Али ибн Сино раҳматуллоҳи алайҳнинг «Тиб қонунлари» нодир қўлёзмаси ҳақида гапириб берган эдилар. Айтишларича, бир табиб мазкур китобни ёзиб олиб, ўзи унга суюниб олиб борган тажрибаларини шарҳ сифатида ёзиб борган экан. Бу қўлёзма фақат бир нусхадан иборат экан. Унинг биринчи жузини бир шаҳардан, иккинчисини бошқа шаҳардан топган эканлар.

У кишининг китобларга ва қўлёзмаларга қизиқишлари катта эди. Қаерга борсалар, ўша нарсалар ҳақида сўрар ва бирор маълумот олсалар, уни амалга оширишга ҳаракат қилар эдилар. У киши қиблагоҳимиз Муҳаммад Юсуф ҳожи домланинг таклифларига биноан бизникига ҳам бир неча бор ташриф буюрганлар. Ҳар сафар у киши келишларидан олдин у зот учун «жонини беришга ҳам тайёр» отамиз китобларни беркитишга ҳаракат қилар эдилар. Мабодо устозлари китобларни кўриб, бирортасини ёқтириб қолсалар, ўша китобдан маҳрум бўлиб қолишларидан қўрқанларидан шундай қилган бўлсалар керак. Бу улуғларимизнинг илмга ва илмнинг қуроли ҳисобланган китобга бўлган муносабатларидан бир намуна. Ҳусусан, ўша вақтларда диний китоблар қаҳатчилиги мавжуд эди. Аллоҳ таоло у кишини раҳмат қилсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф  
2015 йил 2 февраль



# Күёв эмас, ўғил эдилар

У кишининг мақомлари улуғлигидан  
«куёвим» ёки «ўғлим» дейишга ҳам  
хижолат бўляпман

Шайх ҳазратлари бизнинг хонадонимизга ҳақиқий ўғил бўлиб кирганлар. Бу одамлар тилида бот-бот такрорланадиган «куёв эмас, ўғил», қабилидаги баланд парвоз сўзлар эмас. Аллоҳ барчаларини раҳматига олган бўлсин, қудаларимиз ўzlари ажойиб, самимий инсонлар эди, хўжа кўрсинга иш қиласидиган кишилардан эмасдилар. Ўzlари йироқда бўлсалар ҳам, мақсадлари олий бўлгани учун ҳеч иккиланмасдан, қуда-андачилик йўлидаги барча қийинчиликларга рози бўлишган. Ўша пайтнинг шароитига кўра, Андижон билан Тошкент орасидаги масофа анча узоқ ҳисобланар, йўл шароитлари ҳам ҳозиргида гидек қулай эмас эди. Масофа узоқ, кўришиш оз бўлса ҳам, биз улар билан қалбан жуда яқин эдик. Чунки уларнинг ҳам, бизларнинг ҳам орзу-умидларимиз бир – фарзандларимизнинг дин равнақи йўлида хизматларини қўллаб-қувватлаш, бу ишда уларга кўмак бериш эди.

Куёвимнинг ёшлиқ чоғлариданоқ илмга бўлган ўзгача муносабатлари яққол сезилиб турарди. Дадамиз Исмоил Маҳдум домла бўлажак куёвимизни бизга: «Бу йигит илмда пешқадам. Аллоҳ таоло унга ажойиб қобилият берган. Жўралари дам олиш кунларида ёки бўш пайлари айланиб ёки фойдасиз ишлар билан вақт ўтказиб юришар, бу йигитнинг эса бехуда юрганини ҳеч қачон кўрмаганимиз», деб таърифлаган эдилар. У киши олим одам бўлганлари учун куёвимиз ҳақларида кўп яхши башоратларни айтган, бу башоратлар ичida у кишининг келажакда китоблар таълиф қилишлари ҳам бор эди.

Туш ҳам ажойиб нарса-да. Куёвим ва қизимнинг умр савдолари ҳақида бош қотириб турганимизда, бир яқин отинча дугонам тушибимга кирдилар. У киши илмлари билан танилган аёл эдилар. Тушимда катта яшил китобни келтириб, менга тутдилар. «Мен ўқиши билмайман», десам, у киши: «Ўқитиб, эшитиб юрасиз», дедилар.

Ҳозирда ҳар сафар боламнинг янги нашр бўлган китобларини олиб келишганда, ўша тушим ёдимга тушади (у кишининг мақомлари улуғлигидан «куёвим» ёки «ўғлим» дейишга ҳам хижолат бўляпман).

Шуни айтиб ўтиш лозимки, тўй хусусида истихора қилинганда, кўпчиликнинг тушига

китоб кирган, қизимнинг ўзи ҳам китоб кўрган экан. Аллоҳ таоло бизга шундай инсоннинг куёв бўлишини насиб қилиб, у кишидан жондан азиз, қўзимнинг қароси бўлган набираларимни ато этди.

Бир муддат улардан айрилиқда яшаганимиз ҳаммага аён.

Ўғлим оилалари билан хорижда яшаган кезлар Собирахон қудам билан бирга уларнинг зиёратига бордик. Қудамиз билан уларникида бир оз муддат яшаб, болаларимизнинг дийдорига тўйиш насиб қилди. Ўшанда куёвим билан бирга ҳамхона бўлиб яшаб, у кишининг илм, меҳнат ва ижодга ниҳоятда ҳарис эканликларига гувоҳ бўлдим.

У киши ҳар куни бомдодни масжида жамоат билан адо этиб, уйга қайтишда афонлар новвойхонасидан иссиқ нон кўтариб келардилар. Биз эса уйда нонушта ҳозирлаб турардик. Болам уйга қайтиб, тез нонушта қилардиларда, ишга шўнғиб кетардилар.

Жуда кўп ишлар эдилар. Вақтлари бехуда ўтмасди. Биз меҳмонларнинг ташрифи у кишининг кун тартибларини, иш режаларини бузмаганди. Бир ёшларга кириб қолган кенжатой Оминахон ишлаётган отасининг атрофларида ўйнаб юрар, у киши азбаройи ишга шўнғиб кетганларидан уни сезмай ҳам қолардилар.

Фурбатнинг ўзига яраша ташвишлари бор-

лиги сир эмас. Соғинч азоби ҳам енгил нарса эмас. Қизим ватандан турли хабарларни эши-тиб сиқилганида, у киши: «Ҳаммаси яхши бўлади, иншааллоҳ. Бу ишларнинг ҳаммаси яхшиликка», дея рафиқаларини юпатардилар.

Авваллари ҳам овозлари ёзилган тасмаларни кўп тинглар эдим. Ўzlари биздан узоқда бўлганларида шуларни муттасил эшитиб, юпанардим. У кишининг ҳар бир соҳада чуқур билимга эга эканликларидан, айниқса диний уламо сифатида дунёвий билимлардан ҳам анчагина хабардорликларидан ҳайратга тушардим. Чунки ўзим билган диндор мулло кишиларнинг аксарияти бир томонлама илмга эга эканликларини кўп марта мулоҳаза қилганман.

Мана, вафотларига ҳам бир йил бўлай деб қолди. Лекин у кишига шунчалар суюниб қолган эканмизки, бир дақиқа ҳам унуга олмаяпмиз. Ҳақиқатда, Аллоҳ таоло бу кишига буюк Устозлик шарафини инъом этиб, одамларга суюнч қилиб, Ўзининг динини қувватлантириш учун сабаб қилган экан.

Ватандан йироқда яшашганда баъзан уларнинг бу ердаги камтарона ҳовлиларига бориб турардим. Шунда хоналарига кириб, у кишининг буюмларини, жавонлар тўла китобларини, чет эллардан келтирилган ажойиб нарсаларни кўрганимда, болаларимнинг соғинчи юрак-бағримни ўртар, лекин «Ҳар бир ишда Аллоҳнинг ҳикмати бор», дея ўзимни юпатардим. Шундай пайтларда уларнинг ҳақиқига Роббимга дуо қилишдан, Ўзигагина ёлворишдан ўзга чорам йўқлигини сезардим.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бағри-мизни тўлдириб, қайтиб келишди.

Ватанга қайтган пайтлари ўғлим зиёратимга келиб турардилар. Ҳайит кунлари ийд намозидан кейин қиласидиган илк ишлари мени зиёрат қилиш эди. Одатда бизнинг кулбамизга йўл олганларини билишса ҳам, то етиб келгунларича менга билдиришмасди. Чунки жуда ҳаяжонланиб кетардим. «Келдилар», дейишса ҳам, шошиб қолардим. У киши қиз-

ғин қўришар, обдон ҳол-аҳвол сўрардилар. Юзларидан табассум аримасди. Ҳурмат, эътибор билан мумала қилардилар. Ҳазил-мутойибани ҳам канда қилмасдилар. У киши қадам ранжида қилишлари билан бағрим тўлиб, уйимиз нурафшон бўлиб кетарди. Тобим бўлмаган кезларда дам солиб қўярдилар. Дуо қилиб, дардимга шифо сўрардилар. Ҳар сафарги зиёратлари таассуротлари бир неча кунгача давом этарди. Умуман, уйимизда у киши ҳақларида кунда гаплашардик, ҳозиргача бирор кун уларни эсламай қўймаймиз.

Мен сизларга у кишининг олимликлари, дин учун қилган ҳизматларининг ақл бовар қилмас даражада улканлиги, халқаро уламолар орасидаги мавқеларининг кўлами ҳақида сўзла-маяпман. Чунки бу мавзуни менданда чиройли ёритиб берувчилар бор. «Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди», дейишади-ку. Жанозамни табарругим ўқийдилар, деб умид қилиб, хотиржам юраверибман. Аллоҳ мени у кишининг ортларидан дуо қилувчи қилиб қўйишини қайдан билибман?! Инсончилик экан-да, баъзан шундай азиз ўғлим орамиздан кетиб қолганларини ўйлаганимда ўкинч ҳислари бостириб келиб, юрагимни эзиз кетади. Ота-она учун фарзандини йўқотишдан кўра оғир мусибат йўқ.

Ёшим улуғлиги сабабли одатда яқинларимиздан бирорта одам ўтиб қолса, мендан яширишар, анча вақт ўтганидан кейин билардим. Лекин дунёларга баробар куёвимдан жудо бўлганимизни яширишмади, видолашиб қолмасам, армон бўлишини билиб шундай қилишди.

Ўшанда тўсатдан кириб келиб: «Тоблари йўқ экан» дейишса, осмон устимга қулагандек бўлди. «Сизлар яширяпсизлар. Нимадир бўлган! Эй Худо!!!» деб дод солиб юбордим. «Бора оласизми? Қийналиб қолмайсизми?» дейишди. «Нега бормайман?! Нега боламнинг олдига бормайман?! Ўлсам ҳам майли! Борман! Мен ўлсам нима бўпти?!» дердим, холос. Боламни кўрганимда: «Сизни бундай аҳволда қўришга қандай чидайман?! Сизнинг ўрнин-

гизда мен ётсам бўлмасми?! Жанозамни ўқийсиз, деб юрардим-ку?!» дея зорландим. Кейин ҳар қанча оғир ҳолатда бўлсан-да, озор бермаслик учун бир амаллаб сукут сақлаб, дардимни ичимга ютдим.

Охирги йилларда Ҳазрат жуда-жуда кўп ишладилар. Устма-уст кунига бир неча учрашувлар, маросимлар... «У кишини толиқтири-масликнинг бир йўлини қилмайсизларми?» дер эдим. Вафотларидан кейин эса фурсатни бой бермасдан, ҳамма ишларга улгуриб қолай, деб шошган эканларми, деб ўйлаб қоламан.

Сўнгги пайтларда тўлин ойдек бўлиб кетгандилар. Ой тўлганидан кейин унинг қайтиши ҳам бор, дея юрагимга ғулғула тушарди. Ишлари жуда силлиқ кетяпти. Бирорта камчилик йўқ, ишқилиб хайрли бўлсин-да, дея хавотирланиб қўядим. Шундай бўлса ҳам яшнаб турган одами Аллоҳ таоло бирданига, кутилмаганда бизлардан олиб қўйиши хаёлимга келмаган экан.

**Жоним болам бизга энди қўшни бўлдилар (бизнинг кулба Кўкчада, масжида яқин жойда). Ўзимча хона ичида у киши томон юzlаниб олиб, ўртанаман. Хаёлан суҳбатлашаман. Соғинчдан ва мусибат шиддатидан куйиб, кўз ёши қилиб оламан.**

Мана, вафотларига ҳам бир йилга яқинлашяпти. Лекин қизим билан ҳали бу мавзуда юзма-юз суҳбатлашишга юрак бетламайди. Учрашганда бир-биримизни аяб, шунчаки борди-келди гаплардан у ёғига ўта олмаймиз. Қалбимиздаги оғир дардни бир-биримиздан яширишга ҳаракат қиласиз. Қизимга қараб туриб, отаси оламдан ўтган пайтлардаги ўзимнинг ҳолатимни эслайман. Чунки улуғ одамларнинг оиласи бўлиш аёл кишига нафа-

қат улар ҳаётликларида, балки улардан ке-йин ҳам катта масъулият юклайди. Аллоҳим, қизимга чиройли сабр, ҳикматли ҳаёт, гўзал натижаларни ато қил. Омин.

Зиёратимга келиб турадиган набираларимнинг кўзига қарайман. Исмоилжонимнинг елкасига тушган оғир юкларни ўйлайман. Ҳаққига дуо қиласман. Бундай отадан ажраш осон эмас. Энди ишлар унга қолди, оилада ҳам ота, ҳам ўғил. Кам гапириб, кўп ўйчан бўлиб қолган Одинахон қизимга қарайман. Охирги пайтларда «Ҳазратга қарашишим керак», деб кўп тиришарди, бу бежиз эмас экан. Кенжатойимиз Оминахоним энди битта фарзандли бўлганди, ҳали ўқиётганди, ёш эди. Минг шукрки, тўйини, фарзандини кўрдилар.

Улар оталаридан кейин гўё бир зумда улғайиб қолгандек. Аллоҳ уларни Ўз паноҳида асрасин. Оталарининг ишларини давом эттиришда Ўзи ёрдамчи бўлсин.

Нафақат Ҳазратнинг оилалари, балки менинг бошқа болаларим ҳам у кишидан кейин етимдек бўлиб, ҳувиллаб қолишиди. Мендек бир муштипарнинг қиладиган асосий иши дуо экан, уларга тасалли бериб, қўлимдан келганича ҳақларига дуо қилиб яшаяпман.

**Боламни Ўз раҳматингга олгин. Улуғ ажрингдан умидвормиз. Қолдирган ишлари давомли бўлишини сўраймиз. Бизларга эса гўзал сабр бергин. Омин.**

*Саодатхон ҳожиона*



## УСТОЗЛАР УСТОЗИ

Тоҳир Малик

Ҳаётни тезоқар дарёга ўхшатадилар. Сиртдан қарасак, сув сатҳида сира ўзгариш ийқдек. Чўққилардан шошиб келаётган сув тошдан-тошга урилиб оқаверади. Ҳаёт дарёси ҳам шундай: куёш чиқади ва ботади, кун ўтаверади. Кимлардир худди кўз юмиб яшаётганга ўхшайдилар, ҳаётда маъно кўрмайдилар, ҳидоят нима эканини билмайдилар. Қалблари иймон нуридан илҳомланган одамлар эса атрофдаги барча нарсада Аллоҳнинг мўъжизасини кўрадилар, ўрганадилар ва ҳайратланадилар. Ўрганишнинг чеки йўқ, ҳайрат денгизининг соҳилий ўқ. Қалби сўқир бандалар ҳам шу ҳаводан нафас оладилар, аммо бу ҳавонинг Аллоҳ берган буюк неъмат эканини фаҳм этмайдилар. Шу сувдан ичиб, ташналикларини қондирадилар, бироқ сув Аллоҳнинг улуғ мўъжизаси эканини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ақл эгалари эса неъматларнинг, мўъжизаларнинг қадрига етадилар ва ҳар нафаслари учун, ҳар томчи сув учун шукрлар қиласидилар. Сизу биз бу одамлар билан кўришамиз, суҳбатлашамиз, илмларидан баҳраманд бўламиз. Кун ўтган сайин билим хазинамиз бойиб боради. Каминанинг умри ҳам худди сизларники каби, ҳаётдан маъно териш билан ўтмоқда. Ўтмиш алломаларининг китобларини ўқиш, замондош олимларимиз билан бўлган суҳбатлар маъно хазиналарининг асосидир.

Аллоҳнинг сизу бизга берган улуғ неъматларидан бири – барчамизни муҳтарам уламолар билан замондош қилганидир. Шундай улуғлардан бири шайхур-раис – устозлар устози Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф эдилар. Аллоҳ таоло менга улуғ устознинг илмларидан баҳраманд бўлиш баҳтини берди. Ҳазрати Ҳасаннинг «Кимки олимлар билан бирга юриб, бирга ўтиrsa, тили бийронлашади, зеҳни очилади, зеҳнига ўрнашган фикрлардан бениҳоя сууруланади, билганларидан фойдаланишда кучли бўлади, уларни бошқаларга ифодалаб бера олади», деган сўзлари нақадар ҳаётий ҳақиқат, нақадар ҳикматга бой эканига фаолиятим давомида жуда кўп маротаба амин бўлдим.

«Ҳақ таоло ҳар замонда олимларни ўшал замона ҳалқининг амалларига муносиб сўзлар билан гапиртириб қўяди». Абу Туроб Нахшабийнинг бу ҳикматларига ҳам гувоҳ бўлдим. Мен устозлар устози билан чорак аср бирга бўлдим, бизларни ул аллома билан замондош қилган Аллоҳга шукроналар айтиб яшар эдик. Аллоҳ бизларни вақтинчалик фурсатга айрди. Лекин бу айрилиқ доимий эмас, улуғимиз билан Қиёматда ёруғ юз ила дийдор кўришмоқни илтижо қилиб яшаяпмиз.

Гафлат кўйлагини йиртиб, ўзи туғилган оламнинг ҳақиқатларидан воқиф бўлган улуғ зотлар учун ҳаёт бир имтиҳон, ўлим эса «шаъби арус» –

никох кечаси, яъни бир висолдир. Ҳазрати мавлоно Румий умр бўйи бу висол онини кутиб яшаган эканлар. Ўзимиз изтироб гулхани устида қолиб, устозлар устозини хайрли висолга кузатдик. Ҳазрати Алининг «Уламолар дунё қанча турса, шунча турди, уларнинг жисмлари йўқолган бўлса-да, мисоллари қалбларда мавжуддир», деган ҳикматлари ўракларимизни умид нури билан ёритади.

Али ибн Абу Толиб айтгандаридек, «Жаннатга кириш ҳайратланарли муваффақият эмас. Маърифат эса шу дунёнинг ўзида жаннатга эришиш демақдир». Бу ҳикматнинг нақадар ҳақиқат эканига шайхур-раиснинг ҳаётлари мисолида гувоҳ бўлдик.

Бир йифинда биродарларга «Мен сизлардан кўра баҳтлироқман», дедим. «Ҳа, сиз ҳазратнинг суҳбатларидан, илмларидан кўп баҳраманд бўлдингиз», дейишди. «Бу дунёвий баҳт, лекин мен бундан улуғроқ баҳтдан умидворман. Болалигим шайхимиз дағн этилган шу қабристон атрофида ўтган. Қиёматга қадар манзилим ҳам, иншааллоҳ, шунда. Дадажоним билан аяжоним, яна қариндошларим ҳам шу қабристонда ётишибди. Аллоҳ марҳамат этса, устоздан юз қадамча нарида, шайх Зайнiddин бува, Алихонтўра Соғуний ётган қабрларга яқин жойдан менга ҳам кичик бир сўнгги маскан берар...»

\*\*\*

Ҳазратим билан Ёзувчилар уюшмасида-ги йифинда танишган эдим. Учрашувларимиз, суҳбатларимизнинг ҳисоби йўқ. Охирги марта ватфотларидан ўн кун олдин булоқбошилик Абдуумутталиб ҳожи акамизнинг уйларида учрашган эдик. Устоз одатда бундай йифинларда узоқ ўтирас эдилар, лекин бу сафар шошилмадилар. Узоқ суҳбат қурдик. Мен ёшлар учун мукаммал Ислом қомуси яратиш ҳақида кўп гапирадим. Сўнгги учрашувда ҳам бу ҳақда сўзлашдик. «Олтин силсила»нинг таржимаси ниҳоясига етди. «Йигитлар қомусга доир тайёргарлик ишларини бошладилар», деб мени қувонтирилар.

Биринчи учрашув – 1989 йил...

Сўнгги мулоқот – 2015 йил...

Биринчи учрашув интиқ кутилган эди, зўр таас-суротлар қалбга муҳрланган эди.

Сўнгги учрашув... Бу ҳам унтутилмайди... Фақат... соғинч чўфи қалбни кўйдириб туради...

Диний идорага сайланган янги муфтийнинг булоқбошилик эканини билиб, қувондим, у киши билан учрашиш истаги туғилди. Булоқбоши – она юртим. Тоғам, аяжоним туғилиб ўсан, мен учун табаррук қишлоқ. Гарчи ўзим у ерга илк бор ўттиз ёшимда борган бўлсам-да, юрагим ўша томон интилиб туради, бу масканга доир ҳар қандай қувончли воқеа хабари дилимни шодлантиради.

Янги муфтий билан қандай учрашсам экан, деб ўйлаб юрганимда ўзлари Ёзувчилар уюшмасига келдилар. Мен у дамда динга доир илмнинг алиф-босини Анвар қоридан ўрганар эдим. Анваржон уюшмадаги таржима бўлимида ишлардилар, устоз Алоуддин Мансурнинг қаноти остида Куръони Ка-римнинг таржимасини нашрга тайёрлаш билан шуғулланардилар. Муфтийни уюшмадаги учрашувга чорлаш ҳам Анваржоннинг иштироклари билан бўлган эди. Муфтий Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг ташаббуси билан Саудия мамлакатидан кўп миқдорда Мусҳаф келтирилганда уюшма аъзоларига рўйхат бўйича олиб беришда ҳам Анваржон ҳаракат қилган эдилар.

Ўша йиллари Совет Иттифоқининг жанозасига оз қолган, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаракат жонланган эди. Ўрта Осиё мусулмонларининг диний раҳбари билан бўлган учрашувга ёзувчилар билан биргаликда, ижодга алоқаси бўлмаган, лекин муфтийнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни истаган кўп одамлар қатнашишди. Катта залда оёқ қўйишга бўш жой қолмади. Муфтийнинг нотиқлиги, фикрларининг теранлиги ҳаммани қойил қолдирди. Суҳбат фақат диний масалада бўлмади, жуда кўп ижтимоий муаммоларни, хусусан, Орол фожиасини ҳам қамраб олди.

Суҳбат белгиланган мўлжалдан кўпроқ фур-сат давом этди. Шом намозининг вақти кирганда «Муфтий намоз ўқимас эканми?» деган пичир-пи-чир қулоққа чалинди. Очифини айтсам, бу савол менда ҳам туғилган эди. Муфтий намозни унутмаган эканлар. Берилган саволга мантиқли жавоб қайтариб, хулоса ясагач, «Энди Аллоҳнинг фарзини бажариб олайлик, агар хоҳиш бўлса, суҳбатни кейин давом эттирамиз» деб, ўринларидан турдилар. Суҳбат намоздан кейин ҳам давом этди. Одамлар диний илмга чанқоқ эдилар. Назаримда, залда йиғилиш бўлмаётган эди, балки қақроқ даштга ҳаёт ёмғирининг томчилари тушаётганди.

Шундан сўнг муфтий иштирок этадиган йифинларга боришга, маърузаларини эшитишга ҳаракат қиласиган бўлдим. Бир куни тақсир мени йўқлаётганларини эшитиб, қувониб кетдим. Ўйларига бордик. Кўп йиллик қадрдонлардек кўришдилар. «Мухаммад Аминнинг айтишича, биз қариндош эканмиз, суриштириб билибди», дедилар. Бу янгилик ҳам қувончли эди. Шундан сўнг ҳафтада икки-уч кўришадиган бўлдик. Бўш фур-сат топсам, Ҳастимомга шошардим. Мен-ку, вақт топар эдим, аммо ҳазратимда бўш вақт сира-сира бўлмасди. Шунга қарамай, 5-10 дақиқа гаплашиб олишга улгуардик.

Кунларнинг бирида ҳазратимга шундай дедим: «Яхши кунларга кириб боряпмиз, Ўзбекистонда саодат тонги отай деб турибди. Тонг отгач, ёзувчиларнинг бурчи янада ошади. Совет тузуми тарихий

асар ёзишга ижозат бермас эди. Энди бу тўсиқлар йўқолади. Шунда адилар олдида жиддий муаммо кўндаланг бўлади: тарихий асар ёзадиган адаб Ислом динини яхши билиши керак. Абдулла Қодирий, Ойбек устозлар эски мактаб, мадраса кўрган эдилар. Бизнинг авлод фақат атеистларни кўрди. Дин ҳақидаги тушунчамиз, халқ тъабири билан айтганда, «алиф»ни калтак дейдиган даражада эди. Бу камчиликка барҳам бериш учун дин илмига қизиқувчи ёзувчилар учун мадраса ҳузурида бир мактаб ташкил этилса. Ўқишиш-ўрганиш «алиф»дан бошланса...»

Бу таклиф ҳазратимга маъқул тушди. Масала тезлик билан ҳал қилинди. Муҳаммад Латиф, Зоҳиджон қори бу мактабни ташкил этишга масъул бўлдилар. Мактабда ўқишиш қизиқувчилар кўпайди, ҳатто рассомлар ва бошқа соҳадаги зиёлилар кела бошлишди. Шунда мен бир оз хижолат билан ҳазратимга мурожаат қилдим:

– Ўқишиш қизиқиши кучли, лекин намоз ўқимайдиганлар ҳам келишмоқчи, нима қиласми?

Ҳазрат бу гапни эшишиб, кулимсираб қўйдилар:

– Келишовурсин, ароқ ичадиганлари ҳам келсин.

Бу гап жиддийми ёки кесатиқ оҳангি борми, билолмай гаранг турган эдим, мушкулимни ўzlари осон қилиб, бир воқеани сўзлаб бердилар:

«Покистон томонларда бир олим шогирдлари билан даъватта отланаётган экан, бир нотаниш йигит келиб, ҳамсафар бўлишдан илинжи борлигини айтди. Ниятини айтгач, пича сукут сақлаб, хаста овозда айбини ҳам билдириди:

– Тақсир, қалбим Аллоҳ ишқига интиляпти. Лекин йўлимда шайтон тўсиғи бор. Мен оғир, аммо давоси бор касалликка мубталоман: ҳар қанча уринмайин, бу бадбахтлиқдан – ароқ ичишдан ўзимни тўхтата олмаяпман.

Йигитнинг гапларини эшишиб, олим унинг кўкрагидан итармади, ёмон сўз ҳам айтмади, насиҳат қилмади.

– Сен бизнинг сафимизга қўшил, бу бадбахтлиқдан сени Аллоҳнинг Ўзи қутқаради, – деди. Шогирдлар бу қарордан ажабланишиди. Даъватчилар сафида майхўрнинг бўлиши уларга ғалат туюлди, аммо устознинг қарорига қарши чиқишмади.

Бир неча кун йўл юришди, қишлоқларда илмий суҳбат куришди. Бир кечаси дарада, очиқ осмон остида тунашди. Ярим тунда устоз уйғониб қарасаки, майхўр йигит ўрнида йўқ. «Оббо, иродаси панд бериб, охири қочибди-да», деб кўнгли оғриб турганда катта харсанг ортида шарпа эшишилди. Аста ўтиб қарасаки, йигит тупроққа пешонасини қўйиб, сажда қиляпти. У саждада узоқ қолди. Сўнг қаддини ростлади-да, қўлларини дуога кўтариб, пичирлаганича Аллоҳга илтижо қила бошлиди:

– Ё Роббим, мени фақат Сенгина ислоҳ қила оласан, шайтон алайҳилаънанинг чангалидан фақат

Сенгина қутқариб оласан. Мен Сендан кўп нарса сўрамайман: фақат Ҳидоят бер. Қалбимни фақат Сенинг ишқинг билан урадиган қалблар қаторига кўш. Мен бу дунёда атрофимдаги бандаларингдан уяляпман, Қиёматда Сенинг ҳузурингда уялиб қолишдан кўрқяпман. Аллоҳим, Ўзинг буюксан, нафсимни ўлдир, менга Ҳидоят бер, шайтон чангалидаги қалбимни покла. Мени қаторларига олган солиҳ бандаларинг ҳурмати, муножотимни қабул эт. Бу солиҳлар мен нотавонни сафларига олганлари учун уялиб қолишмасин...

Хаста овоз гўё дарани ларзага соларди. Йигитнинг йигиси устознинг қалбини ҳам йиғлатди. Шу турганча у ҳам Аллоҳга муножот этиб, унинг қалбидаги муҳрни ечишини Роббидан сўради.

Оқибат шу бўлдики, дуолар ижобат этилди, йигит бу нафс дардидан қутулди, илмга берилди, солиҳ шогирдлик пиллапояларидан кўтарилиб, устозлик мартабасига етиши, даъватчиларнинг энг яхшилари сафидан ўрин олди...»

Устоздан эшитганим бу воқеани кўпчиликка оғзаки айтганман. Мана, энди қоғозга ҳам тушди.

Ўқишиш бошланган кунлари Ҳаж ибодатига тайёргарлик бошланган эди. Ўзбекистонлик мусулмонлар узоқ йиллар мобайнида бу саодатли ибодатдан маҳрум бўлиб келганлари учун ҳомийлардан ёрдам келаётган эди. Шунда мен ёзувчиларни исломий мавзуга кўпроқ жалб қилиш учун кўрик ўтказишини таклиф этдим. Кўрик ғолибларига мукофот ўлароқ, Ҳаж ибодатига йўлланма бериш ҳам кўзда тутилди. Бу таклиф шайхур-раисга ғоят маъқул бўлди, кўрикни фақат Ўзбекистон ёзувчилари ўртасида эмас, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирасида ўтказишига қарор қилдилар. Ўзбекистондан бешта ғолиб, бошқа жумхуриятлардан икки-учтадан ижодкор Ҳажга юбориладиган бўлди. Биродарлар билан ҳамкорликда тезлик билан кўрик низомини ишлаб чиқдик. Низом тасдиқланди. Эълон тарқатилди. Ҳакамлар ҳайъати тасдиқланди. Камина раис деб белгиланганда сал оғриндим. Чунки бу кўрикда «Сўнгги ўқ» романи билан иштирок этмоқчи эдим. Раислик мансаби берилса, ўзимнинг иштирок этишим уятли ҳол бўлар эди. Бир даврада «Ҳажга борган одамнинг гуноҳлари тўқилиб, онадан қайта туғилгандай бўлиб қолади», деган гапга жавобан: «Ҳаж гуноҳлар ювиладиган ҳаммом эмас. Гуноҳлардан шу ернинг ўзида халос бўлиб, муқаддас жойга пок қадам босиб кириш керак», деган эдим. Ўша гапим эсимга тушиб, «Ҳали гуноҳларим кўп экан, Аллоҳ мени ўз Байтига чақирмабди» деб, тақдирга тан бердим.

1992 йил апрель ойининг охирроғи эди. Тобим йўқ, уйда ётиб эдим. Диний идорадан қўнғироқ қилиб, «Ҳазрат эртага Маккай Мукаррамага кетяптилар, танловга бугун якун ясалиши керак экан, сизни кутяптилар», дейишиди.

- Ҳаж вақтига ҳали анча бор-ку, нега бунча барвақт кетяптилар? – деб ажабландим.

- Ҳожиларимизни кутиб олишга тайёргарлик кўрадилар, – дейишди.

Кўллёзмаларни кўтариб, бордим. Намангандик адаб Аҳмад Турсунни қўллёзма ҳикоялари учун танлаб, биринчи ўринни лозим кўрган эдим. Унинг ҳикояларидағи табиийлик, самимийлик, ҳаётийлик мени ўзига ром этган эди. Номзодни айтишим билан ҳазрат мийиғларида кулиб қўйиб, «бўлмайди», дегандек бош чайқадилар. Кейин билсан, Аҳмаджон муфтий ҳазратга қариндош эканлар. «Ортиқча фитна чиқмасин, «муфтий ҳажга ўзининг қариндошини юборди» деган маломатга қолмайлик», деган мақсадда таклифимни рад этган эканлар (бу эҳтиёткорлик бежиз эмас эди. Айrim одамлар тўдалашиб, муфтий ҳазратнинг номларига нолойиқ гаплар айтишдан тийилмас эдилар. «Наҳотки, улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг «Аллоҳ илм берган олимни паст санаманглар, чуни Аллоҳ илм бергаётганида уни паст санамаган», деган муборак сўзларини билишмаса?» деб тоҳозиргача ажабланаман).

Танлов якунлари бўйича Алоуддин Мансур, Абдулла Орипов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Асқар Маҳкам мукофотга лойиқ деб топилдилар. Яна ўн нафар ижодкорга пул мукофоти тайин қилинди. Кўрик-танлов хурсандчилик билан ўтган бўлсада, икки ижодкор очиқдан-очиқ норози бўлди. Бирлари таржима билан шуғулланадиган акамиз эди, у кишининг мақолалари бошқаларникига нисбатан саёсроқ эди. Икккинчилари бир йил олдин ҳаж ибодатини бажариб қайтган эдилар. Бир мақолаларини топшира туриб, «Боришга фақат мен арзийман», деб катта кетишлари ажаб ҳол эди. Икковлари кибр отидан тушгилари келмай, пул мукофотидан ҳам воз кечишли.

Ўша куни муфтий ҳазратлари каминанинг номига ҳам даъватнома келганини билдириб, қувонч берганлари ҳолда гангитиб ҳам қўйдилар. Ҳазратнинг ҳаж сафаридан анча олдин боргандарни маҳсулини у ерга боргач билдик: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари учун Каъбатуллоҳга яқин ерда янги қуриб битказилган ҳашаматли меҳмонхона ажратилган эди. Барча мусулмонлар Саудия қиролининг меҳмонлари деб эълон қилинди, кутиб олиш, жойлаштириш, хизмат қилиш чиндан ҳам шоҳона эди. Барча ҳожиларнинг меҳмонхона ва таомланиш учун тўлаган пуллари қайтариб берилди. Ўша йилги ҳожилар фақат йўл сарфини тўладилар, холос.

1991 йилги ҳаж маросимида муфтий ҳазратларининг Арафотда қилган дуоларини кўп қатори камина ҳам телевидение орқали эшишиб, йиғлаган эдим. 1992 йилдаги Арафотдаги дуога эса бевосита гувоҳ бўлдим. Ул зотга Аллоҳ томонидан берилган воизлик санъати, дуо қилиш илҳомида

илоҳий руҳни сезиш мумкин эди. Кўпчиликка қўшилиб, мен ҳам қўп йиғладим.

Шайхур-раиснинг дуо қилиш илҳомлари ҳақида кўп ўйлардим. Орадан икки йил ўтиб, Булоқбошида бўлганимда жума намозини ҳожи дадамиз – муҳттарам Муҳаммад Юсуф домланинг масжидларида ўқидим. Мавъизанинг сермаънолиги, гап оҳангидағи ҳилмлик менда алоҳида таассурот қолдирди. Намоздан кейинги дуо пайтида ўзимни ўйлантирган саволга жавоб шу куни топдим: дуо қилиш илҳоми ҳазратимга отадан ўтган экан. «Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, бандасининг зехнини илм билан тўлдиради» дейилган ҳадис маъносини ўзимча талқин қилиб, «Аллоҳ шайхимизга илмни оталари орқали берган экан-да», деган хulosага келдим. Ўша куни кечки салқинда Булоқбошидаги айвонда суҳбатлаша туриб, ҳожи дадамиз: «Онаси уни бетаҳорат эмизмас эди, эмизаётганида Ёсинни ўқиб туарди», деганларида Аллоҳнинг марҳамати ва қудратини яна бир ҳис этдим.

Аллоҳ суйган бандасига илм билан бирга сабр ҳам берган эди. Турли учрашувларда устозга турли саволлар бериларди. Саволларнинг баъзилари ғоят бемаъни бўларди, лекин буларга ҳам сабр ила жавоб қайтарардилар. Назаримда Ҳазрати Алининг «Олимнинг адо этиши лозим бўлган ҳақлари бор. Унга кўп савол бермаслик, жавобига эътиroz қилмаслик, эриниб турганида жавоб беришга мажбурламаслик, ўрнидан туришига қўймай, этағига осилиб олмаслик, сирларини ошкор этмаслик, ҳузурида бирон кишини ғийбат қилмаслик, ундан хато қидирмаслик, бордию хато қилса, узрини қабул қилиш, модомики Парвардигорнинг амрига итоат этаркан, унга ҳам Аллоҳ учун хурмат кўрсатиш, олдида ўтириб олмаслик, бирор эҳтиёжи бўлса, уни раво қилиш учун ҳаммадан олдин шошилиш олимнинг ҳақларидандир», деган пурҳикмат сўзларини кўпчилик билмаса керак.

Бир даврада ирригация соҳасидаги олим одам устозга ўндан зиёд савол тайёрлаб келибди. Куръони Каримнинг маъно таржимаси билан танишгач, ўзича суралар нотўғри жойлаштирилган, деган хulosага келибди. Чала билимига таянган ҳолда сураларни бошқача жойлаштириби. Мен бундан ва саволларнинг бемаънилигидан ҳазрат ғазабланиб, туриб кетсалар керак, деб ўйладим. Йўқ, саволларни охирига қадар диққат билан эшифтдилар, сўнг босиқлик билан, бирма-бир жавоб қайтардилар. Чаламулла зиёлилар билан динга оид масалада суҳбатлашиш жуда оғир. Устозлар устози бундай оғирликларнинг кўпини енгиги ўтганлар.

\*\*\*

Қадрдонимиз, таниқли адаб Муроджон Мансур «Шарқ» нашриётида ишләтганларида Аллоҳ у кишига улуғ неъматни насиб этди: устозлар устози

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг асарларини нашрга тайёrlаща мұхаррир сифатида иштирок этдилар. Муроджон ака жумладаги эга-кесим ёки боғловчиларнинг ўз ўрнида бўлиши, тиниш белгиларининг жой-жойига қўйилишига жиддий эътибор берардилар. «Ҳадис ва ҳаёт» турқумида эса ўзбек тили грамматикаси қоидасига баъзан амал қилинmas эди. Айниқса арабий сўзларнинг ёзилиши борасида шайхимизнинг ўз қоидалари мавжуд эди. Шу масалада мұхаррир билан муаллиф ўртасида баҳсли ўринлар туғиларди. Муроджон ака таҳrir боғида муаллиф билан кўпам баҳлашавермас эдилар. Айниқса шайхимизнинг салобатлари босар эдими, камчиликни кўрсатишига ийманардилар. Шундай ҳол юз берганда мени ёрдамга чақирапардилар. Устознинг ҳузурларига бирга бораардик. Камчиликни аниқлаган мұхаррир – Мурод Мансур, шайхур-раисни кўндириб берадиган эса Тоҳир Малик эди. Имло бобидаги баҳсада ҳазратим ҳам ўжар эдилар. У кишини Муроджон аканинг таклифларига (аниқроғи, талабларига) кўндириш қийин эди. Қоғозга рўйхат қилиб ёзиб олган таклифларининг ярмига кўндира олсан ҳам, Муроджон ака қувонардилар. Кўзлари хирадашиб қолганда ҳам бу савоб юмушни давом эттирилар. Муроджон аканинг жанозаларини шайхур-раиснинг ўzlари ўқидилар. Икковларини Аллоҳ раҳмат қилсин, омин!

Муроджон аканинг жанозалари куни шайхур-раисимиз маъруза қилаётгандаридан орадан бир неча ой ўтиб, ўзларининг ҳам жанозаларида ҳозир бўлишимизни қайдан билимиз... Устозлар устозининг вафоти ҳақидаги хабар қалбларга яшин олови каби урилиб, куйдириб ташлади. Ҳазратнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган бизларгина эмас, бутун Ислом олами жудолик қайғусида изтироб чекди. Шарафли ҳадисдаги «Бутун қавмнинг ўлими бир олим ўлимидан кичикроқ ҳодисадир» деган ҳикматли сўзларга ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Шайхур-раисни биз бандаларга устоз қилиб бериш Аллоҳнинг улуғ неъмати эди, ҳузурига қақириб олишдаги айрилиқ азоби ҳам шунга яраша бўлди.

Тобим бўлмай, иккинчи марта жарроҳлик амалиёти ўтказилгач, шайхур-раис уйимизга келдилар. Амалиёт қайси куни, қайси соатда бўлганини сўраб билгач, «Ажиб», деб қўйдилар.

– Нимаси ажиб? – дедим.

– Маккай Мукаррамага отланганимни сиз билмаган эдингиз. Билганлар Каъбатуллоҳда дуолар қилишимни сўрашганди. Каъбанинг атрофида юриб, бир-бир дуолар қилаётганимда сиз ёдимга тушдингиз. Ҳозир билсам, айнан жарроҳлар ишга киришган пайтда сизни эслаб, Аллоҳдан сиҳат-саломатлик сўраб, дуо қилган эканман...

Мен шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эгаллаган илм даражаси нақадар улуғ экани хусусида сўз айта олмайман. Ул зот эгаллаган илмнинг уч-беш фоизига етишган бўлганимда, эҳтимол, бунга журъат қила олардим. Лекин олимларнинг баҳоларини эшитганманки, айримлари билан сизларни таништирайин:

Устоз Алоуддин Мансур суҳбатларимиздан бирида: «Агар бугунги Ислом оламида ўнта улуғ олим бўлса, биттаси шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, бешта бўлса, шуларнинг пешқадамларидан, иккита бўлса, биридир», деган эдилар.

Ундан олдинроқ, 1990 йил эди шекилли, Ливиядан келган меҳмонлар даврасида юзлари нурли бир қария: «Сизлар Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг қадрига етинглар. Мен бу шайхнинг устозиман. Бундай улуғ олимни Аллоҳ ҳамиша ҳам беравермайди. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бизга ўқишига келганида кўзимизга бўшанг йигит бўлиб кўринган эди. Дастлабки имтиҳонда бу фикри издан қайтдик. Индамай юрувчи бу йигит илм олиш билан банд экан...», деди. Бу инсон Ливия Араб Жамоҳирияси «Ал-Фотих» университетида Улумул-Қуръон фанидан дарс берувчи устоз, доктор Иброҳим Руфайда эдилар.

Шайхур-раисимиз бадиий адабиёт намуналарини доимий равишида қузатиб бораардилар. Айниқса шеъриятдаги камчиликларни вақтида танқид қилиб турардилар. Ёзувчilar иккига бўлингандаридан Адиллар иттифоқи вакили ҳазратга мурожаат қилиб, «Сиз ҳам икки-уч китоб чиқардингиз, иттифоқимизга аъзо қилиб оламиз», деди. Кулимсираб туриб, бош чайқадилар: «Мен ёзувчи эмасман. Сизга аъзо бўлиб, икки гуруҳга ажralган мұхтарам адибларимизнинг ихтилофларини чуқурлаштиришни ҳам истамайман», дедилар. Кейин билишимча, Ёзувчilar уюшмасидан ҳам шундай таклиф тушган ва уларга ҳам худди шу жавобни қайтарган эканлар.

Энди навбат ҳазрати Алининг «Олим киши кечалари қоим, кундузлари рўзадор мужоҳиддан афзалдир. Олим вафот этса, Исломда бир ёриқ пайдо бўлади. У ёриқни фақат олимнинг ўринбосаригина тўлдиради», деган сўзларига келди. Не баҳтки, Аллоҳнинг марҳамати билан устозлар устозининг қаноти остига иқтидорли ёшлар тўпланишган эди. Улар устоздан имкон қадар билим олдилар. Энди бу билимларни такомилга етказиш, устознинг йўлини давом эттириш, ҳосил бўлган ёриқни тўлдириш вазифасини бажаришга киришишлари лозим бўлади. Ҳазрати Али: «Менга бир ҳарф ўргатган кишининг хизматкори бўлишга тайёрман», деган эдилар. Устозлар устозининг бундай хизматга тайёр шогирдлари кўп. Камина – Тоҳир Малик шуларнинг биридир.



# Ихлосу ијлму амал

Интернетдан хабар тарқалди: «Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф вафот этди!»  
Хабарни эшигтан, бу инсонни таниганки одам бир силкинди, хуши учди...

Уни күргану күрмаганнинг күзига ёш қалқиди...  
Одамлар хеш-акраболарига сим қоқиб, бир-бирларига таъзия билдирадилар.  
Марҳумнинг уйи бу мусибат учун торлик қилди, мотам унинг  
жами мухлислари хонадонларига, юракларига кўчди...

Ҳалқ кўз кўриб, қулоқ эшигтмаган оқибат билдириди: жанозага икки юз  
мингдан ортиқ одам иғилди. Барчаларининг кўзларидан ёш қуйиларди...

Үша куни бир неча хорижий юртларда ҳам у зотга ғойибона жанозалар ўқилди.

Дунёнинг турфа сарҳадларида марҳумнинг ҳақларига юзлаб, балки минглаб хатми Қуръонлар бағишиланди.

Мотамнинг дастлабки кунларида ёк дўконлардаги Ҳазратнинг жами китоблари сотилиб бўлди!

Тупроқлари ҳали совимай туриб, ётган жойлари зиёратгоҳга айланди. Зиёратчиларнинг сони ортгандан ортиб бормоқда...

Эл-улуснинг яна ва яна... шу тарздаги турфа эҳтиром, турфа дил изҳорларини кўриб турибмиз...

Ахир бу ўлим эмас, буюк сазоворлик-ку! Ҳақ-қа азиз бўлишнинг тантанаси-ку бу! Банданинг қўли, унинг уdda-имконияти билан бундай ви-долашувни ташкил қилиб бўлмайди! Бу инсонга Аллоҳдан буюрди, бу зотни шундай мақомга Яратганинг Ўзи кўтарди!

Ўлим ҳам шундай чиройли бўладими?! Ҳақ таоло Ҳазратнинг вафотини ҳам одамлар учун ибрат, ўқув, дарс қилиб қўйди. Жанозага интилган ўша икки юз минг одамнинг ичиди Ҳазратни тинглаб, ўқиб, унинг феъл-атворларини кузатиб, динни тушунган, одоб-диёнатини ростлаб олганлар ҳам кўпdir. Аммо келгандарнинг ҳаммаси ҳам художўй деб ўйлайсизми? Уларнинг орасида Аллоҳдан бирда кўрқиб, бирда кўрқмайдиганлари йўқ дейсизми? Аммо ўша кунги ҳолат бари ухлоқ руҳиятларни силкитди, ўйфотди, мудраган тафаккурлар ҳаракатга тушди! «Бир одамга шунча хурматми? Бор-йўғи бир олим-ку ахир!» дэя ҳайратланди оломон. «Дунёда олим кўп, китоб кўп. Аммо одамларни қотган жойидан қўзғота олсагина олимдир, сувдай чанқоғингни босса, дон егандай озука олсанг, ўша ҳақиқий китобдир. Бу олимнинг ёзганлари шу қадар оҳанраболими?» дэя кўнглидан кечирди халқ. Ва китоб дўконлари сари талпинди. Мана шунинг ўзи бир сабоқ, улғайиш, покланиш сари юришдир.

Жанозадан қайтган одам ўзига ўзи савол бериб: «Шундай инсонлар сен билан елкадош бўлиб яшабди, хўш, сен кимсан? Неча кишига маъқул келдинг, қайси қинғирни тўғриладинг, қайси нотекисни силлиқлаб, йўлга солдинг?

Бола-чақангдан ташқари сендан баҳра олган, кетар бўлсанг, орtingдан дод солиб қоладиган одаминг қанча?» дэя бир карра ўйланиб қўйса ҳам – ғалаба! Шу одамда яхшиланиш унсурлари пайдо бўлди деяверинг!

Аллоҳ кимни азиз сайлайди?

Қандай амаллар билан киши бу даражотга эришади?

Инсонни бу мақомга олиб чиқадиган нарса Ихлосу Илму Амалдир. Ихлосу илму амални шундоққина қўл чўзиб, қўйнига солиб бўлмайди. Бу жавоҳирларга муносиб одамни Аллоҳнинг Ўзи тайёрлайди. Ўн тияга юк бўладиган китобни ёдлагани, амаки-тоғасининг курсиси, белбоғдаги пули билан киши бу даражага эга бўлолмайди. Чирмашиб юриб баланд минбарларга чиқиши мумкин, аммо Тангри уни азизлик дастурхонига эга қилмайди.

Ихлос бу қўлга олган иши, юмушига, шунингдек, атрофни тушунишга муҳаббат билан астойдил тутуниш демақдир. Навоий айтганларидек, «ҳам тили, ҳам кўнгли-ю, ҳам кўзи пок» инсонлардагина шундай ихлос бино бўлади ва яшаб қолади. Касбу кор ҳам, бизнинг ишимиз тушиб турган, тириклик учун даркор бўлган, қўйинг-чи, кишини ўстирадиган, ундирадиган ҳамма нарса илоҳий неъматдир. Бу неъматларга ихлос билан ёндошсангтина, Аллоҳ сенга уларнинг асл жавҳари, сиру синоатларини оча боради. Бу дегани ўша ихлосинг сени Илм сари йўлга туширади.

Хўш, «ҳам тили, ҳам кўнгли-ю, ҳам кўзи пок» одамлар қандай бино бўлади?

Яқинда телевидениеда доғистонлик шоир Расул Ҳамзат ҳақида хужжатли фильм берилди. Шоир таваллудига тўқсон йил тўлибди. Бу фильм ўн йил аввал, унинг ҳаётлигига суратга олинган экан. Мен бу шоирни қаттиқ хурмат қиласман. Азбаройи меҳрим баландлигидан тириклигига ҳам исмини эшитсан, кўзимга ёш кела-верарди. Бунаقا юртпараст, элпараст, халқчил шоир кам бўлади. Доғистон деганлари жаҳон харитасида нўхатдай жойни эгалласа керак. Аммо Расул Ҳамзат китоблари билан уни бутун дунёга ёдлатиб қўйди. Бир ёзмишида «аввал бургут (тоғликлар бургутни ҳамма жониворлардан устун қўяр эканлар), сўнгра авар, сўнгра

Доғистон, кейингина Расул Ҳамзат дунёга келганд...» дея ёзади. Яна бир шеърида «агар мен жангда ва ё ишқ ўқидан ўлгудай бўлсам, илтижо қиласман, ёнимдан аварча сўзлашиб ўтсангиз бас, яна тирилиб кетаман», дейди.

Фильмда сухандон кадр ортида шоир тилидан гапирав, экранда эса Доғистон манзаралари, у ерликларнинг миллий тутумлари, қадриятлари, шоирнинг ҳаёти ва фаолиятидан парчалар кўрсатиларди. Сўнгра сухандон алла кўйи оҳангни фонида Расул Ҳамзатнинг русчага ўгирилган «Онамнинг алласи» шеърини ўқий бошлади. Кўй янграр, олд кўринишда виқорли тоғлар ва уларни макон тутган бургутлар, тоғ ёнбағирларига қалдирғочлардай ин солиб, бир-бир устун жойлашиб, борган сари юқорига ўрмалаб кетаётган қишлоқ уйларини кўрсатишяпти. Ботбот бу манзаралар узра бешик тебратиб, алла айтаётган ёшгина онани ҳам бериб боряптилар. Менга қаттиқ таъсир қилган нарса нима бўлди денг? Шеър ўқиляпти, «Онам алласида «Болам ўндоғ мард бўлади, бундоғ чўнг бўлади», дея тиларди» каби гаплар кетяпти. Кадрдаги бешик тебратиб, хазин ва жуда гўзал оҳангда алла айтаётган аёл эса факат бир жумлани такрорлар эди. Бу сўз «Лаа илааҳа иллаллоҳ, лаа илааҳа иллаллоҳ» эди, бошқа сўз йўқ! Авар аёллари шу каломни болаларига алла ўрнида айтишар экан. Вах, ваҳ! Мен ўша аснода дунёдаги ҳамма оналарни бир четга суриб қўйиб, шу доғистонлик келинни яхши кўриб кетдим!

Бешикдаги бу бола ҳали очилмаган фунча! Унинг баданида нечта хужайраси бўлса, ҳозир бари юмуқ, унинг юраги юмуқ, эс-акли мудроқ. Она эса боласининг шу мудроқ хужайралари, қалби-ю қулоғини «Лаа илааҳа иллаллоҳ» билан очяпти! Боласининг юрагини ҳали ҳеч нарса банд қилмай туриб, унга «илоҳ» сўзини жойлаб қўйяпти. Аёлнинг бу муножоти назаримда бутун Доғистон узра дам солаётгандай, унинг ғуборини олаётгандай эди гўё! Ана сизга «ҳам тилу, ҳам кўнгли-ю, ҳам кўзи пок»ликнинг бошланиши! Покланган тилларгина булбулга айланаркан! Инсоний ҳамият ва орият тоғлари шу кўнгилларда ўсиб, Ихлосу Илм шу пок дилларга юқаркан! Аллоҳ Ўзининг жами неъматларини тоза кўзларгагина кўрсатаркан! Мен Расул

Ҳамзатнинг элга суюмли бўлиши сабаблари ва унинг аслини энди топгандай бўлдим...

Ҳазратнинг вафотидан кейинги у киши ҳақидаги сұхбатлар ҳам мени неча бор ларзага солди. Олимнинг оталаридан фарзанд тарбияси хусусида сўрашганда сұхбат орасида «рафикамиз болаларини бетаҳорат эмизмас эди», дея айтиб ўтибдилар. Буни эшитиб, боласига энг меҳрибон оналарнинг ҳам уяти ичига чўқди, юракларни ғашлик, қўрқув чанглалади, эшитганки аёлнинг кўксида «Э воҳ, болаларимга зиёним тегмаган бўлсин-да», деган оғриқ уйғонди.

Қарангки, Ҳазратнинг оналари ибодатга қандай тайёрланса, бола эмизишга ҳам шундай ҳозирлик кўрар экан. Аёнки, таҳоратни «бисмиллаҳ»дан ва яхши ниятдан бошлигинизнинг ўзида руҳингиз тиниклашади. Бу осудаликни Аллоҳ беради, «Сен менга қараб юра бошласанг, Мен сен томон югураман», деркан Ҳақ таоло. Худодан сўранар экан, инсон вужуди бир нуқтага жамланади, жами зикр Аллоҳга қаратилади, бундай пайтда дилда ғубор, ғазаб, нафрат қолмайди, яъни жисму жон покланади, она фарзанд учун тоза булоқча айланади. Натижани, яъни Ҳазрат мисолида у кишимнинг оналари кўтарган хирмонни кўриб турибсиз.

Фарзандини таҳоратсиз эмизмаган бу аёл қошида ўзини оқила билган, боласига ўнта тилни ўргатган, уни ўн дорилғунунда ўқитган она ҳам билимсиз бўлди-қолди! Биз поку нопок ҳолатда, бирорвоннинг дилини оғритиб туриб ёки ёлғон ишлатиб туриб ҳам, ёки бирордан нафратланиш ичра ҳам болага озуқа тутавердик. Бу дегани, ўз сутимиз билан ўз боламизни заҳарлайвердик! Қарабисизки, хирмонимиз ҳам шунга яраша бўлди! Айрим болаларимизга илму насиҳат юқмаётгани, улардаги бир ишда қўнимисизлик, нафсга ружу, худбинлик, лоқайдлик алломатлари бунга хужжатдир. 2016 йилнинг «Соғлом она ва соғлом бола» деб аталиши донолик бўлди. Оналар покланмагунча, бола тарбиясини жиловлаш мушкул...

Ихлос билан илм тўплашнинг ўзи ҳали саодатмандлик эмас. Айниқса диний-маърифий билимларнинг соҳиби уққанларини аввал ўз танижони, руҳияти, феъл-атворига сингдириб, ўзида инқилоб ясай олсагина, илми ҳақиқийдир. Яъни

амалга айланган илм шудир. Олимларнинг шахси билан қизиқиши, уларнинг ўз ёзганларига амал қилиш-қилмасликларини билишга бетоқат бўлишнинг хожати йўқ. Кимнингки китоби қўлма-қўлдир, кимнингки илмига одамлар ихлос қўйяптилар, билиб қўяверинг, шу олим ёзганларига ўзи амал қиласди, яъни Ихлосу Илму Амал салтанатига эришган инсон шу.

«Уламолар пайғамбарларнинг ворислари-дир» деган ҳадиси шариф бор. Жами пайғамбарлар «инсоният» деб аталган оламнинг тасаддуғи бўлиб ўтдилар. Уламоларнинг уламолиги ҳам улусни маърифатли қилиш йўлида ўзларини баҳшида этишлариdir. Улар ҳалқ мулкидирлар. Қуръони Карим дурданалари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ҳалқа етказувчи ишончли қўллар уламолардир. Аммо илм – ўз эгаси учун омонат, у бандалар учун, уларнинг ҳаётларини афзаллаштириш учун берилган Аллоҳнинг инояти. Илм тўплаш бошқа, аммо уни ҳалқа сингдириш, етказиш яна алоҳида бир илмдир. Ҳалқ косасига сикқанини олади, унинг дилига, қулоғига ботмайдиган қилиб ёзилган нарсани танлайди, у ўқиётган нарсасидан эсда қоладиган рангинликни қидиради. Бандалар бу талотўп дунёда ҳамиша таранглик – жон қайғуси, нон қайғуси ичра ҳомталаш бўлиб яшайди. Қўлига тушган китоб унинг айнан ўша ҳолатларига ором бериши лозим. Ҳазратнинг китоблари ана шунинг учун ҳам қўлмақўлдир. Бу инсоннинг асарларидағи руҳингизга оромбахш шабада уфуриб турувчи илм булоқларини тарозига қўйишига, ўлчашга мен чунон гариб ва чандон ушоқман. Аммо у кишининг баён услубларини кузата туриб, яхшигина ёзувчи эканлигига иқрор бўлдим! Рухшунос эканлигига ҳам тан бердим. Ҳазратни ўткир социолог дейилса ҳам тўғри бўлади: оила ва никоҳ, умуминсоний муносабатлар, ҳалқпарварлик, ватанпарварлик хусусида тўхталганда биздаги ва бутун дунёдаги ҳолатларни чоғишириб, майдалаб таҳлил қиласди ва жуда муҳим хуносаларга келади.

Мақоланинг бошини илму амалдан бошлиган эдик. Ҳазратнинг барча китобларида муаллифнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига қаттиқ амал қи-

лишини ва юксак ички маданиятни кузатасиз. У зотнинг яқинлари: «Ҳеч қачон ғазаб билан мунозараға киришмасдилар», «Бирордан диллари оғриса, сўзлашмай қўя қолардилар», «Ҳеч қачон тушкунликка тушмас, «Дуо қилайлик, ҳаммаси яхши бўлади, иншааллоҳ», дердилар», деб эслашади. Илмга амал мана шу. Юқорида ички маданиятни тилга олдик. Ҳазратнинг сўз бойлиги қойил қолса бўлгудай катта. Ва у зот сўз одобига қаттиқ риоя қиласди: оила ва никоҳ мавзусида айримлар «Шариатда шарм йўқ», қабилида айтиб юбораверадиган сўзларнинг шундай ҳалим, ярқироқ ва чиройли синонимларини топадики, овоз чиқариб айтсанг ҳам, ўнғай бўлаверади. Аёл ижодкорлар эркаклар ҳақида ёзганларида гоҳида сал иддаога йўл қўйишилари мумкин. Эркакларнинг ҳам аёллар хусусида гапларида газак силқиб туриши бор. Аммо Ҳазрат ўз ёзмешларида аёл зотига эҳтиромни шундай жойига қўйганларки, бу юксак баҳога лойиқ бўлиш керак, деган андиша кечади кўнглимииздан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари ҳақида ёзганларида, айниқса Ҳадижга ва Оиша оналаримизни шундай ҳурмат билан таърифлайдиларки, сиз ҳам беихтиёр ўрнингиздан туриб, уларга тавозе билдиргингиз келади. Ҳазратнинг китобларида у кишининг шахсидаги нафақат олимлик хулқи, маданиятини, балки эркак зоти одоби – оталик, ўғиллик, жуфтлик, ватанга ўғлонлик, эл-улусга балогардонликнинг гўзал намунасини кўрасиз...

**У кишининг аёллари Фотимахоним сўзлай туриб: «Ҳазрат тўлин ойдай тўлганларидага ерга ботдилар», дедилар қайғу билан. Йўқ, дейман мен, у зот юракларга ботдилар ва юракларда балқийдилар энди! Оидинлари билан қоронғу дилларни ёритиб яшаашда давом этадилар!**

**Турсуной Содикова**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими  
23 февраль 2016 йил

# Сизсиз

## ўтган бир йил...

### *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Ҳазратим...

Бугун жума. Баҳодир ҳожи гулчи ўғлингиз ўз одатига кўра гул ташлаб кетди. Сиз борлигингизда ҳар жума шундай қилар эди. Сиздан кейин ҳам бу одатини тарк этмади. Ҳар жума гул келтиришни канда қилмайди.

Гуллар билан машғул бўлишимни хуш кўрардингиз. «Онаси, гулларингизга қарайпсизми?» деб қўярдингиз. Ҳа, дадажониси, қарайпман, ҳали ҳам қарайпман. Кўчадан кириб келганингизда гулдонларга чечакларни солаётганимни кўриб, қувнаб кетардингиз. Ҳар бир гулни алоҳида томоша қилардингиз. Гулларга тушган шодлик назаридан мен ҳам бебаҳра қолмасдим. Гуё мен ҳам бир гул эдиму, қўзингизни қувнатиб турардим. Сўнгра қўл очиб, Баҳодир ҳожининг ҳаққига дуо қилардингиз. Бу улуғ айём муносабати или Сизни муборакбод этадиган яқинларимиз энди бизни йўқламоқдалар.

Сиздан кейин ҳамишиналарингиз бир муддат дала ҳовлига чиқмай қўйишди. Калитни топширмоқчи бўлишганда, уларни койиб бердим. «Ҳазрат борликларида қандай бориб турган бўлишса, ҳозир ҳам шундай бориб, у жойни обод қилиб туришсин», дедим. Мана, мунтазам ҳар шанба боришишмоқда.

Ҳазратим, Сиз дала ҳовлингизни жуда яхши кўрардингиз. Унга алоҳида эътибор берардингиз. У ерга бориб дам олардингиз, ёзилардингиз. Шерикларингиз ҳозир ҳам бориб, борлигингизда сизни хурсанд қилишга қандай уринишган бўлса, ҳозир ҳам шундай ҳаракат қилишяпти. Ҳар гал боргандарида хатми Қуръон қилиб, савобини Сизга бағишлашади. Факат Сизни эслашади. Сухбатлари ёлғиз Сиз ҳақингизда бўлади. Сизни жуда соғинишган. Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин.

Аслини олганда, барча қадрдонларингизу шогирдларингиз ва муҳлисларингизнинг бизга бўлган эҳтимому эҳтиромлари Аллоҳ учун. Зотан,

Сизни ҳам Аллоҳ учун яхши кўришган. Аллоҳнинг розилигини тилаб, хотирангизни сақлашмоқда. Мен биздан хабар олган, йўқлаган ва бизга яхшилик тақдим қилган ҳар бир кишининг ҳаққига алоҳида дуо қиласман. Улар Ҳазратим борларида Аллоҳнинг розилигини истаб, ҳолларидан хабар олишарди. Аллоҳнинг йўлида саъй-ҳаракат қилаётган олимнинг кўнглини олишга уринишарди. Энди Аллоҳнинг розилиги учун устозларига вафо қилишмоқда, у кишининг ўринларига аҳлларининг ҳолларидан хабар олишаштири. Аллоҳим! Уларга раҳмату неъматингни зиёда қилгин, ажру савобларини мўл қилиб бергун!

Қўшниларни айтмайсизми... Улар ҳам сиз билан қувониб юришаркан. «Махалламизнинг чироғи учиб қолди, кўчаларимиз ҳувилляпти, файзи кетиб қолган», дейишади. Сиз бор, бағри бутун юришаркан. Ҳабиба опа: «Ҳазратимни кўриб олай деб, кетиб-келишларини пойлаб юрардим, кўриб тўймасдим», деб зорланади.

Беш кун аввал ён қўшнимиз Мухаммаджон ака ўтиб қолди. Югуриб чиққандим, майит аҳли мени кўришлари билан «Ҳазратни жуда яхши кўрардилар», дея йиғлай бошлишади. Мен ҳам эшитмаган эканман, у киши бирор жойга кетишингиз ёки келишингизда кўчада Сизни кўриб, кўзлари қувнаркан. Доим сиз томон қараб, ёнингизга боргиси келаркану, «Ҳазрат катта одамлар, безовта қилиб бўлмайди», деб тийиларкан. Сиздан кейин бемор бўлиб, қайта тузалмабди. Шифокорларга: «Ҳазратдан кейин ўзимга келолмаяпман», деб айтган экан. Аллоҳ раҳмат қилсан. Воажаб, бу қандай муҳаббат!



Фотиҳага чиқиб, Исмоилжоннинг ҳам, менинг ҳам мазамиз қочди. Оёқ-қўлнимиз бўшашиб, зўрға турдик. Дардимиз янгиланди-да. Жанозангизда қандай турган эканмиз, ҳайронман. Аллоҳ меҳрибон, яна ҳам сабр бераркан.

Кўпчиликнинг қалб тубига мустаҳкам ўрнашиб ултурган экансиз, вафодорларингиз беҳисоб, Ҳазратим. Бу ҳолатларни кўриб, вафонинг чин маъносини энди тушунаётгандекман. Сиз китобларингизда ёзганингиздек ҳаёт кечирган эдингиз, не ажабки, ҳаётингиздан кейин ҳам сиз ёзган маънолар ҳаётимизда гавдаланмоқда.

Сиздан жудо бўлганимиз ҳақида тўсатдан хабар келганда ҳаммамиз ўзимизни йўқотиб қўйдик. Гўё осмон узилиб, ерга тушди. Яқинлар нима қилиб бўлса ҳам мени тинчлантиришга уринишарди. Мен эса: «Мени ўз ҳолимга қўйинглар, Роббимга сажда қиласай», дедим ва саждага бош урдим. Сизнинг китобингизда ўқиган эдим. Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳо вафот этгандарида, улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос сажда қиласан эканлар.

Имом Абу Довуд ва Термизий Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қиласидар:

«Ибн Аббосга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларидан бири ҳақида «Фалончи ўлибди», деб айтишди. Бас, у саждага йиқилди. Сўнгра унга: «Шунақа пайтда ҳам сажда қиласанми?» дейишиди. Бас, у: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Қачон бир оят кўрсангиз, сажда қилинглар», деганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларининг кетишларидан ҳам каттароқ оят борми?» деди (бу ердаги «оят» сўзи даҳшатли ҳодиса маъносида келган).

Мен учун сизнинг вафотингиз бир оят бўлди.

Таъзия кунлари ва ундан кейин анча муддатгача қариндош-уруғ, ёру биродарларимиз бу улкан мусибатимизга шерик бўлиб, ёнимизда туриб бердилар. Бизни ёлғизлатиб қўймадилар. Уша кунлар баъзан менга гўё бир катта маросимга ўхшарди. Бу маросимлар тугаса, ҳаётимиз яна илгаригидек давом этиб кетаверадигандек туюларди. Сизни худди сафарга кетгандек, маълум муддатдан кейин қайтадигандек ҳис қиласидар. Маросимлар ҳам ўтди, аммо сиз қайтмадингиз...

Кимdir отасидан, кимdir онасидан, кимdir эридан ва яна кимdir бошқа яқинидан айрилади. Бунга тайёр бўлган бўлсаю бўлмаса, бир муддат ўтиб, кўнишиб кетади. Табиат қонуни шу. Лекин мен фақат жуфтимдан эмас, жуда ҳам кўп нарсадан айрилдим. Сизнинг ўрнингиз оддий бир турмуш ўртоқнинг ўрни эмасди. Сиз менинг имомим, ўйлбошчим, устозим, дўстим, сирдошим, масла-

ҳатгўйим, дуогўйим — санайверсам адо бўлмайди — ва умр йўлдошим эдингиз.

Сизнинг кетишингиз билан ҳаётимизда тагсиз чоҳ пайдо бўлди, энди унинг ўрни тўлмаслиги аниқ. Яшар эканман, сиздан кейин ўтказганим ҳар он йўқлигингиз сезилмоқда, ҳар ишда, ҳар бир ҳолатда билинмоқда. Ҳар лаҳзада Сизсизликни ҳис этаман.


Одатланиб қолган эканман, бирор савол ёки маслаҳатли иш чиқиб қолса, дарҳол «Ҳазратимдан сўрайман» деган тараффудуга тушаману, кейин йўқлигингизни эслаб қоламан, вужудим музлаб кетади. Ўзимча таомлардан Сизнинг насибангизни олиб қўймоқчи бўлиб кўл чўзаман, сўнг эслаб, қўлимни тортаман. Баъзан остоноада оёқ кийимингизни излаб қоламан. Дарвоза очилса, худди Сиз кириб келаётгандай ўша ёққа талпиниб кетаман. Ҳали у эшикдан, ҳали бу эшикдан кириб келаётгандек бўласиз. Зиналардан шарпангиз келгандек бўлади. Дастанхон узра сұхбатларимизни қўмсайман.

Ҳануз хонангиздаги бирон нарсани ўзгартирмадик. Хонангиз Сиз қандай ҳолда тарқ этган бўлсангиз, ўшандоқ туриби, охиригина ечган либосларингиз, маҳсингиз жойидан жилмаган. Бирорнинг буюмларингизга тегишини унча ёқтирасиз эдингиз. Ҳозир ҳам шунинг истиҳоласини қиласидар. Уйдан нафасингиз, руҳиятингиз узоқлашиб кетмасин деб, ҳеч бир нарсани ўзгартирмайман.

Тушларимга кирганингизда Сиз ҳали вафот этмагандек бўласиз. Ҳамон барҳаётсиз. Доим жилмайиб турганингизни кўраман. Кўпинча бир-бirimizни соғинган бўламиш. Сиз мени тушларимда ҳам авайлайсиз, эҳтиёт қиласиз.

Биз иккимиз бирга гўзал умр кечирдик. Сиз елкасига хотиржам бош қўйса бўладиган умр йўлдош эдингиз, мен бунга бир неча бор амин бўлганман. Айниқса, сўнги йилларда бир-бirimizга жуда меҳрибон бўлиб кетган эканмиз. Вужудингизда кексалик аломатлари зоҳир бўла бошлиганини кўриб, кўнглимга ғаш ораларди. Сочимнинг қора толаси қолмаган бўлса ҳам, сочсоқолларингизда оқ тук ортгани сари кўнглим қоронғилашиб, ташвиш қиласидар. «Дадаси, оқ кўпайиб кетяпти», деб соқолларингизни силасам: «Соч-соқолнинг Ислом йўлида оқариши яхшику», дердингиз. Сиз ажойиб ҳозиржавоб эдингиз. Шу биргина жумла билан ҳам суннатни эслатган, ҳам ташвишимни аритган эдингиз.

Ҳатто дунё фами бошимга тушган кезларда ҳам бир оғиз сўзингиз билан кўнглимга таскин берардингиз. Сиздаги хусусиятлардан мен учун энг севимлиси шу эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳар қандай муаммоларимни айтиб, Сизда ечим топа олардим. Сиз меҳри дарё, сўзи зилол, ўзи тоғ инсон эдингиз.



Минг шукрлар бўлсинки, ана шу хусусиятларингизнинг бўйларини энди фарзандларимизда тўймоқдаман. Уларда ҳам кўнгилга хотиржамлик баҳш этадиган нафасингиз бор. Умуман олганда, мен фарзандларимизда Сизни кўраман. Ҳар гал бирортасида Сизга ўхшаш жиҳатни кўрсам, ўзимда йўқ қувонаман. Уларнинг Сиз каби бўлишлари менинг орзуим.

Сизнинг фироқингиз уларга ҳам бениҳоя оғир бўлди. Кутилмаган бу мусибат зарбасидан гёв вуҷудлари парча-парча бўлиб кетди. Ҳали ўzlарига келгандари йўқ. Оламни кўйдираёзган бу яшин уларнинг бошларида чақнار экан, бошқа нима бўлиши мумкин эди? Вужудларининг сочилиб кетган бўлаклари аста-секин ўз ўрнига қайтмоқда. Бу килган қадлари жуда секинлик билан тикланмоқда. «Вақт – даво» дейдилар-ку. Улар ҳам Сиз каби қайғу-дардларини сиртларига чиқармайдилар, бироқ мен онаман-ку, ичларидан нима кечеётганини ҳис этиб тураман. Аллоҳдан умидим катта, иншоаллоҳ, ҳали ўzlарини тутиб олишади, Сиз юрган йўлдан юришади, давомчингиз бўлишади. Ягона истагим ҳам шу ўзи.

Шогирдларингиз ҳам имкон қадар ишларингизни давом эттироқдалар. Бу галги мавлид ма-росимини кўриб, кўп нарсани мулоҳаза қилдим. Сизнинг йўқлигининг яққол сезилиб турарди. Шогирдларингиз ҳам Сиздан ажралиб, синикиб қолишган. Сиз борлигинизда улар хотиржам, анча эркаликлари ҳам бор эди. Сиз бор экансиз, бундай анжуманларда файзингиздан анча-мунча камчиллик кўринмай кетарди. Энди эса анча жиддийлашибашган, ўzlарини сайқаллаётирлар. Уларнинг ҳар бири бор имкониятини ишга солиб, ўзига юклangan вазифани энг яхши даражада амалга оширишга интилмоқда. Буни уddyалашади ҳам. Ўйлайманки, улар Сиз истагандек бўлишга ҳаракат қилишаётир. Аллоҳдан уларга муваффақиятлар сўрайман.

Таъзия кунларнинг ўзидаёқ шогирдларингизга, яқинларингизга бир эълон айтдим. Уларга: «Ҳазратимнинг эшиклари сизлар учун доим очик, эртаю кеч, истаган вақтингизда, Ҳазратимизни соғинган пайтингизда келиб, ўзингиз учун қадрдан хоналарингизда истаганча ўтиришингиз мумкин», дедим.

Дадажониси, биз Сиз билан жуда ширин ҳаёт кечирдик. Баҳт-саодатга бурканиб яшадик. Мен сиздан фақат яхшилик кўрдим ва кўярпман ҳам. Вафотингиздан кейин ҳам хайру баракангиз узилмаяпти. Бу хайру барака, эзгуликларни аввало Роббимнинг фазли, қолаверса, бизга Сиз томондан гёв бир юпанч деб биляпман. Бир умр қилган меҳнатингиз маҳсулидан баҳраманд бўляпмиз. Илоҳо, энди жаннатларда ҳам бирга қилсин.

Энди ўзимдан гапирсам, бу муштипарингизнинг асосий иши дуо қилиш бўлиб қолди. Илгари тонг отиши билан Сизнинг хизматингизга бел боғлар эдим. Энди эса тонг отиши билан Роббимга юзланиб, Ўзига илтижо қиласман. Аввало Сизнинг ҳаққингизга, кейин Сизга тааллуқли барчанинг — фарзандларингиз, яқинларингиз, шогирдларингиз, дўсту ёрларингиз, барча-барчасининг ҳаққига номма-ном айтиб, дуо қиласман. Сиздан ўрганганим вирдларни ўқиб бўлгач, дуога қўл очаман. Сизни дуо қилишга интиққанимдан баъзан вирдларни тугатишга ошиқиб кетаман.


Биласизми, Ҳазратим, мен учун энг севимли дам қайси? Мен учун энг севимли дамлар сахардан то қёш чиққунча бўлган пайтдир. Чунки бу пайт Сиз учун ҳам севимли эди. Бу онни фанимат билишни, унинг барака соати эканини бизга Сиз ўргатган эдингиз.

Мен ҳар куни шу лаҳзаларни соғиниб уйғонаман. Шу дам кирди дегунча ибодатларимни адо этиб, тезда Сиз учун ажратган вазифамга киришаман. Вазифам эса ҳаққингизга узуундан-узоқ дуо қилиш, Сизни эслашдир. Мен учун эндилиқда энг суюкли иш шу. Бу вақтда Сиз кўз нурингизни тўкиб, ҳалқ учун илм таълиф қилгансиз. Энди эса мен айни шу вақтда ҳаққингизга дуо қиласман, қилган меҳнат ва хизматларингизнинг самараси қиёматга қадар давом этишини Аллоҳдан ёлвориб сўрайман. Мен бу вазифани бир кун ҳам бажармай қўя олмайман. Чунки кунимнинг мазмуни шу, ана шу онларда мен ўзимни чин маънода тирик ҳисоблайман. Зотан, менинг наздимда вафо мана шудир. Мен Сизга вафосизлик қила олмайман.

Эй воҳ, Ҳазратим! Қанчалар ҳам ажойиб инсонсиз?! Сизга тааллуқли ҳар бир сўз, ҳар бир иш ажойиб, мукаммал, ҳузурли, мазмунли!

Ҳай, тўхтанг, Ҳазратим, яна бир гап. Ўйлайманки, бу ҳолат нафақат мэнда, балки сизни таниган билган ҳар бир мусулмонда кечеётгани аниқ. Оҳ, нақадар баҳтлисиз! Бизга ҳам шундай баҳт насиб этсин!

Фотимахон ҳожиона Исмоил Маҳдум қизи



# Хаёлий сұхбат

«Ассалому алайкум, ақажон! Яхши мисиз? Биз яхшимиз, болалар ҳам яхши. Соглукми? Соглук ҳам жойида. Аввало Аллоҳнинг инояти, қолаверса, күпчилик мусулмонларнинг дуоси ила қон босими, қандлы диабет каби хасталиклардан қутудим, алжамдудиллах. Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг «Даволанинглар, чунки Аллоҳ қайси бир дардни берган бўлса, албатта, унинг давосини ҳам берган. Илло, биргина дард – қарилек мустасно», деган ҳадисларига мувофиқ, дардимга даво излаб, Ҳиндистонга борган эдим. Сиз меҳрибонимнинг каминанинг соглиги учун қилган куюнишларингиз, саъй-ҳаракатларингиз охири самара берди, қилган дуоларингиз рўёбга чиқди. Алжамдудиллах, даво топдим. Ишларми? Ишлар ўша-ўша, Сизга айтсан, ёмондан яхшироқ, яхшидан пастроқ. Сиз ҳақингизда хотира ёзиши умуман хаёлимга келмаган эди, аммо тақдир шу экан, мана, хотира ҳам ёзяпман. Ёзиши бунчалик қийин эканини тасаввур ҳам қилмаган эканман. Шунча китобни ёзиб қолдирган сизга раҳмат, дейман. Ёзганда ҳам энг чиройли, энг гўзал услубда ёзгансиз. Тасанно! Китобларингиз чиқиб турибди. Оз нусхада бўлса ҳам чоп қилингапти, шунисига ҳам шукр.

Эсонбой маҳдум бувани эслайсизми, «Бутун Булокбшининг хотинлари тўпланиб, менинг онамдек ўгил туга олмайди», дер эди. Аммо мен айтаманки, бутун диеримизнинг хотинлари йигилиб ҳам, бизнинг онамиз каби Сиздек етук алломани, буюк шахсни дунёга келтира олмаса керак. Ҳа, шундай. Ҳаммамиз бир бўлиб ҳам Сизнинг

ўрнингизни боса олмаяпмиз, бир ўзингиз кўтарган юкни кўтара олмаяпмиз. Сиз ёзганинг юздан бирини ҳам ёза олмаяпмиз, Сиз қилганинг мингдан бирини ҳам қила олмаяпмиз. Ёзганингизни ҳали ўқиб улгурганимиз ҳам йўқ. Ёзганингиз эса Сизнинга ўхшааш чиройли, мазмунли ва салмоқли чиқмаяпти. Кун сайин, дам сайин сизга ҳайратимиз ошиб, қадрингиз билиниб бормоқда. Сиз менинг ҳаётимдаги йўлчи юлдузим эдингиз, ҳали-ҳануз бу юлдузимнинг яқинига ета олмадим. Ета олмасам ҳам керак. Сиз бир зумда ҳал қилган масалаларнинг ечимини биз ҳафталаб топа олмаяпмиз. Нима қилайлик, йўл кўрсатинг. Сиз очиб берган йўлдан юряпмиз, қилган насиҳат, ўғитларингизга кўлдан келганча оғишмай амал қилмоқдамиз. Бироқ Аллоҳнинг бериши бошқа экан. Ҳамма ҳам Сиз каби бўлгиси келади, аммо ҳар ким ҳам бўла олмайди. Бизнинг Сиздек бўлишга кўзимиз етмаса ҳам, сизга ўхшашига уриниб ётибмиз. Аллоҳнинг Ўзи насиб этсин. Дарвоқе, «Олтин силсила»нинг олтинчи жузига руҳсат келди. Уни кўп кутган эдингиз. Алжамдудиллах, чоп этилиши арафасида. Кейинги жиллари ҳам тезроқ нашир бўлишини Аллоҳдан сўрамоқдамиз. Ўзингизга маълум, мен ҳар куни Сизнинг зиёратингиздаман, ҳақингиздаман. Ишларингизни давом эттириши шишиёқидаман, Аллоҳнинг Ўзи ёрдам этсин, нажот берсин, Ўзи қўлласин, омин!

Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф





# Акамни хотирлаб...

Мен учун акамиз  
Шайх Ҳазратларини  
эслаш доимо оғир  
кечади. У киши жуда  
ҳам меҳрибон ака  
эдилар. Қариндош-  
урӯғ, яқинларнинг  
ҳол-аҳволидан до-  
имо хабардор бўлиб  
турадилар. Агар  
узоқда бўлсалар, кичик  
акам Муҳаммад Амин-  
га қўнғироқ қилиб,  
яқинларимизни бир-  
бир сўрар эдилар. Агар  
қариндошлар ичида  
биортаси беморми ёки  
ёрдамга муҳтоҷ бўлиб  
қолган бўлса, дарҳол  
ёрдам берардилар.

Қариндошларга доимо силай раҳм қилиб турадилар. Болалик даврини эсга оладиган бўлсақ, биронтаси билан жанжаллашиб, урушиб, сўзишганларини эслай олмайман. Аслида ҳам ундан ҳолатлар бўлмаган. Жуда одобли бўлганлар. Мактабда аъло баҳоларга ўқиганлар. Спорт билан шуғулланишни ҳеч қачон канда қилмаганлар. Овқат танламас эдилар. Таомланиб бўлгач, таомни мақтаб, уни пиширган, тайёрлаганларнинг ҳаққига дуо қилиб қўярдилар.


У кишининг уст-бошлари ҳеч кир бўлмас эди. Биз – жигарларига жуда меҳрибон эдилар. Агар баъзан шўхлик қиласиган бўлсақ, тартибга чақирап, дарсларимизни тайёрлашда кўмак берар эдилар. Онамиз бирор жойга кетсалар, эҳтиёт қилиб олиб ўтирап, ҳатто таомлар тайёрлаб берар эдилар. Мабодо бемор бўлиб қолсақ, меҳрибонликлари ҳаддан зиёда бўлиб кетар эди. Ўқувчилик пайтларида пахта йифимтеримига чиқилганда, синфдошлари ичида энг кўп пахта терардилар.

Акамнинг синфдош қизларининг эслашларича, дарс тайёрлашда улардан ёрдамларини аямас эканлар. Ёрдам одатдагидек, тайёр уй вазифасини кўчириб олишдан иборат бўлмас, худди ўқитувчилар каби дарсни тушунтириб берар эканлар.

Вафотларидан сал аввал ўғлимнинг тўйини қилдик. Аллоҳга шукр, у кишининг дуоларини олиб қолган эканмиз. Акам бор, бағрим тўлиб юрар эканман. Фарзандларим ҳам шундай инсонга жиян бўлишганидан қувониб юришар эди. Уларнинг ҳар бирининг қалбидалар, ҳар бирининг у киши билан бўлган ўзларига хос хотиралари бор.

Акамдан кейин дунё ҳувиллаб қолди. Волиду волидамизни, акамни Аллоҳ раҳмат айласин. Аллоҳ таоло энди бизларни жаннатларда жам қилсин!

**Тожинисо Муҳаммад Юсуф қизи**




# Гўзал ўрнак

Биз Ҳазрат билан бир шаҳарда яшамаганмиз. Лекин қариндошлиқ алоқаси орқали боғланганимиздан буён у кишига бўлган ҳурматимиз, ихлосимиз жуда юксак бўлган. Отамиздан у кишининг оиласлари, отоналари ҳақида факат яхши гапларни эшитганмиз. Оталарининг динга хизматлари, тақволари, фарзанд тарбияси ва турмуш тарзларига доимо ҳурмат ва ҳавас билан қараб келганмиз. Ҳазрат ёшлик чоғларидаёқ салобатли, викорли бўлганлар. Бизнига меҳмон бўлиб келсалар, қайнотамиз шошиб, ўтқизишига жой топа олмай қолардилар. Кўнгилларини олишга, тансиқ егуликларни топиб келиб, меҳмон қилишга орзуманд эдилар. Биз аёллар рўпара келиб, сўрашиб олгунча хижолат бўлиб турардик.

Ҳозир у кишини хотирлар эканман, гўё ўзимни ҳар доим сухбатлашиб юргандек, йўл-йўриқларни ўзларидан эшитгандек ҳис қиляпман. Чунки ўша пайтларда ҳар бир соҳада, ҳар бир масалада Ҳазратнинг маслаҳатлари, ўгитлари билан яшаганмиз. Бу маслаҳату насиҳатларни кишининг китобларидан олганмиз.

Ҳазрат яшаб, ижод қилган давр ҳалқимизнинг диний ва дунёвий ҳаётида бир бурилиш, янгиланиш даври бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз. Авваллари диний ва дунёвий ҳаёт бўлинниб, ажralиб қолгандек эди. Ҳазратнинг ёзган китоблари орқали бу тушунчалар

лар бирлашиб, ҳар бир мусулмон қандай яшаш, қандай ибодат қилиш лозимлигини, амали билан қалбидаги тушунчалар ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда бўлиши кераклигини тушуниб олди. У киши қайси соҳада бўлмасин, мусулмон одам амал қилиши керак бўлган маълумотларнинг барчасини бизларга тушунарли тарзда, ҳалқиц суратда етказиб бердилар. Биргина мисол: ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг хизматида бўлиш кераклигини хар доим эшитиб келганмиз, қўлимиздан келганича бажаришга ҳаракат қилганмиз. Диний маълумотларда бу ишнинг фарз амал эканлигини, Аллоҳ розилигидан кейин ота-она розилиги туришини Ҳазратнинг таълимотларидан билиб олдик. Бошқа масалаларда ҳам, ҳар бир ишимизда, ҳаракатимизда шариатимиз кўрсатмаларини дастуруламал қилиб олсан, икки дунё саодатига этишимизни англашда Ҳазратимизнинг ваъз-насиҳатлари, таълимотлари алоҳида ўрин эгаллади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларини ўрганар эканмиз, Ҳазратнинг у зотнинг суннатларига мувофиқ яшаб ўтганларига гувоҳ бўламиз. Оиладаги аёлларга муносабатларида, фарзандларининг тарбиясида бу нарсалар айниқса яққол кўзга ташланади. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинган «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг неча йил хизматларида бўлган бўлсам, бирор марта бирор ишни



«Нима учун қилмадинг?» ёки бирор ишни «Нега бундай қилдинг?» деб койиганларини билмайман» деган ҳадисни аксариитимиз эшигтганмиз. Ҳазратимизнинг ҳам оиласда бирор кишини ёки фарзандларини қаттиқ койиганларини эшигтмаганмиз. Лекин шундай бўлсада, у кишининг фарзандлари ҳақиқий олим кишининг фарзандлари сифатида чин маънода ақлли, илмли, тақвадор, ҳар бир ишда масъулиятли, ваъдага вафодор, силаи раҳмда, одоб-ахлоқда, муомалада барчага ўрнак бўладиган инсонлар бўлиб етишиши.

Мен умримда бирор сатр қораламаганман. Лекин Ҳазратимиз ҳақларида одамларнинг ёзганларини ўқиб, халқнинг у кишига бўлган муҳаббатини кўриб, мен ҳам ўз хотираларимни ёзишга қарор қилдим. Шундай улуғ зот билан бизнинг орамизда қариндошлик ришталарини боғлаган Аллоҳ таолога ҳамдлар айтаман. Илоҳим, у зот билан бизни охиратда ҳам Ўзининг ришталари ила боғласин.

2015 йил 10 март... Шу куни келиним билан Намангандан Тошкентга қариндошларни зиёрат қилгани келган эдим. Кечки пайт ўғлим Оқилжон ва келинларим билан Ҳазратнинг хонадонларига йўл олдик. Одатда аввал волидай муҳтарамамизнинг зиёратларига ўтиб, кейин бошқа қариндошларнинг хонадонларига борар эдик. Бу сафар тўғри Хожи онанинг хонадонларига боришини режалаштиридик. Йўлга ҳозирлик кўраётганимизда нимагадир ўғлим бизни шошираверди. Етиб келганимизда Ҳазрат уйларидан чиқиб келаётган эканлар. Дарвоза олдида уларни машина кутиб турарди. У кишининг орқаларидан келинларим

спорт сумкаларини кўтариб, кузатиб чиқиши. Ҳазратимиз билан саломлашдик. Кўринишлари яхши, хатто биз билан ҳазиллашдилар ҳам. Сўнг машинага ўтириб, кетдилар. Биз ўшанда у кишини охирги марта кўриб турган эдик... У кишини кузатгач, уйга кирдик. Чамаси икки соатлардан кейин бир умрга етгулик қайғули хабар келди. Биз Ҳазратни охирги кўрган, гаплашганлардан бўлиб қолдик. Бу ҳодиса биз учун бир умр эсдан чиқмайдиган ноёб хотира бўлиб қолди.

У киши ёзган китоблардан мусулмон киши қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги мисраларни ўқир эканмиз, кўз олдимиизда Ҳазратимиз намоён бўладилар. Зоро, Ҳазратимизни Аллоҳ таолонинг Ўзи азиз килган. Улар туғилиб ўсган, улғайган оила мухитлари, умр йўлдошлари, фарзандлари, шогирдлари, муҳлислари билан уларни кувватлантирган. Мен Ҳазратимизнинг оиласарида у кишига бўлган хурмат-иззатни, яратилган шароитларни кўриб, ҳавасим келарди. Бу ишларнинг ҳаммасига хурматли Ҳожи онамизнинг саъи-ҳаракатлари, тинимсиз меҳнатлари эвазига эришилгани эътиборга лойиқдир. Мен ушбу мўътабар даргоҳда то қиёматгача Ҳазратимиз ёқиб кетган илм чироги ўчмаслигини, у кишига муносиб ўринбосарлар силсиласининг боғи узилмаслигини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

**Каримахон Исмоил маҳдум қизи**



# Саҳбаларга ўхшаган зот эдилар

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
**«Олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Олимлар анбиёларнинг меросхўрлариdir».**

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Мустақилликдан сўнг диний илмларни ўрганишга кенг имкониятлар яратилди, шунда диний илмларга чанқоқ бўлиб турган кўпчилик юртдошларимиз шоша-пиша фарзандларига узоқ йиллик мустабид тузумида анчайин узоқлашиб кетилган диний илмларни ўргатишга киришиб кетиб, дунёвий илмларга эътибор бермай қўйишиди. Ҳозиргидек эсимда, ўша пайтларда Ҳазрат: «Болалар мактаб дарсларини бўшаштиришмасин, инсон бошланғич ва ўрта таълимни, албатта, пухта эгаллаши керак», деб қаттиқ таъкидлар эдилар.

Ҳазрат мусулмон инсон ўзининг шахсий ҳаётида ҳам, жамият ҳаётида ҳам барчадан илғор, бошқаларга ўрнак, фаол, маданиятли, ғайратли, маърифатли бўлишини истар, орзу қиласар эдилар. У кишининг орзулари, қайғулари, шиорлари ҳалқнинг илм булоғидан баҳраманд бўлишига ва шу орқали Роббини, ўзлигини танишига ва динининг ҳақиқатини англашига эришиш эди.

Бирорта ўғил ёки қизчанинг илм олаётгани ҳақида хабар эшитсалар, уни шундай чиройли гаплар билан рағбатлантирар эдиларки, бу унинг ҳаётида бир умр эсидан чиқмайдиган из қолдираради.

Ҳижрий 1426 йил Мұхаррам ойидан (м. 2005 й.) бошлаб «Зикр аҳлидан сўранг» ойномаси чиқа бошлади. Мен ушбу рисолаларни батартиб йигиб борар эдим. Яқинда уларни ўқиб, қўздан кечира бошладим. Мендаги охирги сони 120 (х. 1432, м. 2012 йил) экан.

2000 га яқин савол-жавоблар...

Чуқур ўйга толаман...



Ҳазрат фақат эл-юрт қайғуси билан яшадилар. Кишилардан келган ҳар бир саволга, ҳатто жуда оддий, ноўрин саволларга ҳам ниҳоятда оғир-вазминлик билан, сабр билан жавоб берар эдилар. Баъзан бир хил савол бир неча маротаба тақорорланса ҳам, малол олмай, батафсил жавоб беришга ҳаракат қиласар эдилар. Бу баъзилар ўйлаганидек, осон иш эмас эди. Лекин, алҳамдулилаҳ, тинимсиз меҳнат, сабр, вақт талаб қиласиган бу саъӣ-ҳаракатлар ўз мевасини берди.

У киши одамларни гүё ўз фарзандлариdek яхши кўрар эдилар. «Фарзандлари» ҳамманинг боласидан яхши, илғор бўлишини орзу қиласар эдилар.

Гўёки қўлимиздан етаклаб, йиллар давомида бизни ўнқир-чўнқир, тор кўчаларда қадам босишга, бирма-бир сўзлашга ўргатиб, катта йўлнинг бошига етаклаб олиб келгандек, бундан бўён мустақил иш қилишга унданб, «Энди ўзинг юр», дегандек ҳис қилмоқдамиз...

Аллоҳ таоло раҳмли Зот. У бизни шундай инсон билан ҳамзамон қилиб, тўғри йўлни топиб олишимизни насиб этди. «Ҳазрат шундай дебдилар ёки ёзибдилар», дейилса, эшитган одамнинг қалбига маҳкам ўрнашиб қолар эди. Сабаб...?

Ушбу ривоятни ёдга оламан.

Бир киши боласини бир олимнинг ҳузурига бошлаб бориб: «Бўнга бир насиҳат қилиб қўйинг», дебди. Олим: «Қирқ кундан сўнг келинглар» дебди. Қирқ кундан сўнг келишса, олим болага: «Асал емагин, ўғлим», дебди. Шунда боланинг отаси: «Шу икки оғиз сўзни аввалги келганимизда айтсангиз бўларди-ку», дебди. Шунда олим: «Қирқ кун олдин мен ўзим асал ердим. Ўзим қилган иши фарзандингизга «Қилма», дейиш имумкинми? Сўзим таъсир қилиши учун қирқ кун асал емадим», деган экан.

Ҳазрат ҳам кишиларни қирқ кун эмас, қирқ йиллар мобайнида ўзлари амал қилиб келган ишларга буюрар,

ўзлари амал қилган ишларнигина ёзар эдилар. Зотан, «Ҳазрат ёшликларида қанақа бўлганлар? Ҳаётда қандай эдилар?» деб савол берадиганлар ҳар қадамда учраб туради.

Фаҳр эмас-ку, Ҳазрат ёшликларида ҳам покиза, нотўғри ишларга яқинлашмасдан ҳаёт кечиргандар. Биз аёллар орасида бир ибора бор. Кимнинг ўғлини ёки кўёвини мақтамоқчи бўлишса, «Саҳобаларга ўхшаган», деб қўйишади. Бу иборани айнан у кишига нисбатан ишлатилса, муболаға бўлмайди.

У киши дин масаласида муросасозликка асло йўл қўймасдилар. «Одамлар шариатга бўйсунади, шариат одамларга бўйсунмайди», дер эдилар.

Рамазонда рўза тутмай юрган кишини кўриб қолсалар, шарт юзларини буриб олгудек бўлар, ғазабланганлари юзларидан сезилар эди. Лекин ўз нафслари учун одамларга ғазаб қилмас эдилар.

Ҳазиллари ҳам рост гап асосида бўлар эди. Бизни кига меҳмонга келгандарида бирон ичимлик, таомни тутсак, шундай ёруғ юз билан қабул қилиб, уни ер эдиларки, уларнинг хурсандликларини кўрган мезбон дунёга сиғмай кетар эди.


Оилада катталар ҳузурида ўзларини тутишларини кўриб, ҳар сафар бир ҳайратланиб олар эдик. Қариндош аёлларга шундай эҳтиром кўрсатар эдиларки, шундай пайтларда беихтиёр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларини ёдга олардик.


Гоҳида орамизда йўқликларини эсласам, қайғу ва алам юрагимни эзади. Лекин тўлқин қайтишидек бир нурли оқим қалбимни лиммо-лим тўлдириб келади. Бу у киши қолдирган из, ёрқин хотира, улкан мероснинг одамлар қалбига кириб, унга руҳий тирикликни ато қилган Аллоҳнинг бизга неъмати, дегим келади.

**Махфузахон Исмоил Махдум қизи**



10








04/07/2005, 19:40







# «Барчамизнинг отамиз эдилар...»



## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ватандан бир неча йил йироқда яшаганимизнинг икматларидан бири акам икковимизнинг хорижда таҳсил олганимиз бўлди. Не баҳтки, биз отамиз ўқиган илм диёрида ўқиши тамомлашга муваффақ бўлдик. Биз учун иккинчи ватан бўлиб қолган Либия ҳақида, унда кечирган кунларимиз ҳақида алоҳида бир китоб таълиф қилса арзиди.

«Исломга даъват куллияси» фақат ажнабийлар учун ихтисослашган илм маскани эди. Бу ўқув масканига дунёнинг турли нуқталаридан толиби илмлар оиласиз, ёлғиз ўзлари ўқиш учун келган эдилар. Биз эса оиласиз билан, ота-она бағрида яшаб туриб ўқиш баҳтига мұяссар бўлдик. Ҳазратим билан бир неча йил давомида талабалар масканида талабалар билан бирга яшадик. Шунинг учун талабалар у кишини яхши танишар эди.

Улар: «Шайх ниҳоятда улуғ одам. У Аллоҳнинг йўлида юриди. Ҳар бир босган қадами савоб. Унинг

тариҳини эшитганмиз. Шу сабаб у кишига бўлган ҳурматимиз чексиз», дейишарди.

Ҳазратимиз спорт билан шуғулланишни ҳеч қаҷон канда қилмаганлар. Ўша пайтларда ҳам талабалар билан баскетбол ўйнардилар. Шунинг учун талабалар ҳазиллашиб: «Шайхга кўз тегмасин, машиаллоҳ! У кишининг ёшлирига етганимизда биз ҳассага суюниб қолсан керак», деб қўйишарди.

Мабодо талабалар билан тортишиб, хафалашиб қоладиган бўлсан, дарров ўртага тушиб, ислоҳ чораларини кўрардилар.

Ҳар куни ўқишдан қайтганимда, Ҳазратим мендан янгиликларни сўрардилар. Мен бўлган ишларнинг ҳаммасини бирма-бир гапириб берардим. Қувончли ҳодисалар бўлса, мендан ҳам кўпроқ суюндардилар. Баъзида ошиб-тошиб ўқишининг қийинлигидан, устозларнинг қаттиққўлигидан, талабаларнинг бъзи тасарруфларидан шикоят қиласиган бўлсан, тасалли берардилар, насиҳат қиласидилар. Эсласак, эслайдиган гаплар кўп...



Үтган йилги оғир жудолик муносабати или кўпгина собиқ талабалар таъзия мактубларини йўллашди. Уларнинг деярли барчасида Ҳазратимизни «Валидунашшайх», деб тилга олишган эди. Бу «Шайх отамиз» деганидир. Мен ўша пайтда бу атамадан ажабландим. Лекин оғир мусибат дардида ёниб турганим учун чуқурроқ ўйлай олмадим.

Мана, бир оз муддат ўтиб, хотира саҳифаларини варақлаш асносида бунинг маъносини тушуниб етгандек бўляпман.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида унutilmas қувончли дамлар бўлади. Мен учун шундай дамлардан бири ўқишини тамомлаб, шаҳодат олган кунимдир.

2000 йил июль ойи эди. Битирув кечамиз бўладиган кун. Битирув либоси қўлимда, уйдан шошиб чиқдим-да, учинчи қаватдан пастга тушаётib, зинадан юқорига кўтарилаётган Ҳазратимга йўлиқиб қолдим. У киши ўзларида табассум или йўлимни тўсиб, мени гапга тутдилар. Кутимаганда пешонамдан ўпдилар. Ҳазратим ҳаётим давомида жуда кам марта пешонамдан ўпгандар. Шунинг учунми, бундай онларнинг ҳар бири ёдимда муҳрланиб қолган. Мен шошаётганимни ҳам унутиб, туриб қолдим. У киши менга: «Роппа-роса йигирма йил олдин худди шу кунда мен ўқишини битириб, шаҳодат олгандим. Мана, йигирма йилдан кейин сен олиб турибсан. Ўша йили сен туғилган эдинг. Энди кап-кatta қиз бўлиб, мана, ўқишини ҳам битирдинг», дедилар.

Бу сўзлардан юрагим тоғдек кўтарилиб, ҳатто қадам босиб юраётганимни ҳам сезмай қолдим. Гўё осмонда учуб борардим...

Зал одамларга тўла, турли элчихонаю консулхоналардан меҳмонлар келган, устозу уламолар, таниқли кишилар ташриф буюрган. Ҳазратим ҳам ҳозир бўлиб, орқароқдан жой олдилар. Бошқа тала-

балардан кўра менинг имтиёзим, шундай қувончли кунда отамнинг ёнимда бўлишлари, ютуғимга шоҳид бўлишлари эди. Бошқалар эса бундай баҳтдан бенасиб эдилар. Ахир ҳамма ҳам бундай баҳтли онларнида оиласи, айниқса ота-онаси иштирок этишини хоҳлайди-ку. Мен дам-бадам орқага ўгирилиб, кўзларим ёниб, отажонимга қараб қўярдим.

Бизнинг гуруҳимиз энг катта гуруҳ эди. Одатда гуруҳлар олтмиш кишидан ташкил топган бўларди. Биз эса юз кишига яқин эдик. Бизнинг гуруҳ барокатли эди. Бу эса битириш дамларимизда яна бир бор намоён бўлди. Бизга бошқалардан кўра кўпроқ имтиёзлар насиб қилди. Ҳеч кимга очиб берилмаган зал битирув кечасидан бир ҳафта олдин биз учун очиб берилди ва безатиш ишлари ўз ихтиёrimизга топширилди.

Ҳар йилги талабалар эсадалиги оқ-қора рангда нашр қилинарди. Бу йилгиси рангли бўлиб чиқди ва бу хизмат акам Исмоилжон бошчилигига амалга ошиди. Акам ўша пайтларда ҳам кишиларга кўп хизматларни тақдим қилар, техника билан боғлиқ ишларда ҳозиқ эди.

Худди шу куни кечки пайт яна бир байрам уюштиридик. Бу байрам гуруҳимиз учун хос бўлиб, битиришимиз муносабати билан қилинаётган эди. Шу билан бирга, видолашув кечаси ҳам эди. Ушбу кечани уюштириш таклифи Ҳазратимдан чиққан бўлиб, унга ўзлари бош-қош бўлдилар. У киши: «Ҳаммани мен меҳмон қиласман», дедилар. Лекин ўзларининг кудумларини кутмаган эдик.

Биз талабалар зални тайёрлаб, ҳозирликлар кўрдик. Дастурхон тузадик. Акам ҳам мезбонлик ишлари билан машғул. Талабалар йиғилишди. Хурсандчилик сабаб шовқин-сурон авжида. Ҳамма олти йиллик меҳнат маҳсулидан ўзидан йўқ хурсанд. Кечамиз жуда файзли ўтмоқда эди.

Бир пайт кутилмаганда залга Ҳазратим кириб келдилар. Үзим ҳам ҳайрон қолдим. Мен талабалар шовқини, бебошлиги туфайли у кишидан хижолатда эдим. У кишининг ташрифлари ила мажлисимииз файзига файз қўшилди.

Кечак диний одатларимизга кўра Қуръони карим тиловати билан очилди. Талабалар раиси Мұхаммад Умар чиқиб, нутқ сўзлади, кўз ёш қилди. Кейин Ҳазратим сўзга чиқдилар.

Эх, аттанг!!! Нима учун бу чиқишларни суратга тушириб олмаган эканмиз?! У киши шундай чиройли хутба қилдиларки...

Сўзни табрик билан бошлаб, барчамизни бу қувончили муносабат билан қутладилар. Кейин ушбу илм даргоҳининг бошида турган, талабаларнинг таҳсил олишига сабабчи бўлган кишиларнинг барчасига ташаккур изҳор қилиб, уларнинг ҳақларида мақтov сўзлари айтдилар, хизматларини муносиб тақдирладилар. Шундан сўнг бизнинг гуруҳимиз ҳақида сўз айтдилар:

«Мен үзим бир неча йил аввал шу даргоҳда ўқиганман. Ўқиш даргоҳи ва талабалар ҳақида кўп мулоҳазаларга эгаман. Тўғриси, шу пайтгача сизларнинг гуруҳингизга ўхшаш гуруҳни кўрмадим. Мен сизларнинг бошқалардан ажраб турадиган хусусиятларингизни қисқа қилиб, асосий уч нарсада жамладим. Шулардан бири: сизларнинг ичингиздан «мумтоз» тақдирини олганлар кўп бўлди. («Мумтоз» – энг олий баҳо). Одатда ҳар гуруҳдан битта, иккита, боринг, энг кўпи билан учта мумтоз чиқарди. Сизлардан ўнта чиқди. Шу билан бирга, ичингизда ҳофизлар кўп. Иккинчиси: сизлар бир-бирларингиз билан жуда аҳил бўлдинглар. Аҳиллик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик яхшиликларнинг бошидир. Мен сизларнинг ўзаро бундай муносабатингиздан жуда қувондим. Учинчиси – орангизда опа-сингил толибала-римизнинг борлиги жуда катта ютуқ бўлди.

Кизларимиз хайр-баракадир. Улар сизларни яхшиликларга ундан турishi. Уларнинг бори баҳтдир. Улар ўз меҳрларини, меҳнатларини тақдим қилиб чарчашмади. Ҳаммангизнинг зафарларингизда уларнинг ўрни катта эканлигига ҳеч шубҳа йўқ».

Сўнг биз битирувчиларга насиҳатлар қилдилар:

«Биз дин ғами билан яшашимиз керак. Асосий мақсадимиз динга, элга хизмат бўлиши керак. Биз ҳаракат қилмасак, ким ҳаракат қиласди?», «Сизлар дин кишиларисиз. Одамлар динларини сизлардан оладилар. Улар сизларга эргашадилар. Агар сиз тўғри йўлдан юрмасангиз, улар ҳам сизнинг ортингиздан бориб, адашиб кетадилар. Шундай экан, уларга тўғри йўлни кўрсатувчи бўлинглар».

Баъзи бебош талабалар ҳам бу гаплардан кейин бошларини қўйи эгиб қолдилар. Залда сукут ҳукм сурарди. Ҳамма чуқур ўйга толди...

Бу хотиралар худди кино тасмасидек кўз олдидан ўтар экан, нима сабабдан Ҳазратимни «ота» дейишиганини англагандек бўлдим. Бизнинг кўзимизга кўпроқ ўзлари билан машғулдек кўринган отажоним ҳаммага ва ҳар бир нарсага эътиборли бўлганларини бугун англаб турибман. Сиртдан ҳадеб ташқи ишларга аралашавермайдиган одам бўлиб кўринганлари билан, Ҳазратим талабалар билан бирга яшаган эканлар. Уларнинг ҳолларидан хабардор эканлар. Бўлганда ҳам, яхшигина хабардор эканлар. Йўқса, юқорида зикр этилган учта нуқтани бу даражада нозик ерларигача баён қилиб бера олмасдилар. Таъбири жоиз бўлса, оталик ҳам қилган эканлар. Мен фақат менинг отам ёнимдалар, деб шодланганимда, у киши бошқаларни ҳам ўйлаган эканлар. Уларнинг шуурларини инобатга олиб, уларга ғамхўрлик қилган эканлар. Мехмон қилиб, бошларини силаган эканлар. Табрик ва тақдир ила кўнгилларини кўтарган эканлар. Оталарча насиҳатларини аямаган эканлар. Шу сабаб ҳамма у кишини «шайх отамиз» дейишиш экан. Мен ёш бўлганимданми, буларнинг мағзини чақмаган эканман. Кунда бўлган ишларни ёш бир қизчанинг тилидан эшитиб юриб, керакли хуносаларни олиб ултурган эканлар. Яна мен билмаган, эшитмаган ва кўрмаган нарса қанча.

Бугунги кунда курсдошларимизнинг кўплари катта олим, таниқли кишилар бўлиб кетиши. Бу гуруҳга Ҳазратимизнинг назарлари тушган эди. Анча йиллар ўтганига, орадаги масофалар узоқлигига қарамай, юракка мадор бўладиган таъзияларни изҳор қилишди. Кўнгилга тасалли берадиган мактубларни ёзиб, ҳолимиздан хабардор бўлиб туришибди.

Ҳазратимизнинг бирор билган ва билмаган хусусиятлари ҳали бисёр. Дунёга эзгулик уруфини сепиб кетган бу улуғ зотни Аллоҳ раҳмат айласин. Сонисаноқсиз кишиларнинг қалбидан жой олган мушфиқ Устозимизни Аллоҳ Ўз муҳаббати билан сийласин.

Ҳазратимизни ва у кишига ўхшаш олимларни етиштирган, Исломга беҳисоб хизматларини тақдим этган Либия улуғларидан ўтганларини Аллоҳ раҳмат айласин, амали солиҳларини ўзларига ҳамроҳ қилсин. Қолганларини саломатчиликда, офииятда қилсин. Бу азиз диёрга тинчликни қайтарсан! Омин.

*Одинахон Мұхаммад Содик*

# Ҳазратнинг кўз қувончлари

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши ансорийлардан бир аёлни күёвникига тушиб олиб бордилар. Шунда Аллоҳнинг Набийи соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Оиша, кўнгилхушлик бўлдими? Чунки ансорийларга кўнгилхушлик қилиш ёқади», дедилар».

Бошқа ривоятда: «Чилдирма чалиб, қўшиқ айтадиган қиз ҳам юбордингларми?» деганлар.

Оиша онамиз: «У қиз нима деб айтади, эй Аллоҳнинг Расули?» деганлар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биздаги «ёр-ёр»га ўхшаш байтларни айтганлар».

Ушбу ҳадисни ҳар сафар ўқиганимда, кўз олдимда Ҳазратим гавдаланадилар. Ҳар доим тўй маросимлари, саёҳатлардан қайтишимиз билан мени олдиларига чақириб, нималар бўлганини сўрар, мен эса у ерда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни айтиб берар эдим. Агар хурсанд бўлиб қайтган бўлсақ, у киши ҳам хурсанд бўлар, агар кўнглимиз тўлмаган болса-ю, мен нолиб, шикоят қиласидиган бўлсам: "Чатоқ бўлибди-да", дея бизга қўшилиб ғамгин бўлиб қолар эдилар.

Зиёратларига келганимизда биз билан алоҳида сухбат қурадар эдилар. Икир-чикир нарсаларгача эринмай сўрардилар. Гапларим қай мавзуда бўлмасин, эътибор билан қулоқ солар, бирор фикр-мулоҳаза билдирадиган бўлсам, «Оминахон ундоқ деди, бундоқ деди», деб анчагача айтиб юрадилар.

Ҳазратим муфтий бўлган пайтларида жажигина қизалоқ эдим. Одина опамдан кейин анча йил ўтиб туғилганим, оиланинг кенжаси бўлганим сабаб, мен билан ёшимга яраша муомалада бўлар, мени кўришлари билан кулиб, эркалаторар эдилар... Ҳожи она эса буларнинг барчасига Собирахон бувимга ўхшаганим учун: «Қўйиб қўйгандек ойимларга ўхшайсан-а», деб эркалаторар, "Оналарига ўхшаганинг учун сени бошқача яхши кўрадилар, сени кўрсалар, хурсанд бўлиб кетадилар", дер эдилар.

Акам билан опам мендан анча катта бўлгани, Ҳазратнинг ишларига анчагина дастёр бўлиб қолгани учун уларга жиддий муносабатда бўлар, буюрган вазифаларига нисбатан талабчан эдилар. Акам билан опам ҳам Ҳазратимизга «Дада» эмас, «Ҳазрат» деб мурожаат қилишарди. Ҳузурларида қўл қовуштириб, ҳаяжон билан туришарди. Аммо мен дадажонимнинг эркалари, кенжатойлари, кўз қувончлари эдим.

Онамнинг айтишларича, дадажоним қиз болани барақа дер эканлар. Оилада биз – қизлар туғилганимизда жуда хурсанд бўлган эканлар. Мен туғилганимдан кейинги ишларни мулоҳаза қилиб, «Оминахоннинг қадами кутлуғ келди. У туғилгандан кейин бизга улуғ сафар насиб қилди. Мўътабар ерларда яшадик. Акаси, опаси илм олишди. «Тафсири ҳилол» ва «Ҳадис ва ҳаёт» китоблари ёзилди», дер эканлар.

Тўйимга тараффуд кўрилаётган кунларда, тўй кунлари, ҳадялар, йўқловлар келганида ҳам: «Аллоҳнинг фазли, қолаверса, қизимнинг баракотидан», деб қўярдилар.

Хоҳ бирор юмуш бўлсин, хоҳ ўқиш ёки имтиҳон бўлсин, ҳеч бир ишни Ҳазратимдан дуо олмай бошламас эдим. Аллоҳ таолонинг инояти билан дуолари қабул бўлар, ишларимнинг ҳаммаси ўнгидан келар эди.

Бирор нарсадан хафа бўлиб, йиғласам, йиғлашимни тақлид қилиб ўзимга кўрсатиб берар эдилар.

Зиёратларига аёллар келишса (одатда аёллар билан кўришмас эдилар), уйдагилар буни Ҳазратга айтишни сансолар қилишиб, охири "Сенга хўп дейдилар" деб, бу «масъулиятли» ишни менга юклашар эди.

Қабул кунлари эрталабдан қабулхоналарини тозалашга тушиб кетардим. Баъзан қабул вақти тугагач, баъзан эса маросимлардан қайтгач, мени секингнига ёнларига чақириб, ёнларидан пул олиб, "Мана бу сенга", деб узатардилар, хурсанд бўлганимни кўриб, ўзлари ҳам менга қўшилиб хурсанд бўлиб кулар эдилар.

Куёвлари билан хорижга саёҳатга кетаётганимизда хайрлашиб, дуо олиш учун бордик. Ёлғиз иккимиз кетаётганимиз, у шаҳарга биринчи марта бораётганимиз учун бизга йўл-йўриқ кўрсатиб, тушунтиридилар: "Самолётдан тушгач, аэропортда одамларнинг кўпчилиги қайси тарафга юрса, уларга қўшилиб ўша тарафга юраверинглар. Кўп юриб чарчасанглар, айниқса сиз, Раҳматулло, энди касалдан тузалдингиз, эскалаторли йўлаклар бор. Ўша йўлга ўтиб олинглар, қийналмай кетаверасизлар. Кейин паспорт назоратига борасизлар, компььютерда текшириб, ўтказиб юборишади. У ёғига ўзлари сизларни топиб олишади..."

Ҳазрат ҳамма нарсани ўйлаб турардилар. Ўшанда биринчи бор ёлғиз сафар қилаётганимиз учун адашиб, қийналиб юришмасин деб, ҳамма нарсани жуда осон қилиб тушунтириб берган эдилар.

Ливияда ўқиб юрган кезларим кунда-кун ора телефон қилиб, хол-аҳволимни, ўқишларимни сўраб турар эдилар. Турмушга чиққанимдан кейин ҳам бу одатларини тарк этмадилар. Айниқса, набиралари туғилгандан кейин ҳар куни хабар олишни канда қилмас эдилар. Доимо биринчи бўлиб набиралари ҳақида сўрардилар. Ҳазрат уни Муҳаммад Саид деб исмини айтмас, туғилиши биланоқ "Бабақ", деб эркалардилар. Ҳатто вафот этадиган кунлари ҳам эрталаб қўнғироқ қилган эдилар. Мен вақтида жавоб қила олмаган эдим ва бу мен учун афсус бўлиб қолди.

Дадажоним, бу мусибат Аллоҳнинг иродаси, буни инкор қилмайман. Бироқ сизга тўймадим, вафот этганингизга ҳали ҳам ишонгим келмайди. Лекин Аллоҳимдан тинимсиз илтижо қиламан, охиратда сиз билан бирга бўлиб, дийдорингизга тўйишини насиб этсин.

Оминахон Муҳаммад Юсуф

# ЭНГ БАХТЛИ КЕЛИН

Марҳумларни, ўтган воқеа-ҳодисаларни эслаш, хотирлаш – Аллоҳ берган ажойиб неъмат. У шунчалар кенг ва тубсиз уммонки, кирган саринг кириб кетаверасан ичига, шүнгиган саринг шүнгигиб кетаверасан тубига.

Хотира асносида кўплаб ҳикматлар аён бўлади, тадаббур ҳосил бўлади, неъматлар эътироф этилади. Ёдга олинаётган кишининг қадри билинади, уни соғинасан, унга муҳаббатинг ортади.

Хотиранинг ёмонлиги ўша дамларнинг ёки ўша кишиларнинг ортга қайтмаслигидир.

Наҳот энди хотирага айланган бўлсангиз, дадажон?

Энди излаб, изларингизни топа олмайманми? Энди хизматингизни қила олмайманми? Бирор марта бўлса ҳам чой дамлаб бера олмайманми? Либосларингизга қарай олмайманми? Кутубхонангизнинг чироғи энди ёнмайдими?

Ҳар тонг оҳиста қадам ташлаб, иш маконингиз сари йўл олардингз. Бирор юмуш билан ҳузурингизга чиқиб қолсам, қўлларингизни очиб, узундан-узоқ дуо қилаётган бўлардингиз. Энди бу ҳолатни қайта кўра олмайманми?



Мусибат кунлари уйдагиларга күзёшларимни күрсатгаслик учун чекка-чеккаларда яшириниб, йынграб юрдим. Бу ҳолат анчагача давом этди. Мана, бир йил ўтиби ҳамки, ҳали-хануз сиз ҳақингиздаги сұхбатларимиз тұхтамайди. Ҳар лаҳзада сизни эслаймиз. Сизни соғинганмиз.

Куръони Карим инсон зотини жохил, күфрони неъмат қилювчи ва ўзига ўзи зулм қилювчи деб васфлагандек, биз бандалар ҳам қўп нарсадан жохил қоламиз. Неъматнинг қадрини билмаймиз. Нотўғри тасарруфларимиз билан ўзимизга ўзимиз зулм қилиб қўямиз.

Энди-энди ўйлаган сарим ўзим ҳайратда қоляпман. Ёш бўлганим, аёллигимга борганим сабаб қўп нарсаларни чукурроқ англамаган эканман.

Бу хонадонга келин бўлиб келганим катта ҳикматга эга бўлган экан. Чунки бу оила оддий оила эмасди. Мен оддий хонадонга келин бўлмаган эдим. Бу инсонлар оддий инсонлар эмасди. Мен ғурбатда, ватандан йироқда, Аллоҳнинг йўлида юрган оиласа келин бўлиб боргандим. Улар билан ҳайрли умрни бирга кечиришга шерик бўлгандим. Аллоҳ йўлида жонини, умрини фидо этган инсонларга ҳамхона бўлгандим.

Бизнинг тўй Туркияда бўлиб ўтди. Одамлар ўз ўлчовлари билан «тўйни фалончи кўрмади», «тўйда фалон иш бўлмади», дейишлари мумкин. Лекин мен илоҳий ўлчов билан айтаманки, мен кўрганларни унча-бунча одамлар кўрмаган. Мен энг яхши замонда ва энг яхши маконда келин бўлганман. Мана шу босган қадамларим учун Аллоҳ таоло мени ўзим ўйлагандан ҳам афзал натижалар билан тақдирлади.

Либияга борганимиздан кейин яна тўй қилинди. Бу тўйни либияликларнинг ўzlари уюштиришда, ўzlари мезбон бўлишиди. Майдонларда узундан-узун капалар қурилди. Ҳозир бўлмаган киши колмади. Ислом жамиятининг бошлиғидан тортиб, устозлару толиблар... Муҳими, барчаси илм хизматида, дин хизматида юрганлар эди. Бундай иззат каерда бор? Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ сизни азиз қилганидан эди, дадажон.

Мен баҳт тўйи мана шундай тарзда ўтган ҳақиқий саодатманд келинман, дадажон.

Ватанга қайтиб, янги манзилимизга қўчиб кирганимизда, кўл очиб: «Илоҳо, шу янги масканимиз илмга, динга, барча эзгуликларга хизмат қилсин», деб дуо килдингиз. Бундай дуони энди эшитишим эди. Сизгача бирорта инсоннинг бундай дуо қилганини кўрмагандим. Сиздан кейин ушбу дуо ҳам урфга кирди.

Дадажоним, мен ушбу хонадонга келин бўлган кунимдан бўён сизни илмга, ижодга, дин хизматига ҳарис бўлган ҳолда кўрдим. Сизни доимо тартибли, режали ҳолда кўрдим. Ўн беш йил шу уйда бирга яшаган бўлсақ, эшигимиздан шоҳ ҳам, гадо ҳам, ёш ҳам, кари ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам, бой ҳам, ночор ҳам кириб келганига гувоҳ бўлдим. Дунёда нимаики яхши нарса бўлса, деярли ҳаммасини кўрдим, ҳар қандай неъматни, ҳар қандай баракотни кўрдим.

Сиз туфайли биз ҳайрли умр кечирдик. Масканимиз сиз дуо қилиб сўраганингиздек, қўп яхшиликларга хизмат қилди. Манзилимиз уйдан кўра кўпроқ ишхонага ўхшар эди. Кунда

қабуллар, дарслар бўларди. Ҳар тоифадаги, турли мансабдаги инсонлар меҳмонингиз бўлди. Кунда бир қанча маросимларга, учрашувларга кузатардик сизни. Ҳар куни жиҳозда ишлаб, китоблар таълиф килардингиз, мақолалар битардингиз, сон-саноқсиз мусулмонларнинг саволларига жавоблар, фатволар берардингиз. Авваллари китобларнинг техник ишлари ҳам уйда бўларди. Ундан ташқари, сиз онажонимга юклаган вазифалар, аёлларни қабул қилиш, инсонларга ғамхўрлик қилиш каби бир қанча ҳайрли ишлар шу хонадонда, сизнинг назоратингиз остида амалга ошириларди.

Баъзида кўшимча ибодат ва ўқиши учун ортина олмаётганимиздан шикоят қилсан, онажоним: «Дадангизнинг хизматлари ҳам ибодат, айни дин хизмати, қизим», дер эдилар. Эрталаб соат 9 да ёрдамчингиз Фозилжон ҳозир бўлиб, ўша заҳотиёқ бизга кун режасини маълум қилар эдилар. Ниҳоятда қўп ишларни амалга оширсангиз ҳам, ҳаммасини тартибга солиб қўярдингиз. Шу сабаб биз ортиқча қийналмасдик.

Нонушта пайтида қимматли сұхбатларингиздан баҳраманд бўлардик. Ўзимиз учун кўп фойда олардик. Қизиқарли маълумотлар билан танишардик. Насиҳатларингиздан баҳраманд бўлардик.

Инсончилик, баъзида ўзимни ожиз ҳис этганимда сизни кўриб, руҳим озуқалана эди. Шаҳдам юришларингизни кўриб, тетиклашиб қолардим. Хизматингизни қилган сарим кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилар эди.

Қани энди бу нарсаларнинг заррасини топа олсак.

Ҳозир ана шу мазмунли ҳаётни қўмсаб яшамоқдаман. Биз сизнинг дорилғунунингизда таҳсил олиб, тарбияландик. Онажоним ва турмуш ўртогим билан сиз юрган йўлдан юриб, сиз кечиргандек ҳаёт кечиришни, ишларингизни давом эттиришни насиб қилсан Роббим.

Сизнинг хотирангизни ранг-баранг камалакка ўхшатман, дадажон. Инсон камалакка назар солиб, завқланганидек, мен ҳам сизни эслаб, завқ оламан. Соғинч шиддатлашганида қизарган қуёшдек бўлиб кетаман гүё. Соғинчдан тўккан кўзёшларимни ёмғир томчиларига қиёс қиламан.

Ҳар банданинг қусури бор. Хизматларингизни адо этишида қилган ҳатоларимиздан рози бўлинг, дадажон. Сиз сабаб мен жуда чиройли ҳаётни кўрдим. Менга ҳавас қилганларнинг саноғи йўқлигини ўзим ҳам биламан. Мен сиздек улуғ инсонга келин бўлган энг баҳтли келинман. Бунинг учун умримнинг охирига қадар Аллоҳга ҳамду шукроналар қиламан.

Аллоҳим, дадажонимни раҳмат қилгин. Бу дунёда Ўзингнинг розилигингни истаб жуда қўп меҳнат қилдилар, охиратда у кишини энг олий мақомларинг билан сийлагин. Биз ожиз бандалар у кишига муҳаббат қилганимиз, таълимларини олганмиз, оз бўлса-да, хизматларида бўлдик, Илоҳо, шу Олимнинг шафоатларидан насибадор қилгин бизни.

Шундай ажойиб зотга келин бўлиб, у киши билан бир хонадонда энг ҳайрли умрни кечириш насиб қилди, бунинг шукрини адо этишимга Ўзинг муваффак қилгин!

# ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

## **Бисмиллахир роҳманир роҳийм**

Аллоҳ таолога ҳамду сано, Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруди салом бўлсин.

Парвардигори олам бизларга икки дунё саодатига эришишимиз учун пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлмиш раббоний олимларни ҳаёт йўлимизда мисоли йўлчи юлдуз каби қилиб қўйган.

Шукрим, ҳозирги кунгача юртимиздан нечанечча олиму уламолар, фозилу фузалолар, муфасир ва мухадис олимлар етишиб чиқди. Ҳусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Форобий, Насафий каби буюк аждодларимиз қолдирган мерос бизнинг бойлигимиз, келгуси авлодларга ҳам қолдирдиган буюк хазинамиздир. Мусаффо динимизни, унинг қадриятларини ҳалқимизга етказишда мазкур буюк уламоларнинг хизматлари бекёёс. Улар ҳар қанча эъзозу ҳурматга, эътиборга лойиқ инсонлардир. Уларни қадрлаш динимизни қадрлаш демакдир, уларни қадрлаш Аллоҳ таоло яратган маҳлуқлари ичida инсонни илм билан афзал қилиб қўйган бандалирини улуғлаш демакдир.

Ўтган ҳар бир кунимиз хотирага айланиб бормоқда. Мана, Пайғамбарларнинг меросхўрларидан бири, ватанимиз, динимиз равнақи йўлида жуда кўп хизматлар қилган, мусулмонларга соғ Ислом



динини, унинг бағрикенглик дини эканлигини яна бир бор англатган, Аллоҳ таолонинг буйруқларига ва Унинг Расули Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига тўғри амал қилиш борасида ҳалқимизга энг тўғри йўлни кўрсатиб берган, ўзининг юзлаб китоблари билан тарих саҳифаларининг зарваракларидан муносиб ўрин эгаллаган шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф ҳазратларининг бу фоний дунёдан абадий дунёга риҳлат қилганларига ҳам бир йилча бўлди.

Аввал Бухородаги Мир Араб мадрасасида, сўнгра Тошкент Ислом институтида тахсил олган, 1976-1980 йилларда Ливиядаги «Даъвату исломия» дорилфунунини аъло баҳолар билан тамомлаган Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф диний идоранинг Халқаро алоқалар бўлимига катта таржимон бўлиб ишга кирдилар. Кейин Тошкент Ислом институтида мударрис, проректор, ректор вазифаларида хизмат қилдилар. 1989-1993 йилларда Диний идора раиси, муфтий лавозимида фаолият олиб бордилар.

Мен Шайх ҳазратлари билан 1980 йилдан то 1993 йилга қадар Диний идорада (аввал «Ўрта Осиё ва Козофистон мусулмонлари диний назорати» деб номланган) бирга ишлаганман. Бу ерга ишга келган вақтларимда идора раиси, муфтий Зиёвуддин Бобохонов, Шайх Юсуфхон Шокиров,

Шайх Абдуғани Абдуллаев, Отакул Мавлонқулов, Абдулла Исмоилов, Мухторжон Абдуллаев, Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф, Шайх Абдулла-зиз Мансуров, Зоҳиджон Қодиров каби олимлар иш фаолиятларида ўз қўллари билан ёзган қўлёзмаларни нусха кўчиришим учун менга беришар эди. Мен уларни машинкада кўчириб ёзардим. Матнни ёзаётган пайтимда худди ўзларини кўриб тургандек, уларнинг сиймолари кўз олдимда на-моён бўлар эди. Ҳозирги кунда эса техника шу даражада ривожланиб кетдики, хоҳ олим бўлсин, хоҳ шогирд ёки талаба бўлсин, хоҳ мактаб ёки коллеж ўқувчиси бўлсин, ҳамма компьютерда ёзиши, ун-дан фойдаланишини билади, қалам-ручка ёрдамида қўлда ёзиш аста-секин йўқолиб боряпти. Компьютерда ёзилган матндан унинг эгаси кимлигини, у олимми ёки ёзувчими ёки мактаб ўқувчисими, хуллас, ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Ҳар қандай матн қўлда, сиёҳ ёрдамида ёзилган пайтларда қў-лёзмани кўришингиз билан, худди бир фотосуратга кўзингиз тушганда суратдаги одамнинг кимлиги ёдинингизга тушгани каби, кўз олдингизда қўлёзма эгаси гавдаланар, гўёки бу ёзувлар сизга ўша одам ҳақида сўзлаётгандек бўлар эди.

Ўша пайтларда Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазраттарининг «Тафсири Ҳилол» номли китобларининг маълум бир жузларини қў-лёзмадан оқقا кўчириш менга ҳам насиб этган эди. Ҳозир ҳам бундан бир неча йил муқаддам мен билан бирга ишлаган одамларнинг қўлёзмаларини, ҳатто у араб ёзувида ёзилган бўлса ҳам, бошқа қў-лёзмалар ичидан бемалол ажратса олишим мумкин.

Ҳазратдаги бир қанча фазилатлар Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи вассалламдаги улуғ хислатларга ўхшаш эди. Уларни таниган, у киши билан сұхбатлашган ҳар бир одамда бошқалардан кўра мени кўпроқ ҳурмат қиласалар керак, мени кўпроқ яхши кўрсалар керак, деган фикр пайдо бўларди. Ҳазратдаги виқорни, салобатни у кишининг ўз илмларига оғишмай амал қилишларидан, тақволари кучлилигидан деб билардим. У зотнинг камтарликлари, билимларининг теранлиги, араб тилини ва шаръий илмларни жуда яхши билишлари сабабли у зотга бўлган ҳурматим ниҳоятда баланд эди. Иш столларидаги, қўлёзмалардаги, ҳар хил ҳужжатлардаги, умуман, ҳар бир соҳадаги тартибга риоя қилишлари алоҳида эътиборга лойик эди. Яқинда ҳам архив ҳужжатларини тартибга сола туриб, Ҳазратга тегишли папкани очдим. Ишга кириш учун ёзилган аризадан тортиб, ҳар


хил маълумотномалар-у, ишдан бўшаш ҳақидаги аризаларигача – ҳаммаси тартиб билан сақланган экан. Ногаҳон кўзларимга ёш келди...

Вақт ғилдираги шиддат билан айланмоқда. Со-ниялар ортидан дақиқалар, дақиқалар ортидан соатлар, соатлар ортидан кунлар ўтиб борар экан, бу дунё ўткинчилигини, ўткинчи дунёнинг ҳар бир соатидан, ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб қолиш зарурлигини кундан-кунга чуқурроқ ҳис қилиб борамиз. Аллоҳ таоло ҳар бир инсон учун ўзи қодир бўлган нарсага эга бўлиши учун имконият эшикларини кенг очиб қўйган. Лекин бу имкониятдан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Вақт шиддат билан ўтиб бораётган шундай замонда шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазратла-ри асрларга татигулик ишларни қилиб яшаб ўтдилар. У киши бутун умрлари давомида дин, жамият ва мусулмонлар хизматида бўлдилар, ўзлари учун эмас, мусулмон халқи учун яшаб ўтдилар.

Вафотларидан сўнг «Ҳадис ва Ҳаёт» мажмуа-сига кирган китобларидан бирини қўлимга олдим. Үндаги кириш сўзларини ўқий бошладим. Гўё Ҳаз-рат вафот этмаганлар-у, бизларга тирик ҳолла-рида мурожаат, насиҳат ва ваъз-иршод қилаёт-гандек эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан ривоят килинган ҳадисда: «Олимлар тириқдирлар, гарчи улар вафот этган бўлсалар ҳам. Жоҳиллар гўё ўлиқдирлар, улар тирик бўл-салар ҳам», дейилган. Яна бир ҳадисда эса у зот соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Кимки вафот этса, унинг мероси қалам ва қофоз бўлса, у албат-та жаннатга киради», дея марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти). Демак, олимлар ўз ёзган асарлари билан инсонлар қалбида абадий қолар экан. Дарҳақиқат, устозимиз Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазратлари ўзлари қолдирган бой илмий, диний-маърифий мерослари билан мусул-монлар қалбида абадий яшайдилар. Бизларга эса бу хазинани асраб-авайлашни, ўқиб-ўрганишни, фарзандларимизга ҳам улардан унумли фойда-ланишлари учун маслаҳат бериб боришимизни Аллоҳ таоло насиб этсин.

Ҳабибимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ўзлари Устозимизни жаннат фариш-талари билан кутиб олган бўлсинлар. Аллоҳ тао-ло у кишини ўз раҳмати билан ўраб, жойларини Фирдавс жаннатларидан қилишини дуоларимизда сўраб қоламиз. Омин.

*Зарифа Маҳкам қизи*



# УЛУҒ баҳт

**К**асбим тақозоси билан кимдир ёзган матндан хато излайман, Аллоҳ қодир қилганича, билиммим етганича уларни түғрилашга, ғализ жумлалар учраса, уларни ўқувчига тушунарлы қилиб ўзгартиришга ҳаракат қиласаман. Лекин бу сафар ўзим ҳам ёзмоқчиман. Ёзганда ҳам, замона-мизнинг буюк уламоси ҳақида, Ислом байробини соғ-саломат асраб, кейинги авлодга етказиб бериш йўлида жонини фидо этган инсон – Шайх ҳазратлари ҳақида ёзмоқчиман. Эҳтимол, бошқалар каби мен ҳам хато қиласман. Эҳтимол, менинг бу ёзганларимни ҳам қайсиdir муҳаррир ўқиб, каттами-кичик хато топар. Лекин бугун Аллоҳ менга насиб қилган бу имконият ҳаммага ҳам насиб эта-вермайдиган баҳт эканини мулоҳаза қилиб, қофоз қоралашга қарор қилдим. Одинахон Муҳаммад Со-диқнинг «Шайх ҳазратларининг муҳаррири сифатида Барно опа ҳам хотираларини ёзиз берсингилар», деган илтимосларининг ўзи ҳам мен учун катта баҳтдир. Баҳтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир баҳтни бойлиқда деб билса, кимдир яхши оила, солиҳ фарзандларда деб билади.

Кимдир баҳтни соғлик-саломатликда деб билса, яна кимдир уни олий мартабалардан, бошқа бир неъматлардан излайди. Аслида-чи?...

Аслида мусулмон бўлиб дунёга келганимизнинг ўзи баҳт эмасми? Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари эканимизнинг ўзи баҳт эмасми? Аллоҳ таоло ҳар бир замонда бандалари ичидан буюк инсонларни, пайғамбарларнинг вориси бўлган уламоларни чиқариб қўйиши ҳам биз инсонлар учун баҳт эмасми? Шуларнинг ўзи яхши оила қуриб, солиҳ фарзандларни тарбиялаб, ҳалол, соғ-саломат яшаб, гўзал мартабаларга эришишнинг, баҳтли ҳаёт кечиришнинг асослари, омиллари эмасми? Шу маънода мен ўзимни чинакам баҳтли инсон дея оламан. Чунки Аллоҳ таоло мени ажойиб инсонлардан – мусулмон ота-онадан (Аллоҳ уларни Ўз раҳматига олсин) мусулмон қилиб дунёга келтирди, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан қилди, Шайх ҳазратларидек буюк олимга замондош бўлиш баҳтини насиб этди. Аслида шунча неъматнинг ҳам шукрини адо қилиш амримаҳол эди, аммо У Зот менга ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган улуғ баҳтни – ана шундай инсон ёзган китобларнинг муҳаррири сифатида фаолият олиб боришни насиб этди.

Бугунгидек эсимда, 2009 йилнинг март ойи эди. Бир куни турмуш ўртоғим Озод Мунаввар «Ҳадис ва Ҳаёт» мажмусининг бир жузини кўтариб келдилар-да, дабдурустдан: «Қизил сиёҳ билан хатоларини белгилаб чиқ. Қайта нашрга тайёрлаш керак. Шошилинчда баъзи хатолар ўтиб кетган экан», – дедилар. Бу мен учун мутлақо кутилмаган ҳолат эди. «Ахир бу диний китоб бўлса, мен бу соҳада бирорларнинг хатосини тўғрилайдиган даражада билимга эга бўлмасам. Яна кимсан, Ҳазратдек олманинг китобларидан қандай хато топиш имкони? Ўзим тушунмайдиган жумлалар чиқиб қолса-чи?...» У киши: «Бизга айнан шу керак. Сен оддий ўқувчи сифатида ўқиб, ўзинг учун тушунарсиз, ғализ туюлган жумлаларнинг тагига чизиб қўясан, биз Ҳазрат билан бирга ўтириб, ўша жумлаларни қайтадан тузиб, камчиликларини тўғрилаб чиқар эканмиз. Сенинг ишинг фақат хатони тўғрилаш эмас, оддий халқнинг вакили сифатида ўз фикрингни билдиришинг ҳам керак», – дедилар қатъий оҳангда.

Тўғри, авваллари Ҳазратнинг бир нечта китобларини ўқиганман, улардан ўзим учун жуда кўп

зарур маълумотларни олганман. Лекин бу сафар менга бошқача кўз билан, бошқача мақсад, бошқача ният билан ўқиш масъулияти юкланаётган эди. Хуллас, Аллоҳдан кўмак сўраб, ишга киришдим...

Китобнинг ярмига етганимда турмуш ўртоғим уни Ҳазратга кўрсатиш учун олиб кетдилар. Кечки пайт хурсанд бўлиб келиб, «Ҳазрат: «Ҳамма таклифларига қўшиламан, давом этаверсинглар», дедилар. Энди бир иш икки иш бўлмаслиги учун қолган китобларни компьютерда тўғрилайверасан», дедилар. Ўзим учун тушунарсизроқ бўлган жумлаларни қизил ранг билан белгилаб, ёнига учта сўроқ белгиси қўйиб кетишга, ғализроқ туюлган жумлаларни қизил билан бўяб, ёнига яшил рангда ўзимнинг таклифимни беришга, баъзи сўз ёки жумлаларда бирор имловий ёки услубий (стилистик) хатолар чиқиб қолса, тўғрилаб кетишга келишиб олдик. Шу тариқа, устозимизнинг бағрикенгликлари, камтаринликлари ҳамда дуолари шарофати билан ишга киришиб кетдим. Мана, орадан шунча йил ўтиби. Не баҳтки, у кишининг бир қанча китоблари сиз азизларга етиб боришига менинг ҳам баҳолиқудрат ҳиссам қўшилиб келмоқда...

Шундан кейин ҳар сафар Ҳазратнинг янги китоблари чиққанда уларни қўлимга олиб, компьютерда ўзим кўриб чиққан электрон матнни очардим-да, ҳаяжон билан қизил-яшил рангда белгиланган жойларни солиштириб кўрадим. Бу мен учун жуда муҳим эди. Биринчидан, Ҳазрат мен киритган таклифни қабул қилганларни ёки йўқми, билиб олардим. Иккинчидан, сўроқ белгиси қўйган жойларимдаги жумлаларда аслида нима дейилмоқчи бўлгани мана шу тақослаш пайтида маълум бўларди. Бу эса маълум маънода ушбу китоблардан олган илмларимни мустаҳкамлаш бўларди. Учинчидан, бундан кейинги ишларда нималарга эътибор бериш кераклиги, нима қилсан, китобнинг сифати Ҳазратимизнинг кўнгилларидагидек чиқиши аён бўларди. Ҳар бир китоб чиққанда мен учун одат бўлиб қолган ушбу жараён сўнгида кўнглим тоғдек кўтарила, юрагимда янада кўпроқ ғайрат, кўпроқ шижаот пайдо бўларди. Чунки Ҳазрат мен билдирган бирорта фикр-мулоҳазани эътибордан четда қолдирмасдилар. Буни эса таклифларимнинг барчасини олганларидан,

киритган ўзгартыришларимни ҳеч қандай эътиroz-siz қабул қылғанларидан билиб олардим.

Ҳазрат ўзларини халқнинг ходими деб билардилар, шунинг учун китобдаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўзнинг ўқувчига содда, равон тилда, тушунарли, лўнда шаклда етиб боришига жуда талабчан эдилар. Мен буни яхши билганим учун у кишини қониқтирадиган даражада ишлашга, ўзимга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиласдим.

2012 йилнинг январь ойида «Тафсири Ҳилол»ни навбатдаги нашрга тайёрлаш учун таҳрир қилишни бошладим. Бир неча ой давом этган бу жараён давомида менда анчагина (қирққа яқин) хуносалар, мулоҳазалар, саволлар тўпланиб қолди. Уларнинг ҳаммасини йиғиб, бошқа фикр-мулоҳазаларимни, саволларимни ҳам ёзиб, Ҳазратга жўнатдим. Орадан бир неча кун ўтгач, жавоб келди. Ҳазрат ҳар бир мулоҳазамнинг тўғрисига ўз фикрларини ёзиб қўйган эдилар. Бу фикрлар қисқа-қисқа эди: «Жуда яхши бўлади», «Маъқул», «Шундай қилиш керак», «Тўғри фикр». Фақат икки-учтасидагина «Маслаҳатлашиш керак», деб ёзиб қўйган эканлар.

Ўшанда у кишига бўлган ҳурматим янада ошди. Улуғ зотлар шунинг учун ҳам улуғланар, эҳтиром қилинар экан-да, деган хуносага келдим. Аслида Ҳазрат «Мен қандай ёзган бўлсан, шундай турсин, фақат жиддий хатолар бўлса тузатилсин, тушиб қолган ҳарфлар бўлса тўғрилансин. Қолганига тегилмасин», дейишга тўла ҳақли эдилар. Чунки бугунги кунда халқимизнинг маънавий хазинасига айланиб қолган бу нодир асарларда жузъий хато ёки камчиликлар йўқ эди. Мен баъзи беихтиёр йўл қўйилган имловий хатоларни тузатар, буюк олимнинг оддий ўқувчилар тушуниши қийин бўлган баъзи пурмаъно жумлаларини салгина соддалаштириб, янада тушунарлироқ, халқ тилига яқинроқ қилишга ҳаракат қиласдим, холос. Ҳазрат эса бу мақсадимни жуда тўғри тушунгандарини, аслида ўзларининг мақсадлари ҳам худди шу эканлигини менинг таклифларимни юз фоиз қабул қилишлари билан изҳор этардилар. Ўртадаги бундай муносабат то у зотнинг вафотларигача давом этди.

Мен у киши билан бирор марта қўришмаганман, ҳатто телефон орқали ҳам гаплашмаганман. Иш билан боғлиқ ҳар қандай масала электрон хат

ёки турмуш ўртоғим орқали ҳал бўлар эди. Лекин қўришмай, гаплашмай туриб ҳам, у зот биз билан доимий мулоқотда бўлдилар, бизларни руҳан қўллаб-қувватлаб турдилар, оталарча меҳр билан ва айни пайтда талабчанлик билан устозлик қиласдилар. Аллоҳ таоло менга ана шундай олийжаноб, буюк олим билан ҳамфир, ҳамжиҳат бўлиб ишлашдек улуғ бахтни насиб этди.

Келинг, азиз ўқувчи, шу ўринда иш жараёнидан сал четланайлик-да, мен учун бахтли онлар ҳисобланган 2013 йилнинг сўнгги кунларига қайтайлик. Шу йили катта қизимни турмушга узатадиган бўлдик. Бизга олам-олам қувонч бағишилаб, ёшларнинг никоҳини Ҳазрат ўзлари ўқийдиган бўлдилар. Бу фақат мен учун эмас, балки бутун оиласиз, айниқса келин-куёвлар учун улуғ бахт эди. 30 ноябрь куни бир нечта қори йигитлар, қариндошлар, қуда томондан келган меҳмонлар, янги куёв – ҳамма биргаликда Ҳазратни кутиб олдик. Кичкина меҳмондорчиликдан сўнг хатми Қуръон яқунланди, Ҳазрат комилу шомил дуо қиласдилар. Кейин келин-куёвларга никоҳ ўқиб, уларга бахтсаодат тиладилар, тўйларимиз яхши ўтишини Аллоҳдан сўраб, дуо қиласдилар. Табиийки, биз аёллар буларнинг ҳаммасини кейинроқ видеотасвир орқали томоша қиласдик.

Бошқаларни билмадим-у, мен асосий эътиборимни бўлажак куёвим билан Ҳазратга қаратдим. Ҳазрат аслида таомланиш пайти тасвирга олинишини ёқтирас эканлар. Лекин тасвирчи йигитларнинг бундан хабари йўқ, Ҳазрат кириб келганларидан бошлаб тинмай суратга олаверишибди. Ҳазратнинг камоли одоб билан, ҳеч бир эътиroz билдирамай, бамайлихотир таомланганлари суратга аниқ тушиб қолибди. Бу эса ҳар қандай уй бекаси қатори, мен учун ҳам қизиқ эди: шундай одам мен тайёрлаган овқатларни едилармикан? Ёки ёқмадимикан?... Йўқ, ҳаммасини тановул қиласдилар, камтарин дастурхонимиздаги бирор таомни четга сурниб қўймадилар. Кейин билсан, ўша пайтлар у киши паловга ўхшаш оғирроқ таомлардан парҳез қилиб юрган кезлари экан. Уй эгаларини хижолат қиласлик учун ҳар бир таомни, ҳатто паловни ҳам тановул қиласдилар. Ҳазратнинг қанчалар камсуқум, қанчалар камтар, қанчалар суннатга риоя қилувчи, сертабассум инсон

эканликлариға ўшанда биринчи ва афсуски, охирги бор гувоҳ бўлганман (ўша куни Ҳазратнинг ўзларини биринчи марта кўришим эди). Ҳа, азизлар, бундай баҳтили онлар, яъни Ҳазратнинг уйимизга ташрифлари бундан кейинги яхши кунларимизда такрорлан-маслиги, бу ташриф биринчи ва охирги ташриф бўлгани ўшанда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди...

Эртаси куни қизим бизнинг уйга илк бор – ни-коҳ ўқитилган куни кириб келган күёвимииздан: «Уйимиз қанақа экан?» – деб сўрабди. У қисқа қилиб: «Жуда файзли экан», – деб жавоб берибди. Бу гапларни қизим оддийгина қилиб айтиб берди, лекин мен учун бу катта гап эди. Бу уй чиндан ҳам файзли эди, бунинг сабаби ҳам Ҳазрат билан боғлиқ. Лекин ўша кунги файз фазилатли Шайх ҳазратлари билан бирга кириб келган эди. Ҳазрат ўз ташрифлари билан камтаргина, оддийгина уйимизни файзга, қалбларимизни қувончу баҳтга тўлдириб кетган эдилар.

Яна иш жараёнига, 2014 йилнинг май ойига қайтайлик. Бир китобни таҳrir қилаётib, ўзим билмаган ҳолда жиддий хатога йўл қўйибман. Бир куни турмуш ўртоғим келиб, ўша китобнинг файлини очишими буюрдилар. Очдим. Ҳазратдан келган файл билан солишиларсан, хато мендан ўтган. Юрагим шувиллаб, аъзои баданимдан муз-дек тер чиқиб кетди. «Ким қўрибди?» – дедим. «Ҳазратга бир одам қўнғироқ қилиб айтибди. Китобнинг сотуви тўхтатилди», – дедилар. Қўрқа-писа: «Энди нима бўлади?» – деб сўрадим. «Иккита ҳарф ўчирилса, жумла тўғри чиқар экан. Босмахона ишчилари ҳар бир китобни очиб, ўша жойини бўяб ўтиришибди», – дедилар у киши ми-йиғида кулиб. «Ҳазрат нима дедилар?» – сўрадим айбор оҳангда. У киши: «Ҳеч нарса. Почтамга ўша хато жумланинг ўзини ташлаб қўйибдилар», – дедилар. Бу Ҳазратнинг менга берган биринчи ва охирги танбеҳлари эди. Танбех бўлганда ҳам, ўзига хос танбех эди. Бу ўз навбатида у кишининг қўл остидаги ходимларига бўлган ҳурматлари, эҳтиромларидан бир намуна ҳам эди. Ҳазрат қўнғироқ қилиб, дўқ урмадилар ёки хоналарига чақириб, дашном бермадилар, уришмадилар, кўпчиликнинг ичидаги тикка турғизиб қўйиб, шарманда қилмадилар, маошимдан қирқиб ташла-

мадилар ва энг асосийси, шижоатимни, ғайратимни, ишга бўлган қизиқишимни сўндирамадилар. Мана, ҳозиргача ана шу шижоат, ана шу ғайрат, ана шу қизиқиши билан ишлашда давом этмоқдаман. Ҳазратдек инсоннинг китоблари охиридаги ижодий гуруҳ қаторида менинг ҳам исми-шарифим борлиги эса мен учун улуғ баҳтдир.

Аллоҳ таоло Шайх ҳазратларининг Ислом ривожи учун қилган фидокорона меҳнатларини, чеккан заҳматларини, барча эзгу амалларини у дунёда ўзларига ҳамроҳ қилсин, у кишини ўзлари ёзган китобларидағи лафзлар адади қадар ажру мукофотлар билан сийласин.

Шахсий ибратлари билан, ваъз-иршодлари билан, ёзган китоблари билан нимаики яхшиликларга сабаб бўлган бўлсалар, Аллоҳ таоло уларнинг барчасига берадиган савобларини чандон-чандон кўпайтириб бёрсин. Қилган барча яхшиликларини, савобли ишларини, эҳсонларини ҳусни қабул айлаган бўлсин. Бизни эса Шайх ҳазратлари билан жаннатларда учрашишдек яна бир улуғ баҳтга мушарраф этсин. Омин!

Барно Саидраҳмон



# Садақаи жория

Инсон ҳаёти давомида ўқииди, ўрганади ва ўқиб-ўргангандарига амал қилишга ҳаракат қиласди. Кимки ўз ўргангандарига амал қилиб, бошқаларга ҳам ўргатса, ҳар бир айтган сўзи таъсирли бўлади ва эшигтан одам ҳам ундан ўrnак олиб, амал қилишга ҳаракат қиласди. Лекин бундай амал қилувчиларни ҳаётимиз давомида кам учратамиш. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўzlари айтган ҳар бир сўзга ўzlари амал қилиб, саҳобаларга ўrnак бўлганлар. Бизнинг асримизда яшаб ўтган, барча мусулмонларнинг муҳаббатига сазовар бўлган, биз таниган, ардоқлаган инсон Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чинакам меросхўрлари бўлиб, замондошларига чиройли ўrnак бўлганлар. Ҳозирда орамизда йўқ бўлсалар ҳам, ёзган китоблари, ваъз-насиҳатлари ила биз билан бирга яшамоқдалар. Бу улуғ инсон ҳақида қанчадан-қанча таърифлар айтилди, шеърлар битилди. Шу жумладан, яна бир нарсани эслаб ўтишни лозим деб топдим. Инсон вафот этгандан кейин унга етиб турувчи

савоблар ҳақида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласидилар: «У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачонки одам боласи вафот этса, унинг уч нарсадан бошқа амали кесилади: садақаи жория, манфаат оладиган илм ёки унинг ҳаққига дуо қиласидиган солиҳ фарзанд», дедилар».

Ҳазратимизнинг ҳаётлари давомида қилган амалларига назар соладиган бўлсак, у инсоннинг кўпприк қурдириб, сув чиқартирганларини, масжид қурилишларида ёрдам берганларини, яна халқимизнинг ҳаж ибодатини бажаришлари учун йўл очилишига сабабчи бўлганларини ва шунга ўхшаш кўплаб яхши амаллар қилганларини дадамлардан эшигтанман. Бу амалларнинг барчаси садақаи жория дейилади.

Манфаат оладиган илм ҳақида гапирадиган бўлсак, бунга амал қилганларининг ёрқин далили сифатида таълиф қилган сон-саноқсиз китобларини, минглаб шогирдларга илм бериб, олим дараҷасига чиқариб қўйганларини, аудио ва видео тасвир кўринишидаги ёзувларини кўришимиз мумкин.



Бу қўлланмалардан жуда ҳам кўпчилик мўмин-мусулмонлар фойда оляпти, манфаатланяпти.

Ва ниҳоят, учинчи амалга – «унинг ҳаққига дуо қиласидиган солих фарзанд»га келсак, Аллоҳ таоло бу соҳада ҳам у кишидан Ўз марҳаматини аямади. Ҳазрат ўзларининг ҳақларига дуо қиласидиган, илмий ишларини давом эттирадиган солих фарзандларни ҳам тарбиялаб, вояга етказиб кетдилар. Шунчаки вояга етказиб қўймадилар, балки ҳар бирларини илмли, тақволи, эл корига ярайдиган инсонлар қилиб етиштирдилар. Ўфиллари И smoилжон диний илмларни пухта эгаллаб, ҳозирги кунда отасининг ишларини давом эттиришга, у кишига муносиб фарзанд бўлиб, элга хизмат қилишга астойдил бел боғлаган. Одинахон Мұхаммад Содик шариат ва Қуръон илмларини мукаммал эгаллаб, бу соҳада ўзидағи бор илмларни бошқаларга ҳам етказиш учун ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. У киши оталарининг дуолари билан «Муфассал тажвид» ўқув қўлланмасини ёзиб, халқа тақдим этганларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Кенжа фарзандлари Оминахон ҳам Имом Бухорий номидаги Ислом маъҳадида таҳсил олиб, ўзининг диний соҳага оид илмини

бойитмоқда. Шубҳа йўқки, уларнинг бу борадаги ҳар бир қилган ишларидан, саъй-ҳаракатларидан ҳосил бўладиган ажру савоблардан падари бузрукворлари ҳам баҳраманд бўлиб турадилар.

Бундан кўриниб турибдики, Ҳазратимиз ҳадисда келган уч амалнинг барчасини бажарибдилар. Қуръон ва Суннатда олимларнинг фазли ҳақида кўплаб оят ва ҳадислар келган. Аллоҳ таоло: «Албатта Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларгина қўрқарлар», дея марҳамат қилган (Фотир сураси, 28-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ кимга яхшиликни ирова қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди», деганлар.

Шубҳасиз, Шайх ҳазратлари Қуръон ва Ҳадисда тилга олинган олимлардан бири эдилар. Аллоҳ таоло у кишини Ўз раҳматига олган бўлсин ва бизга у зот билан жаннати наъимда кўришишни насиб этсин. Омин.

Ҳамидахон Мұхаммад Юсуф  
21 январь 2016 йил



Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар, набийимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайхі васалламга салавоту дурудлар бўлсин.

Амма баъд:

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

**«Эй Пайғамбар! «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» деб айт»** (Зумар сураси, 8-оят).

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхі васаллам:

**«Албатта, олимлар анбиёларнинг меросхўрлари-дир. Анбиёлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди»,** дедилар.

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шайх ҳазратлариdek етук олим билан замондош ва ҳамнафас бўлишнинг ўзи улкан баҳтдир. Олимнинг ёнида бўлиб, унинг илм чашмасидан сув ичиш эса Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаган бандасига инъом этадиган фазлидир. Роббимнинг ўшбу улуғ фазли илиа ўсмирлик давримдан бошлаб Шайх ҳазратларининг қўл остида илм олишга муваффақ бўлдим. Икки йилга яқин у ки-

# Фазилат соҳиби

шининг хонадонларида яшадим. Шу вақт мобайнida гувоҳи бўлганим Ҳазратимизнинг дин йўлидаги тинимсиз меҳнатлари-ю биз ожизаларга кўрсатган юксак илтифотлари ҳақида эслашни, бу хотираларимни қоғозга туширишни ўз бўрчим деб ҳисоблайман.

Шайх ҳазратлари ниҳоятда салобатли, виқорли инсон бўлишларига қарамай, у кишига бирор иш билан мурожаат қиласиган бўлсан, кулимсираб, мулойимлик билан жавоб қайтарар эдилар. У киши билан шу дараҷада яқин бўлиб кетган эдикки, худди қизлариdek бўлиб қолган эдик. Лекин бизга гапираётган вақтларида юзимизга тик қарамас эдилар. Сафарлардан қайтан вақтларида оила аъзолари қатори биз билан ҳам, кичик санамасдан, алоҳида саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрар эдилар. Аёлларни ниҳоятда авайлаб, эҳтиётлардилар.

Ҳамон эсимда: ёз мавсуми эди. Зиёратчилардан бири катта-катта тарвузлар олиб келган экан. Остонада турмасин деб, улардан бирини энди кўтармоқчи бўлиб турган эдим, Ҳазрат келиб қолдилар-да, «Сиз кўтарманг, оғирлик қиласди», деб ўзлари кўтариб, бир четга олиб қўйдилар.

Баъзилар қиз бола учун илм олиш фарз эмас, рўзғор ишларини ўрганишининг ўзи кифоя деб ўйлашади. Ислом динида эса ҳар бир мусулмон, хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлсин, илм талаб қилиши лозим. Ҳазрат қизларга аёллик вазифаларини ўргатиш билан бир қаторда, уларни диний ва дунёвий илмлардан ҳам хабардор қилиш зарурлигини жуда кўп таъкидлар, ўзлари илмга чанқоқ қизларни ҳурмат қилас, уларнинг илм олишлари учун қўлларидан келган барча шароитларни яратиб берар эдилар. Бошқалардан кўра чуқурроқ илм ўрганишга лаёқати бор, иқтидорли қизларга алоҳида эътибор қаратар, илм олгандан кейин уни давом эттириб туриши зарурлигини, бошқа ишларга чалғиб, илмни ташлаб қўймаслик кераклигини таъкидлардилар.



Устозимиз Одинахон опадан араб тилидан, жумладан, сарф фанидан сабоқ олиб юрган кезларимиз эди. Бир куни кутилмаганды Ҳазрат бизни олдилариға чақириб, имтиҳон қилиб қолдилар. Биз эса ҳаяжондан деярли ҳеч биримиз саволларига түлиқ жавоб берса олмаган бўлсак-да, биз билан шахсан ўзлари саволжавоб қилаётгандаридан руҳимиз кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетдик. Берган саволларига ўзлари батафсил жавоб бериб, тушунтирилар. Тушунтиргандаридан кейин: «Саволлар борми?» деб сўрадилар. Биздан садо чиқмагач, у киши: «Икки хил киши савол бермайди, бири – ҳамма нарсани биладиган одам, иккинчиси эса ҳеч нарсани тушунмаган одам», дедилар.

Шайх ҳазратлари толиби илм вақтдан унумли фойдаланиши лозимлиги ҳамда имкониятдан фойдаланиб, кўпроқ китоблардан дарс олиш муҳимлиги ҳақида алоҳида қайғурар эдилар. Бир куни мени олдилариға чақирдилар. Қуръони Каримдан қанча ёд олганим ва қайси китоблардан дарс олаётганим ҳақида сўрадилар. Мен жавоб бердим, шунда у киши: «Сизга шу дарслар етарлими ёки яна бошқа китобдан дарс олишини хоҳлайсизми?» деб сўрадилар. Мен учун бу мутлақо кутилмаган таклиф эди. Хурсанд бўлиб кетганимни пайқаган Ҳазрат китоб жавонига ишора қилиб, «Анави ердаги фалон муқовали китобни олинг», дедилар. Китобни қўлимгага олдим. Аввал унинг муаллифи ҳақида маълумот бердилар, кейин китобни авайлаб ўқишмни тайинладилар. У арабча «Китабул бирри вас-

силати» номли китоб бўлиб, асосан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота-онага яхшилик қилиш, силаи раҳм ҳақидаги ҳадислари тўпламидан иборат эди. Эртаси куниданоқ дарс олишини бошладим. Ҳазратнинг вақт борасида қанчалик тежкамкор бўлганлари барчага маълум. Толиби илмларга бўлган меҳрлари эса бекиёс эди. Қачон олдилариға чиқсан, китоб таълиф қилиш билан банд эканларига гувоҳ бўлардим. У киши ёзув столларида ишларини давом эттириш асносида дарсимни ҳам тинглар, тушунмаган ҳадисларимни шарҳлаб берар эдилар. Баъзан нонушта пайтида, баъзан эса бирор жойга кетишдан олдин, шошиб турган бўлсалар ҳам, «Китобингизни олиб келинг», дердилар-да, мендан дарс қабул қилиб, янги вазифа бериб кетишга ҳаракат қиласар эдилар. Кейинчалик ана шу китобни ўзлари она тилимизга таржима қилиб, »Яхшилик ва силаи раҳм китоби« деган ном билан китобхонларга тақдим қилдилар.

Шайх ҳазратлари булардан бошқа яна жуда кўп ажойиб фазилатларнинг соҳиби эдилар. Биргина кичик мақола ичига уларнинг барчасини сиғдириш мушкул иш. Аллоҳ табарока ва таолодан у кишини Ўз раҳматига олишини ва охиратдаги мақомларини юксак қилишини сўраб дуо қиласиз. Аллоҳим барчамизни у зот қолдириб кетган илм хазинасидан манфаат олиб, дин йўлида событиядам бўлиб ҳизмат қилишга муваффақ қилсин. Омин!

*Муслима*



# Ҳазрат эккан ниҳоллар

**Ҳ**азрат ҳақларида ўтган замон феълида ёзиш биз учун ниҳоятда оғир. Бу жуда оғрикли, қалбни тирнар даражада мураккаб вазифа. Аммо Аллоҳнинг синовига сабр қилишга ҳаракат қиласиз ва Ҳазратимизнинг хотирамизда қолган гўзал ва ёруғ тимсолларини нурли сўз бўёклари билан чизиши ҳаракат қилиб кўрамиз.

Ҳазратимиз.... У киши шундай гўзал сийрат эгаси эдиларки, аввало, аёлдир, эркақдир, каттадир, кичикдир, хуллас, инсон зоти борки, барчани эъзозлар эдилар. Айниқса аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатардилар. Аёлларнинг кўнгли нозик бўлишини, салгина ножўя сўз, ҳатто оҳанг ҳам уни дарз кетказиб қўйиши мумкинлигини яхши билардилар. Ҳазратимиз ана шундай ҳассос қалб соҳиби эдилар...

Muslimaat.uz сайти islom.uz порталидаги аёлларга хосланган ягона сайтидir. Бизнинг сайтишимиз 2007 йилда Ҳазратимиз ва Абу Муслимнинг ташаббуси билан очилган. Порталнинг илк йилларида аёлларга мўлжалланган сайт йўқ эди. Ўша пайтларда Ҳазратимиз аёллар жамиятимизнинг каттагина ажралмас қисми эканини ва бу қатлам учун ҳам ўзига хос ва мос сайт иш юритиши кераклигини, аёллар илмли, маърифатли бўлишлари лозимлигини таъкидлар эдилар. Вақти-соати келиб, Ҳазратимизнинг саъй-ҳаракатлари билан порталда аёллар учун мазкур сайт очилди.

Дастлабки йиллар мобайнида muslimaat.uz сайтида асосан эркаклар иш олиб боришарди. Техника, дизайн, мақолалар каби кўплаб жабҳаларда аёлларга хос руҳият сезилмас эди. Сайтга ушбу руҳиятни киритиш мақсадида Ҳазратимиз уни тўлалигича аёлларга топ-

ширишга қарор қилиб, бу ишни устозимиз Одинахон Мұҳаммад Юсуф бошқаришларини маъқул деб топдилар. Устозимиз сайт ишларига жалб қилганларида бизнинг ҳам, устозимизнинг ҳам бу соҳада тажрибамиз йўқ эди. Ижтимоий тармоқлар, хусусан, сайт орти ишлари юзасидан билим ва тажрибага эга бўлишимиз учун Ҳазратимизнинг бир оғиз сўzlари билан Абу Муслим бизга бир қанча дарслар ўтилар.

Ишга киришган вақтимизда сайтни янгилаш, электрон журнал чоп қилиш ва бошқа бир нечта аҳамиятга молик ўзгаришлар юз берәётган эди. Бу нарсалар аввалига бизларни саросимага солиб қўйди. Шунда Ҳазратимиз ҳар қандай янги ишнинг бошида қийинчиликлар ва хато-камчиликлар бўлиши табиий эканлиги, бу нарсадан қўрқиш керак эмаслигини, аммо хатолар вақтида тузатилиши лозимлигини айтиб, бизни руҳан қўллаб-қувватладилар. Сайтишимга қўйилган ҳар бир мақолани биринчилардан бўлиб ўқидиган мухлисимиз, камчиликлари бўлса, тўғирлаб турадиган танқидчимиз Ҳазрат эдилар.

Вақт ўтгани сайин маҳоратимиз ошиб борди, қисқа муддат ичida сайтда бир қатор танловлар ҳам ўтказишига улгурдик. Ҳар бир тақдирлов маросимига Ҳазратимизнинг шахсан ўзлари ташриф буюрар, олдиндан эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлар эдилар. Шундай бир тақдирлов маросимида шу пайтгача қилинган ишларимизни рафбатлантириш мақсадида Ҳазрат биз ходималарга ҳам фахрий ёрлиқ улашдилар. Ўша куни кутилмаганда изҳор қилинган бу эътирофдан ҳар биримизнинг қалбимизни ажиб бир ҳаяжон чулғаб олган, бошимиз осмонга етган эди.

Хазрат бизни тақдирлаш олдиdan қуийдагиларни айтдилар:

«Muslimaat.uz нинг ишларини шу пайтгача Абу Муслим қилиб юрарди, турли номлар, руқнлар билан ўртага олиб чиқкан эди. Энди бу йил қизларимиз ишни ўз қўлларига олишди, сайт ҳар жиҳатдан янгиланди, кўпчиликнинг ёрдами билан техник жиҳатдан ҳам яхшиланди. Ҳозир muslimaat.uz сайти гўзал бир сайтга айланди. Унда кўпчилик қизларимиз иштирок этишяпти, ҳатто табиба азизаларимиз тиббий маслаҳатларини беришяпти, психологлар, тарбиячилар ўз соҳаларига оид маслаҳатларини бериб боряпти. Бир сўз билан айтганда, бу сайт интернет оламига жуда катта қадам босиб кириб келди. Шу нарсаларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, бу йил мен ўзимнинг шахсий мукофотимни мазкур сайтнинг раҳбари Одинахонга топширишга қарор қилдим. Одинахоннинг иккита асари эътиборга сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг биринчиси «Мунҷоқ» деб аталган бадиа ва иккинчиси «Алвидо, меҳроб шаҳиди» номли мақоладир. Уларни минглаб одамлар ўқишиди. Ҳозир ким muslimaat.uz га кириб, шу мақолани очса, пастида мингдан ортиқ одам ўқиганлиги ҳақида маълумот турибди. Мана шу ва яна бошқа асарлари ҳамда сайт ишларига раҳбарлик қилганлари учун мен шахсий мукофотимни у кишига беришга қарор қилдим.

Ушбу маросим якунида Ҳазрат қўлларини дуога очиб, шундай тилаклар билдирилар:

«Бисмиллахир роҳманир роҳийм. Алҳамдулилаҳ ассолату вассаламу ъала Расулилаҳ.

Сизларга алоҳида бир дил сўзларим, қалбимдан айтадиган истакларим бор. Сизлар қилаётган ишлар фоятда савобли, фоятда хайр-баракотли ишдир. Иншааллоҳ, бу соҳада барчага яхши ўрнак бўладиган, ҳамма ибрат оладиган қизларимизни, жамиятимизнинг ички қўргони посбонлари бўлган аёлларимизни маърифатли қилиш, уларни динимиздан хабардор этиш, оила, ҳаёт, маърифат, дину диёнат борасида кўмакчи бўлиш – бу жуда буюк ва улуғ мартаба ҳисобланади. Бу доимий равиша мусулмон умматининг фахри бўлиб келган ишлардан дир. Аёллар, қизлар, келинлар илмисиз бўлса, маърифатсиз бўлса, бу оила ва оила орқали жамиятларнинг мусибати бўлади, ҳар хил кўнгилсиз вазиятлар вужудга келади. Мусулмон умматининг ички қўргони доимий равища қизлар, келинлар, аёллар ва оналар билан мустаҳкам бўлиб келган ва у, асосан, илмий-диний маърифат, билим, фидокорлик ва ихлос билан юзага келган. Сизлар, иншааллоҳ, момоларимиздан мерос бўлиб қолган ихлосни, илм-маърифатни ҳалқимизга етказиш борасида бекёёс ва бебаҳо ҳизматларни қиляпсизлар. Аллоҳ таоло ихлосингизга ихлос кўшсин, билимингизга билим кўшсин, ишингизнинг янада баракотли бўлишини насиб этсин. Доимо шунга ўхшаш қувончли, хайр-баракотли, ўзаро хурсандчиликка сабаб бўладиган муносабатлар билан учрашиб боришимизни насиб этсин.

Аллоҳ, бу азиза қизларимизни Ўзинг ҳифзу ҳимоянгда асрагин, соғ-саломат, тинч-омон қилгин, оилаларида баракот, қут-барака, файзу футух, иймон-эътиқод, тақво,

ибодат бардавом бўлишини насиб этгин. Дининг, диёнатинг йўлида мусулмон миллати учун қилаётган ҳизматлари баракотли бўлишини насиб этгин. Парвардигор, уларни доимо Ўзинг қўллаб-қувватлагин, хайр-баракада бардавом қилгин, ижодларига барака бергин, Ўзингнинг динингни, таълимотларингни эл орасида, юртда ёйиб боришлирида, Қуръон нурини таратиб боришлирида, Парвардигоро, Ўзинг кўмакчи бўлгин. Ҳаммаларининг фарзандлари гўзал тарзда вояга етишларидан Ўзинг ёрдамчи бўлгин. Барчаларига икки дунё саодатига эришишларини насиб қилгин. Ва соллаллоҳу ъала хойри холқиҳи Мұхаммадин ва ъала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин».




Ҳар икки ҳафтада, душанба кунлари порталнинг ҳисобот мажлиси бўлиб турарди. Ҳеч бир мажлис Ҳазратсиз ўтмасди. Порталдаги ҳар бир сайтнинг ҳисоботини тинглар эканлар, у қанчалик узун бўлмасин, эҳтимом билан тинглардилар, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайт ишига доир маслаҳатларини берардилар. Вақтларининг ҳар бир дақиқаси ғанимат бўлишига қарамай, Ҳазратимиз порталдаги сайтларнинг қилаётган ишлари, эълон қилаётган мақолаларидан боҳабар эдилар.

Ҳазратни эслаганда у киши ўтказган энг сўнгги иш мажлисимиизни эсламасдан иложимиз йўқ. Ушбу мажлис ўзининг икир-чикирларигача хотирамизда сақланиб қолган. Чунки айнан шу мажлис биз Ҳазратни кўрган, у киши билан ўтган сўнгги мажлис бўлди... Чунки айнан шу йиғинда Ҳазрат бизнинг камтарона меҳнатларимизни кўкларга кўтариб мақтадилар, ишимизга юқори баҳо бердилар, бизларни илҳомлантирилар. Одатда мажлисда хато ва камчиликлар тилга олинади, уларни бартараф қилиш йўллари кўриб чиқилар эди. Аммо бу сафар Ҳазрат худди ортларида қолдириб кетаётган шогирдларига бизларни авайлаши, бизга ҳамиша ҳурмату эъзозда бўлишни васият қилгандек, бизни мақтадилар... сўнгги бор мақтадилар....

Бу сўзлар бутун умрга қулоқларимиз остида ёқимли ва мудом қўмсаладиган сўзлар бўлиб янграйди.

Ҳазратимиз... Сизнинг дуоларингиз сабаблими, сайтиимизнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Рейтинг поғоналаридан бирма-бир кўтарилар эканмиз, сизнинг дуоларингиз, ҳар мажлис сўнгида бизга айтган тилакларингизни эслаймиз. Уларнинг ижобат бўлиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Ҳазрат, дунёдаги миллионлаб инсонлар сиз билан замондош бўлганидан хурсанд бўлишади. Юртимиздаги миллионлаб мусулмонлар сизнинг ҳамюртингиз эканликларидан фахрланишади, сизни кўрганлар умрида бир бор бўлса ҳам Сизни кўрганидан бошлари кўкка етади, сұхбатингизни олганлар эса бутун умр унинг шавқидан маст бўлиб яшашади... Биз эса сизга замондош бўлганимиздан, ҳамюрт бўлганимиздан, сизни кўриб, сұхбатингизни олганимиздан, дуоларингиздан баҳраманд бўлганимиздан фахрлансак арзиди... Мақсадимиз сиз бошлаган ишларни давом эттириш, сиз очган маърифат булоғининг сувини ҳаммага етказишдир... Аллоҳдан бизларни бу йўлда бардавом қилишини сўраб қоламиз.



# Оқ фотиҳа самараси

Ўша пайтлар islam.uz порталида «Ҳилол» электрон журнали чоп қилинар, қисқа вақт ичидаги ўз муҳлисларига ҳам эга бўлган эди. Кейинроқ Абу Муслимнинг ғояси билан аёл-қизларимиз учун ҳам бир алоҳида электрон журнал ташкил этишни ният қилдик. Бу ниятни Ҳазратимизга билдирганимизда, у кишига жуда маъқул келди. Алоҳида бир мажлис уюстириб, журналга қандай ном қўйишни келишиб олдик. «Ҳилол» журналининг бош муҳаррири Аҳмад Турсун домла ўз журналларига шерик қилиб, уни «Ҳилола» деб номлашни таклиф қилдилар. Мўмина, мастура аёллар садаф ичидаги лульуъ каби бўлиши эътиборидан устозимиз Одинахон Муҳаммад Содик илк дунё юзини кўраётган журналга «Лульуъ» деб ном қўйишни тавсия қилдилар. Абу Муслим Расулуллоҳ соллаллаҳу алайхи

васалламдек буюк зотнинг оналари, шу билан бирга барча мўминларнинг оналари бўлмиш аёл исми билан номлашни таклиф қилди. Бу таклиф Ҳазратимизга маъқул келиб, дарров тасдиқладилар ва дуога қўл очдилар. Мажлисда журналнинг тахминий режаси ҳам тузиб олинди.

Биз, журнал ходимлари, ҳали бу борада ҳеч қандай тажрибага эга эмас эдик. На журналистлик, на таҳрир ва на дизайнерлик соҳасида билимимиз бор эди. Шунинг учун аввалига бир оз қатъиятсизлик, бир оз ҳаяжон билан ишга киришолмай турдик.

Бизга икки-уч хил намуналар тақдим этилди, режа ва таклифлар киритилди. Лекин устозимиз тақорорий ишлардан яхши натижага бўлмаслиги, бу турдаги журнал ҳали олам юзини кўрмаганини инобатга олиб, янгилик

яратиш кераклигини тушуниб етдилар. «Омина» журнали она тилимиздаги ягона муслималар журналы бўлиши лозим. Хуллас, Аллоҳга таваккал қилиб иш бошладик.

Муслималарнинг дину дунёсига оид энг муҳим масалаларни йиғиб, шулар асосида журналнинг рукнларини тузиб чиқди.

2012 йилнинг 5 июнида журналнинг биринчи сони чиқди.

Ҳали журнализмининг ilk сони нашр қилинмай туриб қаттиқ танқидларга учрадик. Бизнинг мақсад ва мулоҳазаларимиз, саъй-ҳаракатларимиз баъзилар томонидан танқид остига олинганда, бу ҳақда Ҳазратимизга айтишни лозим топдик. Ҳолатни яхшилаб ўргангач, Ҳазратимиз иккиланмасдан биринчи сонни нашр қилиб кўришни, бундай ҳолат ҳар бир соҳада бўлиши, ilk ишлар ҳар доим ҳам пухта бўлмаслиги, аста-секин тажриба ошиши ва ўз устида ишлаган сари иш ҳам пухталашиб боришини тушунтириб, бизга руҳан далда бўлдилар. Иш бор жойда хато бўлиши табиийлиги, ҳар хил гап-сўзларга эътибор берилаверса, мақсадимиз амалга ошмаслигини алоҳида таъкидладилар.

Шу тариқа «Омина» журналининг ilk сонлари сиз азизларга тақдим этила бошлади. Кўп ўтмай ўз мухлисларига ҳам эга бўлди. Ора-сира танқидли мулоҳазаларга учраганимизда умидсизликка тушиб, Ҳазратга шикоят қиласди. У киши ҳар сафар: «Ўша танқид қилаётгандарга айтинглар-чи, ўзлари битта сонини чиқара олишармикан. Қўлларидан келмайди. Тўхташ керакмас. Бора-бора тажриба ошган сайин хато-камчиликлар ўнгланиб кетади», деб кўнглимизни кўтарар, шундай пайтларда биздаги шижоат янада ошиб кетарди.

Бир куни бизга маълум кишилар томонидан юборилган қатор танқидлар рўйхати «тақдим этилди». Шунда устозимиз Ҳазратимиз тавсия қилганларидек, танқидчиларга мактуб йўллаб, ўзлари журналнинг битта сонини тайёрлаб жўнатишларини таклиф қиласди. Чамаси бир ойлар ўтгач, журнал намунаси қўнимизга етиб келди. Қарангки, уни тайёрлаганлар


айнан ўзлари бизнинг ишимиздан топган хатоларга йўл қўйган эдилар. Шу билан бирга, бошқа қўпол хатолар ҳам бисёр эди. Энг қизифи, журналнинг савияси ниҳоятда паст эди.

Шундан кейин танқидчиларга бошқа рўпара келмадик, алҳамдулиллаҳ. Аммо бу ҳар қандай хато-камчиликлардан холимиз, дегани эмас. Бошдан ўтган табиб, деганларидек, бу соҳада катта тажрибага эга бўлган, ҳаётлари давомида жуда кўп бу каби ишларни бошларидан ўтказган Ҳазратимиз ўзларининг доно маслаҳатлари, руҳий кўмаклари билан бизни тушкун ҳолатдан олиб чиқиб кетдилар. Ҳамма нарса айнан у киши айтганларидек бўлиб чиқди. Шу билан бирга, биз ўз устимизда ишладик, баъзи хатоларимизни англаб етдик, уларни тўғриладик ҳам. Журнализмининг 24 та сони чиққач, янги сонларни чиқаришдан бир муддат тўхтаб, ана шу 24 та сон устида қайта ишладик, хато-камчиликларини тўғирлаб, ҳаммасини қайтадан нашр қиласди.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, «Омина»нинг Сарваримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлидлари ва портальимизнинг 10 йиллиги муносабати билан чоп этилган маҳсус сонлари ўқувчиларнинг алоҳида таҳсинларига сазовор бўлди.

Бугун эса қалбларимизда жудолик оғриғи илиа улуғ Устозимизнинг хотираларига бағишиланган яна бир маҳсус сонни тайёрлаб, сизларнинг эътиборингизга тақдим этиб турибмиз. «Омина» журнали Ҳазратимиз бош бўлган, ўз дуолари билан қўллаб-кувватлаган ишларнинг олдида дарёдан бир томчи, холос. Биз muslimaat.uz сайти ходимлари ушбу қилаётган ишимиздан ҳосил бўладиган ажру савобларни улуғимизнинг руҳи покларига бағишилаймиз. Аллоҳ таоло у зотни Ўз раҳматига олсин. Бизларни у кишига муносаб шогирд, бошлаб кетган хайрли ишларининг давомчилари бўлишимизни насиб айласин. Омин!


«Омина» электрон журнални ходимлари



# Жаннат оналар оёғи остидадир

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг  
мавлиди шариғдаги сўнгги хутбалари**

2015 йил 3 январь,  
1435 йил 24 рабиъул аввал



Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам оламларнинг сарвари эканликларини, у зотнинг туғилишлари нурнинг туғилиши эканини, бутун дунёни мунаввар қилганини, ҳам бу дунёни, ҳам у дунёни мунаввар қилганини тушуниб етиш учун у зоти бобаракотдан аввалги дунёнинг аҳволига бир назар ташлаш керак. Ўша даврда дунё жаҳолат зулматига, жаҳолат ботқоғига ботган эди. Инсон ҳаёти тамомила издан чиқсан эди. Ҳаётнинг барча соҳасида инсоният Инсон деб аталмиш буюк ва шарафли номни иснодга ботирган эди. Барча ёмонликлар кенг тарқалган, барча яхшиликлар йўқолган эди. Ҳаётнинг барча соҳасини айтиб, сифатлаб, тушунтириб чиқишига жуда кўп вақт керак бўлади.

У зоти бобаракот келишларидан аввал аёлларга бўлган муносабат қандай эди-ю, ундан кейин қандай бўлди, ҳозир шу соҳани таққослаб кўрамиз.

Жаҳолат пайтида бутун дунёда аёл зоти одам ўрнида кўрилмас эди. Аёл зотининг барча ҳақ-хуқуқлари поймол қилинган эди. Хоҳ шарқда бўлсин, ҳоҳ ғарбда бўлсин ёки Пайғамбар алайҳиссалом туғилиб ўсган, у зотга Қуръон нозил бўлган диёрда бўлсин, ҳамма жойда аёл зотини хорлаш, одам ўрнида кўрмаслик, уни ҳақоратлаш, унинг барча ҳақ-хуқуқларини поймол қилишда дунё ўзаро мусобақалашмоқда эди. Шарқий халқлар ичидаги энг қадимги маданият билан қадрланадиган, инсониятга маданият қонунларини тортиқ қилганидан фахрланиб, ҳозиргача мадҳ этиладиган Ҳиндистонни оладиган бўлсак, эр ўлиб қолса, насибаси ўзи билан кетсин деб, тирик хотинни қўшиб боғлаб, ўтда куйдиришар эди. Аёл кишининг одамийлик ҳаққи шу даражада топталган эди. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари, хусусан аёл ҳуқуқларининг таъминоти билан оғиз кўпиртириб гапираётган Европада аёлларни ҳақорат қилиш, уларни шахс сифатида кўрмаслик шу даражага етдики, уларнинг ўша вақтдаги қўштироқ ичидаги алломаларини тўплаб, катта бир анжуман ўтказилиб, битта масала қўйилди. Унда «Аёл нима?» деган савол ўртага қўйилди. Эътибор беринглар, «Аёл ким?» эмас, «Аёл нима?». Демак, уларнинг аёлга инсон сифатида муносабатда бўлиш лозимилиги борасидаги иттифоқи тугаб бўлган. Унинг нима эканлигини билмай, ҳайрон. Шу сабабли ўша вақтнинг пешволари «Нима?» деган саволга жавоб беришлари керак. Ана шу «анжуман» узок вақт давом этди, турли баҳслардан кейин «Аёл эркакни йўлдан уриш учун яратилган шайтоннинг малайидир» деган хulosага келишди. Ўша давр тарихини ўрганган европалик тарихчилар айтишадики, мана шу фикр ҳукм сурган даврда одамлар сони кескин камайиб кетди. Чунки эркаклар аёлларни узоқдан кўрса ҳам бошини кийими билан буркаб, бошқа кўчага қочиб кетадиган, шайтондан ҳазар қилгандан кўра аёл кишидан ҳазар қиладиган ҳолат юзага келди.

Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом туғилиб ўсган, Қуръон нозил бўлган Арабистон яри-моролини оладиган бўлсак, у ерда ҳам аёл зотига шунга ўхшаш муносабат бор эди. Дунёнинг чор атрофида ҳукм сураётган аёлни хорлаш намуналарининг ҳар бир кўриниши Арабистонда ҳам бор эди. Арабларда аёл киши одам ўрнида кўрилмас эди. Агар хонадонда қиз туғилса, мотам тутилар эди. Қиз туққан келинлар, аёллар дашномга қолади. «Нимага қиз туғдинг?» деган таҳдидли саволга жавоб беришлари лозим эди. Қизларни

ор-номус рамзи деб билишар эди. Шунинг учун кўпчилик жоҳиллар кейинчалик бизга ор-номус келтиргандан кўра ҳозирнинг ўзида қутулиб қўя қолайлик деб, қизларни тириклайн кўмиб ташлашар эди.

Аёл киши ўзи хоҳлагандек яшаш, ҳар қандай инсоний ҳуқуқлардан манфаат олиш ҳаққидан маҳрум қилинган эди. Аёлга мутлақо мерос берилмас эди. Лекин аёлнинг ўзини эрининг эчки, қўй, түяларига қўшиб, мерос қилиб тақсимлаб беришарди. «Фалончи вафот этиби, ундан мунча қўй, бунча эчки, шунча хотин қолибди. Иккита қўйи, битта эчкиси, битта хотини фалончига», деб бўлиб берилар эди. Хуллас, аёлларнинг ҳеч қандай ҳақ-хуқуқлари йўқ эди. Уларнинг устига турли-турман зулм юкланданди. Ана шундай зулматли бир пайтда Аллоҳ таоло инсониятни жаҳолат ботқодидан Исломнинг омонлик қирғоғига, жаҳолатнинг зулматларидан Исломнинг нурига олиб чиқишини ирода қилди ҳамда Ўзининг охирги ва афзал пайғамбари Мұхаммад алайҳиссолату вассаломни танлаб олиб, у зотга Ўзининг охирги ва қиёматга қадар боқий қолувчи мўъжизавий Китоби – Қуръони Каримни нозил қилди. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом Қуръон таълимотлари асосида инсониятни тўғри йўлга бошлаш, инсон ҳаётининг барча жабҳаларини Аллоҳ ирода қилган савияги кўтариш, жумладан, аёл зотини унга Аллоҳ берган ҳақ-хуқуқлар билан қайтадан таъминлаш, уни шарафлаш, улуғлаш, эъзозлаш, латофатини сақлаш, аёллик гўзаллигини кўкларга кўтариш учун ҳаракат бошладилар. Қуръони Каримда ҳам ўша пайдаги аёлларга бўлган нотўғри муносабатни қаттиқ танқид қилиб, оятлар нозил бўлди.

Жумладан, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло марҳамат қилиб айтади:

Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

«Агар улардан бирига қиз туғилганлик суюнчилиги етса, ғазабнок бўлганидан юзлари қизариб кетар эди», дейди Аллоҳ таоло.

Шундан кейин ўйлай бошлайди ва ўзига ўзи «Буни ор-номус сифатида олиб юрсаммикан ёки тириклайн кўмиб юборсаммикан» деган саволни беради. Кўмиб юбориш фикри кўпроқ устун чиқади ва жигаргўшасини тириклай кўмиб юборади. Ана шу қизларни тириклай кўмиш одатини кейинчалик Ислом билан шарафланиш баҳтига сазовор бўлган саҳобаларнинг ўзлари сўзлаб берганлар, булар ҳадисларда келган. Бу одатни Қуръон қаттиқ танқид қилади. Кейин бу дунёда қутулиб кетса ҳам, бу иши

учун охиратда жавоб бериши борлигини таъкидлайди. Қиёмат даҳшатларини сифатлаб, «Осмондан юлдузлар узилиб тушса, денгиз-дарёлар олов бўлиб ёнса, у бўлса, бу бўлса», деб туриб, «Қачонки тириклай кўмилган қиздан сўралса, «Нима гуноҳи учун қатл қилинибди бу қиз?» дейди.

Расули акрам алайхиссолату вассалом ҳам ўз ҳадисларида мана шу маъноларни такрорладилар: «Аёллар эркакларнинг туғишганларири», дедилар.

Эркак ота-онадан туғилган инсон, Аллоҳнинг бандаси бўлгани каби, аёл ҳам отаонадан туғилган инсон, Аллоҳнинг бандасидир. Оятлар, ҳадислар ва шариат таълимотлари асосида аёл ҳам эркак каби Аллоҳнинг бандаси эканлиги, Аллоҳнинг бандаларининг обрўси ва афзаллиги уларнинг эркак ёки аёллигига қараб эмас, иймон-эътиқодига, тақво ва ибодатига қараб белгиланиши Қуръони Каримда эълон қилинди. Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлийингиз энг тақводорингиздир», деди. Эркакларга берилган барча ҳақ-хуқуқлар аёлларга ҳам жорий этилди. Жумладан, яқиндагина қўй, эчкиларга қўшилиб мерос бўлиб тақсимланаётган аёллар мерос олиш хуқуқига эга бўлдилар. Шахсий мулкка эга бўлди, савдо қилиш, бой-бадавлат бўлиш, ҳатто эрларига закот берадиган даражага етди. Шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларида аёллар эркаклар билан тенг қилинди, ҳатто аёллиги эътиборидан кўп соҳада улардан устун қилинди.

Қуръони Каримнинг энг узун сураларидан бири «Нисо», яъни «Аёллар» деб аталади. Қуръонда «Эркаклар» деган сурा йўқ. Аллоҳ таоло бандаларига фарзанд бериш борасидаги оятда аввал қизларни тилга олган: «У Зот хоҳлаган кишислига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишислига ўғиллар ҳадя этур». Аввал қизларни айтиб, кейин ўғилларни айтади. Бундан уламоларимиз мусулмон уммати оиласида қиз туғилганда хурсандчиликни, шодиёнани ўғил туғилгандан кўра ортиқроқ қилиши керак, деган хulosага келган.

Қуръони Карим оятлари, Расули акрам алайхиссолату вассаломнинг суннатлари, шариатимиз таълимотлари асосида аёл киши инсон жамиятида, Ислом жамиятида яшар экан, умрининг бирор лаҳзасида қаровсиз қолмайдиган бўлди. Қиз боланинг нафақаси, яъни яшаши учун кетадиган барча сарф-ҳаражатлари отасига вожиб қилинди. Уша қизни турар жой билан, кийим-кечак, озиқ-овқат билан, дам олиш, даволаниш, таълим олиш каби ҳаётий тақозоларга кетадиган ҳаражат билан таъминлаш отанинг зиммасига вожиб амал бўлди. Шу

ишини ихлос билан Аллоҳнинг амири, шариатнинг ҳукми, Расууллоҳнинг кўрсатмалари деб қилса, вожиб амални қилган киши сифатида ажр-савоб оладиган бўлди.

Агар қизнинг нафақасидан бош тортса, гуноҳкор, нуқсонга йўл қўйса, айбдор бўладиган бўлди. Ҳудди шу мисол бошқа масалаларга ҳам тадбиқ қилинади. Аёл зоти сингил бўлса, нафақаси акасига, опа бўлса, укасига, хотин бўлса, эрига, она бўлса, ўғлига, ҳеч кими бўлмаса, жамиятга юкланди.

Мўмина, муслима аёл-қизлар ҳаётининг барча лаҳзаларида ўзи учун ҳеч нарса қилмасдан, роҳат-фароғатда яшаш ҳаққига эгадир. Уларни таъминлаш эркакларга юкландган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Одам Ато билан Момо Ҳаввони жаннатга киритганда, улар осий бўлиб, жаннатдан қувилганда Аллоҳ таоло Одам Атога хитоб қилиб: «Мана шу нарсалар бўлди, энди сен тўғри юргин. Яна машақ-қатга учрамагин» деган. Ўзи ноз-неъматга Одам Ато ва Момо Ҳавво иккови шерик бўлди, исённи ҳам иккови қилди. Лекин масъулиятни Одам Атога юклаяпти, «фаташқо», яъни «Сенга машаққат юкланди». Яъни оиласиңг ҳамма оғирлигини эркак киши кўтаради. Аёл киши бирга юрибди, жаннатга бирга киряпти, неъматдан фойдаланяпти, лекин машаққат Одам Атога юкланияпти.

Ҳудди шу нарса бутун инсониятга татбиқ этилади: аёл киши оиласида эр билан бирга яшайди, роҳат топади, ҳурмат топади. Аммо машаққат ҳар доим эркакнинг зиммасида. Бу ҳолат Одам Ато билан Момо Ҳавводан бошланган. Ана шундан бизда қиз фарзанд туғилса, хурсанд бўлиш, қизларни эъзозлаш, қиз боққанларга бу дунё ва охиратнинг баҳт-саодати ва буюк мартабалари ваъда қилинishi мерос бўлиб қолган. Бу нарсалар ҳаётга татбиқ қилинганда аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Расули акрам алайхиссолату вассаломнинг даврида яшаган саҳобия оналаримизнинг ҳаётларидаёқ бу нарса яққол кўзга ташлана бошлади. Ҳавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо қарив қолганда эри ундан зиҳор қилди. «Зиҳор» дегани аёл эрига ёқмай қолса, «Сен менга ҳудди онамнинг орқасидексан», яъни биздаги баъзи эсипастларнинг «Онам хотиним бўлсин» деганидек гап. Эркакнинг оғзидан шу гап чиқдими, ҳалиги ёқмай қолган хотиндан қутулади. Энди абадий у билан яшаб, бирга бўлиши мумкин эмас. Коида шундай эди. Ҳавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳога эри бир куни шу гапни айтди. Исломни тушуниб қолган, ҳурриятнинг лаззатини тотиб кўрган, кечагина мутеъ бўлиб юрган аёл бу сўзни қабул қила олмадилар.

«Йўқ, қандай қилиб бир оғиз сўз билан бу иш бўлиши мумкин? Ахир мен сенинг хизматингни қилдим, болаларингга қарадим, уларни қорнимда кўтариб юрдим, ювиб-тарадим, эмизиб катта қилдим, ноини ёпдим, кирини ювдим, энди ёшим ўтиб қолганда мен кўчада қоламанми?!» Эр яна ўша гапини такрорлади. Ҳавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо тортишиб-тортишиб бўлиб, «Мен шикоятимни Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга айтаман», дедилар-да, қўшниларидан ёпинги чини қарзга олиб, бошига ёпиниб, Расулуллоҳнинг олдиларига бордилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, эрим мени зиҳор қилди», дедилар. «Менимча, сен унга ҳаром бўлибсан», дедилар у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Эй Аллоҳнинг Расули, қандай қилиб бир гап билан мен унга ҳаром бўлиб қоламан? Ахир у менинг ёшлигимни олди, болаларини қорнимда кўтардим, эмизиб катта қилдим, ноини ёпдим, кирини ювдим, хизматини қилдим, бугун бир аҳволга тушиб қолганимда энди шунақа бўладими?» дедилар Ҳавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо.

«Менимча, сен унга ҳаром бўлибсан», дедилар Расулуллоҳ янга. Аёл тинмай тортишаверди. Ӯзининг ҳужжатини, далилини айтаверди. Расулуллоҳ ҳам бир гапни такрорлайвердилар. Охири Ҳавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо: «Ундан бўлса, мен шикоятимни Аллоҳга айтаман. Аллоҳ эшишиб туриби, кўриб туриби, билиб туриби», деди-да, ёпинчигини ёпиниб, орқасига қайтди. У аёл бир неча қадам юрганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий келди.

Аллоҳ таоло Мужодала сурасининг охирги оятларини нозил қилди.

Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

«Албатта, Аллоҳ сен билан ўз эри ҳақида тортишашётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшилди. Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг ўзаро сұхбатингизни эшилмоқда. Албатта, Аллоҳ ўта эшишувчидир, ўта кўриб турувчидир», деди.

Ҳалиги «зиҳор» деган нарса бўлмағур нарса эканлигини, бундан кейин энди ким хотинидан зиҳор қилса, каффоротини бериб, қайтадан яшashi кераклигини баён қилувчи оятлар нозил бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳалиги аёлни чақиринглар», дедилар. Ҳавла бинти Саълабани чақириб келишди. У зот: «Сен ва эринг ҳақида Аллоҳнинг оятлари нозил бўлди», деб Мужодала сурасининг аввалги оятларини ўқиб бердилар. Бир аёлнинг тортишуви, ўз ҳурриятини

хис этгани, ҳаққини талашгани учун Аллоҳ таоло унинг номидан Мужодала, яъни «Талашиб-тортишибчи аёл» номли бутун бошли сурани нозил қилди. Аёл зотини кўкка кўтарди, улуғлади, бу ҳолат Ӯзининг абадий дастуридан жой олди. Ҳозиргача ким уни тиловат қилса, савоб оладиган, намозларда, хатми Қуръонларда ўқиладиган Қуръоннинг собит оятлари бўлиб қолди. Бундай ҳолат ҳеч қаерда йўқ, ҳеч бир халқда йўқ, ҳеч бир китобда йўқ, ҳеч бир динда йўқ.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳо забардаст инсон эдилар. У кишини кўрганда ҳар қандай жабборнинг ҳам оёғи қалтираб, тили калимага келмай қолар эди. Ӯғри, муттаҳам, қиморбозлар ҳам у кишини узокдан кўриши билан қочар эди. Шундай забардаст одам эдилар. Бир куни катта саҳобалар, давлат аъёнлари билан кўчада кетаётган эдилар. Деворнинг тагида, бурчакда турган ёпинчикли бир аёл: «Ҳой Умар! Бу ёқقا кел», деди. Ҳазрати Умар тезлаб бордилар. Ҳалиги аёл гап бошлади: «Кечагина Умарча эдинг, сўнгра Умар бўлдинг, бугун мўминларнинг амири бўлибсан. Аллоҳдан қўрққин, Умар, халққа зулм қилмагин Умар, у қилгин, Умар, бу қилгин», деб қаттиқ-қаттиқ гапирди. Ҳалиги забардаст инсон бошини қуи солиб, «Хўп», дейишдан нарига ўта олмадилар. Хотин хоҳлаганича гапирди, узоқ гапирди. Охири, гапириб-гапириб чарчаб, ўзи юриб кетди. Сўнг Умар розияллоҳу анҳо у кишини кутиб турган катта саҳобалар, давлат аъёнларининг олдига қайтиб бордилар. Шунда Абдуллоҳ ибни Динор «Эй мўминларнинг амири, бир кампирга шунча қулоқ тутасизми, ўзиям жуда чўзиб юборди-ю», деди. Шунда у киши: «Эй бирордарлар, сизлар бу кампир кимлигини биласизларми?! Бу Ҳавла бинти Саълабадир. Аллоҳ таоло унинг каломини етти осмон устидан туриб эшишган-у, Хаттобнинг ўғли эшиитмасинми?! Аллоҳга қасмки, агар у кечгача гапирса ҳам, фарз намозидан бошқа вақтда эшиштар эдим», дедилар.

Ислом аёл зотини шунчалик улуғлади, кўкларга кўтарди, шунчалик буюк бир шарафга сазовор қилди. Ана ўша фойдалардан руҳланган, шарафланган муслима аёллар инсоният тарихида мисли кўрилмаган буюк ишларнинг соҳибалари бўлдилар. Улуғ инсонларни туғиб, боқдилар, вояга етказдилар. Инсоният тарихидаги энг буюк оналар, момолар муслималардан бўлди. Уларнинг тарбиялари, уларнинг амрлари, қилаётган ишлари бутун дунёда шарафли бир ишга айланди. Уламоларимиз айтадиларки, ўша даврларда муслималар ишга, меҳнатга, касб қилиб, мол-мулк топишга кетаётган

эралари, оталари, ака-укаларини «Боринглар, ой бориб, омон келинглар! Лекин бизга ҳалол нарса топиб келинглар, ҳаром нарсаларни олиб келманглар. Биз бу дунёning очлигига чидаймиз, лекин қиёматнинг қийноғидан қўрқамиз», деб жўнатишр экан. Аёл зотини шарафлаш, улуғлаш ва уларга Аллоҳ берган барча ҳукуқларни қайтариш – ушбу ҳолатларнинг ҳаммаси ўз самарасини берди.

Ислом дини, Қуръони Карим, Ҳазрати Мұхаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларни улуғлаш маъносида, уларни инсон сифатида қадрлаш борасида олиб борган меҳнатлари, уринишлари охири «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган ҳадиси шариф билан тож кийди. Ким жаннатга кирмоқчи бўлса, ўзини онасининг хузурида худди оёғининг тагига ётиб ёлвораётгандек тутсин, деган гап тарқалди. Бу мусулмонларнинг шиорига айланди. Расули акрам алайҳиссолату васаллом келтирган Қуръон, ўзлари айтган ҳадисларнинг ҳаммаси аёлни улуғлашдан, уни шарафлашдан иборатлигини бугунги кунда динсиз, диёнатсиз, на Қуръондан, на Мұхаммад алайҳиссаломдан, на Исломдан хабари йўқ одамлар ҳам таъкидлашяпти, бўйин эгишяпти. Канаданинг Торонто шахрида «Жамъияту ториқ ал-Исламия» деган жамият бор. Ториқ Исломий – бу мусулмонлар жамияти. Ушбу жамиятнинг раиси Хорун Саламат исмли одам бизнинг оғайнимиз бўлади. У киши узоқ йиллардан бери мазкур жамиятни бошқаради. Охирги пайтада Гарбда Исломга нисбатан, Қуръонга нисбатан, Расулуллоҳга нисбатан беодоблик бўлаётгани, ҳар хил бетамизликлар қилаётгандари эътиборидан у жамият ҳам «Ўзимиз яшаб турган Торонто Канададаги ғайридинларга бир оз маълумот етказайлик, шояд улар ҳам инсофга келса», деган маслаҳат билан мажлис қилишибди. Шунда мажлисдаги мулоҳазаларни дискка ёзиб, тарқатиш маслаҳати бўлибди. Уни ўқиши «Сиз ибодатли, тақволи одамсиз, шоядки ўқиган нарсангиз ўшаларнинг ҳам кўнглига етиб борса» деган маънода Хорун Саламатнинг ўзига топширилибди. У кишининг Қуръони Каримдаги Марям сурасининг инглизча маънолари таржимасини ўқиши нияти бор экан. Шунда Хорун Саламат Канаданинг машҳур дикторларидан бирига телефон орқали боғланиб, «Сиз билан бир маслаҳатли ишим бор эди, учрашсак бўладими?» деб учрашибди. «Мен шу матнни ифодали ўқиб, овозимни ёзмоқчиман. Лекин тажрибам йўқ. Қандай ўқиши ҳақида менга маслаҳат берсангиз», дебди. Диктор: «Олдин матнни менга бер! Мен ўзим уйда ўқиб, қаерини қандай ўқишини белгилаб келаман-да, ке-

йин сенга ўргатаман», дебди. Матнни олиб кетиб, иккинчи учрашувга келганда бирданига «Сен кимсан ўзи, бу матнни қаердан олдинг?» деган гаплар билан савол бера бошлабди. «Мен фалончиман, матн биз мусулмонларнинг ўзимизнинг китобимиздан» дебди Хорун Саламат.

«Лекин бу одамнинг гапига ўхшамайди», дебди ҳалиги диктор.

«Нега ундаи деяпсан?» дебди Хорун Саламат.

«Тўғрисини айт, бу нима ўзи?» дебди диктор.

«Бу Мұхаммад алайҳиссалом келтирган Қуръон», деб жавоб берибди Хорун Саламат.

«Ҳа, энди тушундим. Бу ердаги гаплар оддий инсоннинг гаплари эмас. Агар Мұхаммад Пайғамбар инсонлигидан келиб чиқиб гапирадиган бўлса, аёл зоти ҳақида сўзлайдган бўлса, ҳамма одамларга ўхшаб онасидан, ё опасидан, ё синглисидан, ё қизиу хотинидан сўзлар эди. Бу одам етти ёт бегона – Марямни мақтаяпти. Демак, бу ўша оддий инсоннинг оғзидан чиқкан гап эмас. Бундай гапларни фақат Аллоҳ таоло айтиши мумкин», дебди диктор.

Эътибор беринг, Марям онани Марямга ибодат қилганлардан кўра, мусулмонлар яхши сифатлашади. Буни ўша кофир одам ҳам билибди. Марямни бунчалик улуғлаш Одам боласининг қўлидан келмайди. Одам боласининг ўзига қўйиб қўйсак, ё онасини мақтайди, ё энасини мақтайди, ёки жуфти ҳалолини, опаси, синглиси, қизи, набирасини мақташи керак эди. Ушбу ҳақиқатлар, иншааллоҳ, кундан-кунга тушуниб бориляпти, яхшиланиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси, иншааллоҳ, яхшиликка, хайрбаракага сабаб бўлади. Шунинг учун биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши танишимиз керак. У зотнинг сифатлари, сийратлари, шариатларини чуқур ўрганишимиз лозим. Мавлиди шариф деб аталган маросим ҳам айнан шунинг учун жорий этилган.

*Юқоридаги сўзлар топ доирадаги аёлларга тақдим этилган эди, унинг фойдасидан Сиз азиз мухлислар ҳам манфаатдор бўлишингизни истаб, эътиборингизга ҳавола этдик.*



## Шайх ҳазратларини эслаб...

Аллоҳ таоло мени Шайх  
ҳазратларидек зот билан  
ҳамаср этиб, у кишининг  
келинлари сифатида озми-  
қўпми, хизматларини қилиб,  
дуоларига мушарраф бўлишни  
насиб этгани учун У Зотга беа-  
дад шукрлар бўлсин.

Шайх ҳазратлари ота-оналарини қаттиқ ҳур-  
мат қилар, доимо уларнинг кўнгилларига қараб,  
дуоларини олар эдилар. У киши биз аёлларга, ке-  
линларга жуда яхши муносабатда бўлар эдилар.  
Мен ушбу муборак уйга кадам босиб келганим-  
дан буён бирор марта уришганларини ёки танбеҳ  
бергандарини эслай олмайман. Болаларга, ай-  
ниқса ёш қизларга чиройли муносабатда бўлар,  
уларни «хола» деб эркалатар эдилар. Сафардан  
келсалар, совғаларни қиз болалардан бошлаб  
тарқатар эдилар. Менинг қизим Ҳамидахонни ҳа-  
зиллашиб, «буви» дердилар.

Ёшларнинг таълим-тарбиясига, ўқишига ни-  
хоятда эътиборли эдилар. Агар болалардан би-  
рортаси Куръон тиловат қилиб берса, ҳақларига  
дуолар қилиб, мақтаб қўяр эдилар. Ўқиган қиз-  
ларни эътибордан четда қолдирмас эдилар. Ме-

нинг иккала келинимини ҳам ўзлари танлаб, тўйларимизга бош бўлиб ўтказиб берганлар. Хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилар эдилар. Баъзи қайноналарнинг келинлари бетоб бўлиб қолса, уйига жўнатиш одатларини қоралаб, «Соғлигига яхшию, бетоб бўлиб қолса, уйига жўнатишадими?» деб норизо бўлардилар. Аёлларига, келинларига, қизларига доимо яхши муносабатда бўлар эдилар.

Шайх ҳазратлари Ислом дини ўгитларига амал қилиб, оналарининг ҳурматини ўрнига қўярдилар. Бирга бўлганларида ҳар куни оналарининг зиёратларига кириб, одоб билан салом берар, кўзларига қараб турар эдилар. Мободо бирор хизмат буюрсалар, дарҳол бажо келтирас эдилар. Шайх ҳазратлари оналари билан айрилиқда умр кечирган пайтларидаги ички кечинмаларини оналарига бағишлиб ёзган марсияларидага изҳор қилганлар. Онамиз фарзандларининг ҳаққига доимо дуода эдилар. У киши бутун ҳаётларини фарзандларига бахшида қилган эдилар. Ўзларини ўйламас, доимо фарзандлари ҳақида қайғурар, дуолар қиласидилар. Бетоб бўлганларида ҳам «болам» дердилар. Бир йили оғир бетоб бўлиб қолдилар. Ўшанда фарзандлари ҳақида хушхабарни эшитиб, яхши бўлиб, оёққа туриб кетган эдилар. Фарзандлари, айниқса, Шайх ҳазратлари онамизнинг бундай илтифотларига, меҳрибончиликларига муносиб фарзанд бўлдилар.

Шайх ҳазратлари бутун ҳаётлари давомида динимиз арконларига қаттиқ эътибор бериб, амал қилиб яшадилар. Айниқса, аёлларимиз, хотин-қизлар

ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилар эдилар. Буни келинларимизнинг маҳри масаласида ҳам кўрсак бўлади. Шундай даврлар бўлдики, ҳалқимиз ўртасида маҳр масаласи йўқолиб кетаёзди. Унинг ўрнига шариатимизда умуман кўрсатма келмаган «сут пули», «қалин пули» каби бидъатлар кенг тарқала бошлади. Шайх ҳазратлари бунга алоҳида эътибор қаратиб, фарз ҳисобланган маҳрни қайта тирилтиридилар, десак, муболаға бўлмаса керак. Айниқса, ўзлари никоҳини ўқиётган ёшларга никоҳ, талоқ масалалри билан бир қаторда маҳрнинг ҳам фарз амаллардан эканлигини тушунтириб борар эдилар. Ҳозирда келинларимиз ўз маҳрларига Шайх ҳазратлари таълиф қилган китобларни ихтиёр қилаётгандарига бежиз эмас.

Отамиз бўлмиш Муҳаммад Юсуф ҳожидаданинг вафотларидан кейин Ҳазратимизни ҳам ота, ҳам ака ўрнида кўриб, суяниб қолган эканмиз. Икки ўғлим ва икки қизимни ўқитиб илмли қилишда, тўйларини қилишда бизга бош бўлган эдилар. Маслаҳаттўй, дуогўйимиз бўлгандилар. Энди, кенжамизга келганда, у кишининг ўринлари жуда билингапти. Аллоҳ таоло Ҳазратимизнинг охиратларини обод қилсин! Жаннатдаги мақомларини улуғ қилсин. Менинг фарзандаримга ҳам у кишининг йўлларини берсинг!

Хайринисо Омил Махдум қизи



